



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI VAZIRINING
BUYRUG‘I

2023 yil. “22” noyabr

388-son

QR 02.01-23 “Yer inshootlari. Zaminlar va poydevorlar” qurilish reglamentini
tasdiqlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Shaharsozlik kodeksi hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Qurilish sohasiga oid talablarni soddalashtirish hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarni tizimlashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2022-yil 6-oktabrdagi 577-son qaroriga muvofiq

BUYURAMAN:

1. QR 02.01-23 “Yer inshootlari. Zaminlar va poydevorlar” qurilish reglamenti ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligining 2019-yil 7-yanvardagi 8-son buyrug‘i bilan tasdiqlangan ShNK 3.02.01-2019 “Земляные сооружения, основания и фундаменты” shaharsozlik normalari va qoidalari o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi hamda Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi bilan kelishilgan.

4. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir



B.Zakirov

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирининг
2023-йил 22-ноябрдаги
388-сон буйруғига
ИЛОВА

ҚР 02.01-23 “Ер иншоотлари. Заминлар ва пойдеворлар” қурилиш регламенти

1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур қурилиш регламенти (бундан буён матнда регламент деб юритилади), янги қурилишда ер ишлари, замин ва пойдеворларни бажариш ҳамда бино ва иншоотлар (келгусида иншоот деб юритилади (шу жумладан ер ости иншоотлари))ни реконструкция қилиш ва уларни қабул қилишда қўлланилади.

2-боб. Атамалар ва таърифлар

1. Мазкур регламентда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

анкер – қурилиш конструкциялари ва жиҳозларини қотириш учун ишлатиладиган маҳкамловчи элемент;

анкер илдизи – анкернинг тортқилари орқали узатиладиган кучни грунтга узатувчи қисми;

бетон қоришмасини пуркаш – цемент, қум, шағал, сувни мустаҳкамлиги, қаттиқлашишини оширувчи чақик тош, махсус қўшимча қўшиш ва аралашмани сиқилган ҳаво орқали ишчи юзага бериш (пуркаш) орқали олинadиган, ўта мустаҳкам тез қотувчи бетон;

бурғулаш қозиклари – бурғуланган скважиналарни бетон қоришмаси билан тўлдириш ёки шу скважиналарга темир-бетонли элементларни ўрнатиш йўли билан бажарилади;

бурғулаш-инъекцион қозиклар – бундай қозиклар бурғуланган скважиналарни майда донали бетон қоришмасини ёки цемент-қумли қоришмани сиқилган ҳаво босими остида ҳайдаш йўли билан қурилади;

бўртувчан грунт – сув ёки бошқа суюқлик билан намланганда ўз ҳажми бўйича кенгайдиган ва нисбий бўртувчанлик коэффициентига эга бўлган грунт ;

грифон-кудукнинг ташқи бўшлиғи орқали юқори босим остида ҳаракатланadиган суюқлик (қўпинча газ)ни юзага тўсатдан чиқиши;

грунтларни мустаҳкамлаш – қаттиқлаштирувчи қоришмани босим остида юбориш орқали ҳисобланган ҳажм ва шаклдаги грунтнинг физик-механик хусусиятларини ошириш;

грунтли анкер – чузилиш юқларини маҳкамланган конструкциядан грунтнинг юк кўтарувчи қатламларига ўтказувчи қурилма;

игна-филтр – полимер материалдан тайёрланган егилувчан қувур (устун). Қувурнинг охирига сеткали филтр ўрнатилган;

инъектор – қаттиқлаштирувчи қоришмани грунтга ёки қурилиш конструкциясига қуйиш учун ишлатилadиган тешиқлари бўлган қувур;

карст – тоғ жинсларини сув таъсирида ериши билан боғлиқ бўлган ҳодисалар тўплами;

кольматация, тампонаж – грунтдаги тешиқлар ва ёриқларни фильтрацияга тўсқинлик қиладиган босим остида юбориладиган қаттиқ заррачали қоришма билан тўлдириш;

коммуникация – ахборот, алоқа; коммуникациялар ахборот йўллари, алоқа линиялари; шаҳар хўжалиги ерости тармоғи (сувўтказгич, газўтказгич);

котлован – бинолар ва бошқа муҳандислик иншоотларининг заминлари ва пойдеворларини жойлаштириш учун мўлжалланган грунтда қазилган чуқурлик;

нагел – ёғоч конструкцияларнинг элементларини бир-бирига улаш учун ишлатиладиган резбасиз ёғоч ёки металл таёқ;

ростверк – бир неча қозикларнинг юқори қисмини бирлаштирувчи ва уларнинг бир хил чўкишини таъминловчи қурилма;

хандақ – узунлиги кенглиги ва баландлигидан анча узунроқ бўлган грунтли заминдаги чуқурчага;

шлам – бурғулаш жараёнида грунт қовлаш қурилмаси ва скважиналарнинг деворларидан тўкиладиган ёки скважиналарнинг забойларида қоладиган зичланмаган грунт кўринишидаги юмшоқ чўкинди;

шпунт – бир томони тароқсимон шаклга, бошқа томони ариқсимон ўймага эга бўлган қозик бўлиб, бундай қозиклар шпунтли девор қуришда қўлланади;

эрлифт - фақат сиқилган ҳаво оқимидан фойдаланган ҳолда, ҳатто жуда чуқурликдаги кудуқлардан суюқликни чиқариши мумкин бўлган техник қурилма.

3-боб. Ер иншоотлари. Замин ва пойдеворларни ўрнатишда хавфсизлик талаблари

1-§. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

2. Ер ишларини бажаришда, замин ва пойдеворларни қуришда қурилишни ташкил этиш талаблари, геодезия ишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, санитария, хавфсизлик ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши керак.

3. Портлатиш ишларини олиб боришда "Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси" томонидан тасдиқланган портлатиш ишлари учун ягона хавфсизлик қоидалари талабларига риоя қилиш лозим.

4. Карьерларни қазишда "Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси" томонидан тасдиқланган фойдали қазилма конларини очиқ усулда ўзлаштиришда ягона хавфсизлик қоидалари талабларига риоя қилиш керак.

5. Саноат ва фуқаролик қурилиши учун мўлжалланган сунъий (намыв) ҳудудлардаги барча ишларнинг сифатини махсус ташкил этилган назорат остида амалга оширилиши керак. Сунъий ҳудудларда бажарилган ишлар хавфсизлик талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

6. Оғир шароитларда портлатиш ишлари учун ишчи ҳужжатлар лойиҳанинг бир қисми сифатида бош лойиҳалаш ташкилоти томонидан ёки унинг кўрсатмаси бўйича ёрдамчи ихтисослашган ташкилот томонидан ишлаб чиқилиши керак.

Бунда тегишли идораларнинг махсус кўрсатмаларидаги талабларга мос ҳолда портлатиш хавфсизлиги бўйича техникавий ва ташкилий ечимлар кузда тутилиши лозим

7. Қурилиш-монтаж, юклаш-тушириш ва махсус ишлар хавфсизлик қоидалари, ёнғин хавфсизлиги, санитария меъёрлари, экологик талаблар ва ушбу қоидалар тўпламида белгиланган бошқа қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

8. Бўшлиқларни грунт билан тўлдириш ва уни зичлаш пойдевор, ертўла деворлари ва ер ости иншоотларини, шунингдек яқин атрофдаги ер ости коммуникацияларининг гидроизоляция хавфсизлигини таъминлаган ҳолда амалга оширилиши керак. Гидроизоляцияга механик шикаст етказмаслик учун химоя қопламасидан (шу жумладан профили мембраналар, донадор ва бошқа материаллар) фойдаланиш керак.

9. Пастлашувчи қудуқлар ва кессонлар ботирилган сирт баландлиги қурилиш давридаги ер ости сувлари ёки ховуздаги сувнинг мумкин бўлган максимал даражасидан камида 0,5 м юқори бўлиши керак (тўлқинлар ва тўлқинларнинг кўтарилиш баландлигини ҳисобга олган ҳолда).

Ховуз тўлдириладиган оролнинг бермалари усқунанинг хавфсиз ишлашини таъминлаш учун камида 2 м бўлган кенликка эга бўлиши керак.

10. Иншоотнинг ташқи юзасига гидроизоляцияни қўллашда уни химоя деворини ўрнатиш орқали механик шикастланишдан химоя қилиш керак (дренаж материаллари варақлари, синтетик қоплама ва бошқалар). Котлованнинг бўшлиғига қайта тўкмаларни тўқишда гидроизоляция хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш керак.

11. Грунтларни цементлаш бўйича ишлар ишчи хужжат ва ишларни бажариш лойиҳасига мувофиқ амалга оширилиши керак. Ишларни бажариш лойиҳасини технологияси, сифат назорати ва ишни қабул қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик талабларини акс эттирувчи бўлимларни ўз ичига олиши керак.

12. Омборхона бинолари ва хоналарида моддалар ва материалларни жойлаштириш режаси осиб қўйилиши керак. Ушбу режаларда моддалар ва материалларнинг сақлаш жойлари, шунингдек, уларнинг физик ва кимёвий хусусиятлари акс эттирилиши лозим.

2-§. Ёнғин хавфсизлиги

13. Технологик жараёнлар регламентлар, техник қоидалари ва бошқа белгиланган тартибда тасдиқланган норматив-техник ва фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилиши керак.

14. Технологик жараёнда ишлатиладиган ёнувчи моддалар ва материалларни хонада бевосита қурилмалар ва жиҳозларнинг ёнида технологик регламентларда назарда тутилган миқдорда сақлаш керак. Бунда, ушбу миқдор бир сменада ишлатиладиган меъёрдан ошмаслиги керак.

15. Кийимларни қуриши хоналарида ёлганган кийимларни, матоларни, шунингдек, гугурт, чакнатгичлар (ёндирувчилар) ва ёнувчи материаллари бўлган кийимларни сақлаш тақиқланади.

16. Усқуналарга, қувурларга, сиғимли қурилмаларга, коммуникацияларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, синовдан ўтказиш, текшириш ва диагностика қилиш белгиланган муддатларда ҳамда уларнинг фойдаланиш бўйича тегишли техник хужжатларида назарда тутилган ёнғин хавфсизлиги чораларини кўрган ҳолда амалга оширилиши керак.

17. Машина ва ускуналарнинг қисмларини (деталларини) ювиш (мойдан тозалаш) учун ёнмайдиган техник суюқликлар ва таркиблар, шунингдек, ёнғин таъсирига хавфсиз қурилмалар ва усуллардан фойдаланиш керак.

18. Ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган носозликлари мавжуд ускуналар ва қурилмаларда, шунингдек, ўлчов воситалари, автоматлаштириш, назорат қилиш ва ҳарорат, босим, концентрация ва ёнувчан буғлар, суюқликлар, газларнинг бошқа технологик параметрларини белгиловчи авария ҳолатларига қарши ҳимоя тизимлари ўчирилганда ишлаб чиқариш ишларини ўтказиш тақиқланади.

19. Енгил алангаланадиган ва ёнувчи моддалар ва материаллаи сақланадиган идишлар герметик зич бўлиши керак. Герметиклик (зичланиш) ҳолати вақти-вақти билан текширилиши ва шикастланганда, эскирганда тикланиши ёки алмаштирилиши керак.

20. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд бўлган ҳудудлардаги барча ишлар ҳар қандай ишлаш шароитларида ҳам портлашлардан ҳимояланган ҳаракатлар билан учқун чиқармайдиган воситалар ва жиҳозлардан фойдаланган ҳолда бажарилиши керак. Хавфли ҳудудларда ишлайдиган ходимлар антистатик воситалар билан ишлов берилган ҳимоя кийимлари билан таъминланиши лозим.

21. Технологик жараёнларни амалга оширишда бошқариш, назорат қилиш ва авариядан ҳимоялаш тизимларини ўчириб қўйишга йўл қўйилмайди.

Зарур ҳолларда текшириш, синаш ва созлаш учун алоҳида қурилманинг ўчирилишига йўл қўйилади. Бунда мансабдор шахснинг ёзма топшириғига кўра технологик жараённинг хавфсизлиги таъминланган бўлиши керак.

22. Бўяш, ёғсизлантириш ва ювиш цехлари, участкалар ва қурилмаларни ишлатишда қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

а) бўяш шкафлари, камералари ва кабиналаридан улардаги ҳаво тортиш тизими, пуркагичлар (гидрофилтрлар) ҳамда техник ҳужжатларда назарда тутилган ёнувчан бўёқ ва локлар заррачаларини ушлаш учун бошқа самарали мосламалари носоз бўлганда фойдаланиш тақиқланади;

б) бўяш мосламаларини ёнувчан қолдиқлардан тозалаш ишлари ҳар куни смена тугаганидан кейин вентиляция ишлаб турган ҳолатда амалга оширилиши керак. Қирғичлар (скребоклар) учқун чиқармайдиган материалдан тайёрланиши лозим;

в) лок-бўёқ материаллари иш жойларига смена талабидан кўп бўлмаган миқдорда тайёр ҳолатда олиб келиниши керак (куну тун ишлайдиганлар учун — бир суткага етадиганидан кўп бўлмаган миқдорда).

23. Қувурлардаги қотиб қолган енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар, музли тикинлар ёнғинга хавфсиз тарзда (иссиқ сув, буғ, қиздирилган қум ва бошқалар ёрдамида) қиздирилиши керак. Иситиш учун очиқ оловдан ва қиздирилган буюмлардан фойдаланиш тақиқланади.

24. Ҳаво, сув, ёнувчан моддалар билан тасирлашганда ўз-ўзидан ёниб кетиши ёки портловчи аралашмалар (кальций карбиди ва бошқа карбидлар, ишқорий металллар, натрий гидриди, барий пероксиди ва бошқалар) ҳосил қилиши мумкин бўлган кимёвий реактивлар бундай тасирланишни бутунлай истисно қиладиган, шунингдек, юқори ҳарорат ва механик таъсирлардан холи махсус шароитларда сақланиши керак.

25. Маҳсулотларни омборларда сақлаш унинг ҳолатини назорат қилиш учун эркин кириш имкони яратилган ҳолда амалга оширилиши керак. Ўтиш жойлари ва сақлаш жойлари полда аниқ кўринадиган чегара чизиқлари билан белгиланиши керак. Стеллажлар (штабеллар, сақлаш жойлари) орасидаги ўтиш йўллари бўш бўлиши керак. Стеллажлар

(штабеллар, сақлаш жойлари) орасидаги кенглиги камида 1 m бўлган йўлаклар, майдони 300 m² дан ортиқ бўлган омборхоналарда эса девор билан штабеллар (стеллаж) ўртасида кўшимча равишда 0,8 m йўлаклар қолдирилиши лозим.

Чироклардан сақланадиган маҳсулотларгача бўлган масофа 0,5 m дан кам бўлмаслиги керак.

26. Портлаб ёниш ва ёнғин хавфи бўлган моддалар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш хоналарида (агар бу ишлаб чиқариш учун зарур бўлса), бир смена эҳтиёжларидан ортиқ бўлмаган микдорда сақлашга рухсат этилади. Бунда улар махсус ажратилган жойларда, маҳкам беркитиладиган ёнмайдиган шкаф ёки қутиларда сақлаш лозим.

4-боб. Умумий талаблар

27. Мазкур регламент қоидалари ишларни бажариш ва қурилишни ташкил этиш лойиҳаларини тузишда, ер иншоотлари, заминлар ва пойдеворларни қуришга тадбик қилинади.

28. Гидротехника иншоотлари, сув транспорти иншоотлари, мелиоратив тизимлари, магистрал қувурлари, автомобил ва темир йўллари, аэродромлар, алоқа ва электр узатиш тармоқлари, шунингдек бошқа мақсадлардаги кабелли тармоқларининг ер ишларини бажаришда, заминлари ва пойдеворларини ўрнатишда мазкур регламентда келтирилган талаблардан ташқари ушбу иншоотларнинг қурилишидаги ўзига ҳос хусусиятларни инобатга олиш лозим.

29. Мазкур регламент қуйида келтирилган талабларга асосланган:

- ишларни бажариш лойиҳаси ва қурилишни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш мазкур ишларни бажариш учун сертификатлаштирилган, тегишли малака ва амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилиши керак;

- муҳандислик изланишлари, лойиҳалаш ва қурилиш бўйича мутахассислар ўртасида координация ва алоқа таъминланиши керак;

- қурилиш майдончасида ишларни бажариш ва қурилиш буюмларини ишлаб чиқариш жараёнида лойиҳа бўйича талаб этилган сифат назорати таъминланиши керак;

- қурилиш ишлари сертификатлаштирилган, малакали ва тажрибали ходимлар томонидан амалга оширилиши керак;

- иншоот ва у билан боғлиқ бўлган муҳандислик тизимларига техник хизмат кўрсатиш иншоотдан фойдаланиш муддати давомида унинг хавфсизлиги ва ишчи ҳолатини таъминлаши керак;

- иншоотдан лойиҳага мувофиқ мўлжалланган мақсадда фойдаланиш керак.

30. Ер иншоотлари, заминлар ва пойдеворлар лойиҳага мос келиши ва ишларни бажариш лойиҳасига мувофиқ амалга оширилиши керак.

31. Ер иншоотлари, замин ва пойдеворларни барпо этишда қўлланиладиган грунтлар, ашёлар, буюмлар ва қурилмалар лойиҳалар, тегишли стандарт ва техник шартлар талабларини таъминлаши лозим. Лойиҳада кўзда тутилган барпо этилаётган иншоот ёки унинг замини таркибига кирувчи грунтлар, ашёлар, буюмлар ва қурилмаларни алмаштириш лойиҳа ташкилоти ва буюртмачи билан келишилган ҳолда ҳамда қайта экспертизадан ўтказиб бажарилади.

32. Қурилиш майдончасини пойдеворларни ўрнатиш учун муҳандислик тайёрлаш бўйича ишлар мажмуасига қуйидагилар қиради:

а) бинолар ёки иншоотлар, уларга туташ йўлаклар, йўллар, режалаштириладиган худудлар ўлчамлари бўйича ўсимлик ўсадиган грунтни олиб ташлаш;

б) ер усти сувларини қуриладиган худуддан олиб ташлаш бўйича лойиҳада назарда тутилган ишларни амалга ошириш;

в) қишда ишлов бериш учун мўлжалланган жойларда грунтларни шўрланиш, юмшатиш ёки иситиш ва бошқа усуллар билан тайёрлаш.

33. Мазкур регламент талабларига мос ҳолда тайёрланган заминларга тошли, синчли ёки ғиштли теримлар (деворлар) учун яхлит, йиғма бетон ёки темир бетон пойдеворларни барпо этиш бўйича ишларни олиб боришда “Юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар”, “Қурилиш конструкциялари ва иншоотларни коррозиядан ҳимоялаш” қурилиш регламентларига ассосан амал қилиш лозим.

34. Ер ишларини бажаришда, заминлар ва пойдеворларни барпо этишда “Қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, шунингдек, бузилган ерларни рекултивация қилиш, тупрокнинг унумдор қатламини кесиб олиш, сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

35. Ер ишлари, заминлар ва пойдеворларнинг яширин ишларини тасдиқловчи далолатномалар тузиш билан қабул қилиш 2-иловага амал қилган ҳолда бажарилиши лозим. Зарур бўлган ҳолларда яширин ишларни тасдиқловчи далолатномалар тузиш билан оралик қабул қилишга боғлиқ бўлган бошқа элементларни лойиҳада-кўрсатилади.

36. Тегишли равишда асослаб берилганда мазкур регламентда назарда тутилганидан фарқ қиладиган ишларни бажариш усуллари ва техник ечимлар, чегаравий четланиш қийматлари, назорат усуллари ва хажмлари лойиҳада белгиланиши мумкин.

37. Мониторинг қилиш зарурати, унинг хажми ва методикаси “Био ва иншоотлар асослари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланади.

38. Ер ишларини бажариш, замин ва пойдеворларни қуриш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

а) тайёргарлик;

б) тажриба-ишлаб чиқариш (зарурат бўлганда);

в) асосий ишларни бажариш;

г) сифат назорати;

д) ишларни қабул қилиш.

39. Пойдеворларни барпо этишдан олдин, қурилаётган бинонинг ўқларини маҳкамлаш учун тўсиш (обноска) ишларини бажариш керак.

40. Тўсиш ишларини бажаришда, котлован ва пойдевор ўқларини режалашда иншоотларнинг ер ости қисмининг конструкцияларини қуришда ва бошқаларда, далолатномаларни тайёрлаш ва ижро этувчи схемаларни қўллаш билан геодезик ишлар амалга оширилади.

5-боб. Сув сатҳини пасайтириш, ер юзасидаги оқимни ташкил этиш, сув кетказиш ва дренаж

41. Мазкур бўлимнинг қоидалари янги қурилган ёки реконструкция қилинган объектларда ер ости сувлар сатҳини сунъий равишда пасайтириш (бундан буён матнда сув сатҳини пасайтириш деб аталади), шунингдек қурилиш майдончасидан ер усти сувларини олиб ташлаш бўйича ишларни бажаришда қўлланилади.

Сув сатҳини пасайтириш усулини танлашда табиий муҳитни, қуриган зонанинг ҳажмини, котлованда ва унинг ёнида қурилиш ишларининг усуллари, уларнинг давомийлигини, яқин атрофдаги қурилишга, муҳандислик коммуникацияларига ва бошқа маҳаллий қурилиш шароитларига таъсирини ҳисобга олиш керак.

42. Котлованларни ва хандақларни ер ости сувларидан ҳимоя қилиш учун скважинали сув олиш (водозабор), игна-филтрли (иглофильтр) усули, дренажлар, нурсимон сув олиш ва очик дренажни ўз ичига олган турли хил усуллар қўлланилади.

43. Очик скважиналар, вазифага ва қурилиш майдончасининг муҳандислик-геологик шароитларига қараб, сув олиш (гравитацион ва вакуумли), ўз-ўзини бўшатиш, ютиш, тушириш (грунт массасидаги пьезометрик босимни камайтириш учун ёки сув ер ости қазиб олишга йўналтирилганда) бўлиши мумкин.

Очик гравитацион сув олиш скважиналари фильтрация коэффиценти камида 2 m/d бўлган, сув сатҳини пасайтириш чуқурлиги 4 m дан ортиқ бўлган ўтказувчан грунтларда самарали қўлланилиши мумкин. Асосан, бундай қудуқлар қуйилиш остида ишлайдиган ботириб киритиладиган электр насослар билан жиҳозланган.

Филтрация коэффиценти 0,2 дан 2 m/d гача бўлган кам ўтказувчан грунтларда (лойли ёки чангли кумларда) вакуумли сув олиш скважиналари ишлатилади, уларнинг бўшлиқларида вакуумли сувни камайтиришда игна-филтрли ускуналарнинг насос агрегатлари ёрдамида скважиналарнинг сувни йиғиш қобилиятини оширишни таъминлайдиган вакуум ишлаб чиқилади. Одатда, битта бундай агрегат олтидан кўп бўлмаган скважиналарга хизмат қилиши мумкин.

44. Игна-филтр (иглофильтр) усули қурилган грунт хусусиятларига қараб, керакли усқунанинг пасайтириш чуқурлиги ва конструктив хусусиятларига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- 2 дан 50 m/d гача фильтрация коэффиценти бўлган ўтказувчан грунтларда, 4 дан 5 m гача бир поғона пастда лойли бўлмаган грунтларда (камрок ўтказувчан грунтларда катта қиймат) гравитацияли сувни камайтиришнинг игна-филтрли (иглофильтр) усули қўлланилади;

- фильтрация коэффиценти 2 дан 0,2 m/d гача бўлган кам грунтларда кунига 5 дан 7 m гача пасайиш билан ишлатиладиган вакуумли сувни камайтиришнинг игна-филтрли (иглофильтр) усули; зарур бўлганда, фильтрация коэффиценти 5 m/d дан кўп бўлмаган грунтларда бу усулдан кам самарадорлик билан фойдаланиш мумкин;

- сувни камайтиришнинг игна-филтрли (иглофильтр) эжектор усули, кам ўтказувчан грунтларда фильтрация коэффиценти 2 дан 0,2 m/d гача, ер ости сувлари сатҳини 10 дан 12 m гача тушириш чуқурлигида ва маълум асос билан-20 m дан ошмаганда қўлланилади.

45. Қурилиш учун мўлжалланган дренажлар чизикли ёки конструкциясига чизикли дренаж қўшилган қатламли бўлиши мумкин.

Чизикли дренажлар грунтларни қурутишни ботириб киритиладиган насослар билан жиҳозланган кум-шағал (чақиқ тош) тешикли қувурлар ёрдамида зумпфларга ер ости сувларидан намуна олиш орқали амалга оширади. Чизикли дренажларнинг самарали қурутиш чуқурлиги 4 дан 5 m гача.

Чизикли дренажлар котлован ичида, ер ишларининг қиялик(откос)лари асосида, қурилиш объекти билан ўралган худудларда жойлаштирилиши мумкин.

Қатламли (Пластового) дренажлар қурилиш даврида котлованнинг бутун майдони бўйича ер ости сувларини йиғиш учун кўзда тутилган. Ушбу дренаж тури фильтрация

коэффициенти 2 m/d дан кам бўлган грунтларда ер ости сувларини йиғишда, шунингдек сувли ёрилган қояли заминларда амалга оширилади.

Чангсимон ёки лойли грунтлардан ер ости сувларини йиғишда қатламли дренаж конструкцияси икки қатламдан иборат бўлади. Пастки қатлам қалинлиги 150 дан 200 mm гача бўлган йирик қумдан, устки қатлам эса қалинлиги 200 дан 250 mm гача бўлган шағал ёки чақиқ тошдан иборат бўлади. Агар келажакда қатламли дренаждан доимий иншоот сифатида фойдаланиш режалаштирилган бўлса, унда қатламларининг қалинлиги оширилиши керак.

Ёриқларида қум-лойли тўлдиргич мавжуд бўлмаган қоя грунтлардан ер ости сувларини йиғишда қатламли дренаж битта шағал (чақиқ тош) қатлампидан иборат бўлиши мумкин.

Қатламли дренаж орқали йиғилган ер ости сувлари чизиқли дренаж тизимиغا чиқарилади. Бунда чизиқли дренаж тизимининг қум ва шағалли тўкмаси қатламли дренаж билан туташган бўлади.

46. Очiq сув чиқаришни котлованлар ва хандақлардаги грунтнинг юзасидаги қатламини вақтинчалик қуришиш учун қабул қиламиз. Чуқур бўлмаган дренаж зовурлари очiq ёки фильтрацияланувчи материал (чақиқ тош, шағал) билан тўлдирилиши мумкин. Ер ости сувлари ботириб киритилган насослар билан жиҳозланган зумпфларга йиғилган сувни ариқлар орқали юбориш.

47. Сув сатҳини пасайтириш ишлари бошланишидан олдин, мавжуд ер ости коммуникацияларининг жойлашишини аниқлаш, ер ости сувлари сатҳининг уларга таъсирини баҳолаш ва керак бўлганда ҳимоя чораларини кўзда тутган ҳолда, ишларнинг таъсир зонасида жойлашган бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш.

48. Ботирма насослари билан жиҳозланган сув сатҳини пасайтирувчи скважиналар сув сатҳини пасайтириш тизимларининг энг кенг тарқалган турлари бўлиб, турли хил гидрогеологик шароитларда ишлатилиши мумкин. Скважиналарнинг чуқурлиги сувли қатламнинг чуқурлиги ва қалинлигига, тоғ жинсларининг фильтрация хусусиятларига, ер ости сувлари сатҳининг керакли даражада пасайиш миқдорига қараб белгиланади.

49. Гидрогеологик шароитга қараб сув сатҳини пасайтирадиган (водопонижительные) скважиналарни бурғулаш тўғридан-тўғри ёки тескари ювиш ҳамда зарба-арқон усули билан амалга оширилиши мумкин. Лойқа ювиш билан скважиналарни бурғулашга йўл қўйилмайди.

50. Сув сатҳини пасайтирадиган скважиналарга филтр устунлари қуйидаги талабларга мувофиқ ўрнатилади:

а) филтр устунини зарба-арқонли усулда бурғулаш орқали ўрнатишдан олдин, скважина тоза сув қуйиш ва тўлиқ шаффофлангунга қадар желонка билан яхшилаб тозаланиши керак. Агар бу скважина тўғри ва тескари ювиш билан айланма бурғулаш усулида бажарилса, скважина бурғулаш насоси ёрдамида ювилади.;

б) филтрни ўрнатаётганда, унинг туширилган бўғинлари уланишларининг мустаҳкамлиги ва зичлигига, устунда йўналтирувчи чироқлар ва устун тиндиргичининг қопқоғи мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш керак;

в) скважиналарни бурғулашда сувли қатламлари чегараларини ва грунтларнинг гранулометриқ таркибини аниқлаштириш учун наъмуналар олиниши керак.

51. Фильтрация коэффициенти 5 m/d дан кичик бўлган сув тўйинган грунтларда, шунингдек, майда тўлдирувчи ёриқли қоя грунтлар ёки йирик бўлакли грунтларда скважина ва игна-филтрларнинг сув йиғиш қобилиятини ошириш учун филтр атрофидаги

зонага заррачаларининг йириклиги 0.5 дан 5 mm гача бўлган шағал (ёки чақиқ тош) тўкилиши керак.

Ёриқли қоя грунтлардан (масалан, оҳактошлар) сувни олишда филтр атрофига шағал (чақиқ тош) тўкилиши шарт эмас.

52. Филтрларни бир текис ва филтр қалинлигининг 1/30 дан катта бўлмаган қатламлар билан барпо этиш керак. Қувурнинг ҳар кўтарилишидан кейин, унинг пастки учи устида баландлиги камида 0,5 m бўлган тўкма қатлами қолиши керак.

53. Филтр устунни ўрнатилиб кум-шағалли тўкма бажарилгандан кейин эрлифт ёрламида дарҳол скважинадан сув чиқарилиши зарур.

Скважинадан узлуксиз 1 d (сутка) давомида эрлифт ёрдамида сув чиқарилгандан кейин скважинани фойдаланишга қабул қилиш мумкин.

54. Насосни скважинага шундай чуқурликка тушириш керакки, босимли қувурдаги зулфинлар (задвизжалар)нинг тўлиқ очиқ ҳолатида насоснинг сўрувчи тешиги динамик ер ости сувларининг сатҳидан пастда бўлиши керак. Динамик сатҳ сўрувчи тешиқдан пастга тушганда насосни каттароқ чуқурликка тушириш ёки, агар бунинг иложи бўлмаса, насоснинг сарфи зулфинлар ёрдамида бошқарилиши лозим.

55. Скважиналар ичига насосларни ўрнатишдан олдин скважинанинг тўлиқ баландлиги бўйлаб насоснинг ўта олиши диаметри насос диаметридан катта бўлган шаблон ёрдамида текширилиши керак.

56. Ботирма сув насосини скважинага туширишдан олдин, камида 0,5 MΩ бўлиши керак бўлган электрдвигателни чўлғамлари (обмоткалари)нинг изоляцияси қаршилигини ўлчаш керак. Насос туширилганидан кейин 1,5 h дан сўнг уланиши мумкин. Бундай ҳолда, электрдвигателнинг чўлғамларининг қаршилиги камида 0,5 MΩ бўлиши керак.

57. Барча сувни пасайтириш скважиналари, сувни насос билан тортиб чиқариш (откачка) жараёнида скважинанинг сув миқдорини ва умуман тизимни тартибга солишга имкон берадиган зулфинлар билан жиҳозланган бўлиши керак. Қудук ўрнатилгандан сўнг, сувни насос билан тортиб чиқаришни синаш керак.

58. Сув пасайтириш тизими узлуксиз ишлаши кераклигини инобатга олган ҳолда, иккита олиб келувчи подстанция турли манбалардан қувват олиш ёки битта подстанциядан электр энергиясини қабул қилиш орқали унинг электр таъминоти захирасини таъминлаш керак.

Юқори томонда иккита мустақил кириш, иккита мустақил трансформатор ва паст томонда иккита таъминот кабели мавжуд бўлганда.

59. Насос қурилмаларининг электр таъминоти тизими қисқа туташув тоқлари, ортиқча юк, тўсатдан электр узилиши ва электр моторининг қизиб кетишидан автоматик химояга эга бўлиши керак. Сув сатҳини пасайтириш тизимлари сув олгиш қурилмасида сув сатҳи рухсат этилган даражадан пастга тушганда ҳар қандай агрегатни автоматик ўчириш учун қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

60. Вакуум скважиналарининг ва вакуум қурилмалари игна-филтрларининг филтёр қисми ҳаво сўрилишига йўл қўймаслиги учун ер сатҳидан камида 3 m пастда жойлашган бўлиши керак.

61. Сув сатҳини пасайтириш ва кузатиш скважиналарини бегона нарсалар билан шикастланишига ёки ифлосланишига йўл қўймаслик чораларини кўриш керак. Скважиналарнинг учлари кулфлаш мосламаси бўлган қоқоқлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

62. Сув сатҳини пасайтирадиган скважинани ўрнатгандан сўнг, у сувнинг шимилишига текширилиши керак.

63. Тизимни умумий ишга туширишдан олдин ҳар бир скважинани алоҳида ишга тушириш керак. Бутун сув сатҳини пасайтириш тизимини ишга тушириш масъул шахслар томонидан имзоланган далолатнома билан амалга оширилади.

64. Сув сатҳини пасайтириш тизими қўшимча равишда захира скважиналари (камида битта), шунингдек, очиқ сувни чиқариб ташлаш учун захира насос қурилмаларини (камида битта) ўз ичига олиши керак, уларнинг сони фойдаланиш муддатига қараб, қурилмаларнинг умумий ҳисобий сонига тенг бўлиши керак:

- 1 йилдан кўп эмас -10 %;
- 2 йилдан кўп эмас -15 %;
- 3 йилдан кўп эмас -20 %;
- 3 йилдан ортиқ -25 %.

65. Игна-филтр тизимларини ишлатганда, қурилманинг сўриш тизимига ҳаво сўрилишига йўл қўймаслик керак.

Игна-филтрларини гидравлик ботириш жараёнида скважиналардан доимий чиқиб кетишини (тўкилишини) назорат қилиш, шунингдек, игна-филтрнинг филтр ҳалқасини грунтнинг паст ўтказувчан қатламига (оралиқ қатламчасига) ўрнатишига йўл қўймаслик керак. Скважинадан чиқадиган сувнинг ёки тўкилиш сарфининг кескин ўзгариши бўлмаса, филтрнинг ўтказувчанлик қобиляти сув қуйиш йўли билан текширилиши керак, агар зарур бўлса, игна-филтрини чиқариб олиб, филтр тешиклари тўлганлиги ёки тўлмаганлигини, унинг колматацияси содир бўлмаганлигини текшириш керак. Бундан ташқари, филтр грунтнинг юқори ўтказувчан қатламига ўрнатилган бўлиши мумкин, бу игна-филтрга кирадиган сувнинг бутун сарфини шимиб олади. Бундай ҳолда, игна-филтр ботирилганда сув ва ҳаво узатилиши биргаликда ташкил қилиниши керак.

Игна-филтрли ускуналар ёрдамида каптажланган ер ости сувларида грунт заррачалари аниқланмаслиги керак, қумланиш ҳам истисно қилиниши керак.

66. Игна-филтрларни демонтаж қилиш пайтида, уларни грундан чиқариб олиш тирговуч устунли махсус автокран, бурғулаш қурилмаси ёки домкратлар ёрдамида амалга оширилади.

67. Шамол кучи 6 балл ва ундан ортиқ бўлганда, шунингдек дўл, жала ва тунда ёритилмаган жойда игна-филтрларини монтаж қилиш бўйича ишларга йўл қўйилмайди.

68. Игна-филтрлар тизимини монтаж қилиш ва ишлатиш пайтида кириш ва операцион назорати амалга оширилиши керак.

69. Сув сатҳини пасайтириш тизимини ишга туширгандан сўнг, сувни чиқариш узлуксиз амалга оширилиши керак.

70. Сув сатҳини пасайтиришда ер ости сувларининг сатҳини камайтириш суръатлари котлованларни ёки хандақларни очишда ишларни бажариш лойиҳасида кўзда тутилган ер ишларининг суръатига мос келиши керак. Ер ишларини бажариш жадвалига нисбатан сув сатҳини пасайиши сезиларли даражада илгарилаб кетганда, сув сатҳини пасайтириш тизимининг асосиз қувват захираси пайдо бўлади.

71. Сув сатҳини пасайтириш ишларини бажараётганда, пасайтирилган ер ости сувларининг сатҳи ер қазиш ускуналари томонидан қазилган бир қаватнинг (яруснинг) баландлиги, яъни 2,5-3 м га хандақнинг қазиш даражасидан олдинда бўлиши керак. Бундай шароит ер ишларининг "курук" бажарилишини таъминлайди.

72. Сув сатҳини пасайтириш тизимининг ишлаш самарадорлигини назорат қилиш кузатув скважиналарида ер ости сувларининг сатҳини мунтазам равишда ўлчаш орқали амалга оширилиши керак. Тизимнинг дебитини назорат қиладиган сув ҳисоблагичларини ўрнатиш мажбурийдир. Ўлчов натижалари махсус журналда қайд этилиши керак. Кузатув скважиналарида ер ости сувларининг сатҳини дастлабки ўлчаш сув сатҳини пасайтириш тизимини ишга туширишдан олдин амалга оширилиши керак.

73. Захира скважиналарига ўрнатилган насос агрегатлари, шунингдек, очик қурилмаларнинг захира насослари уларни иш ҳолатида сақлаш учун вақти-вақти билан ишга туширилиши керак.

74. Сув сатҳини пасайтириш жараёнида пасайтирилган ер ости сувларининг сатҳини ўлчашлари сув сатҳини пасайтириш тизимининг ишлаши таъсир қиладиган барча сув қатламларида амалга оширилиши керак. Вақти-вақти билан мураккаб объектларда чиқариб ташланадиган сувларнинг кимёвий таркиби ва уларнинг ҳарорати аниқланиши керак. ер ости сувларининг сатҳини кузатиш ҳар 10 d да бир марта ўтказилиши керак.

75. Сув сатҳини пасайтириш қурилмаларининг ишлаши тўғрисидаги барча маълумотлар журналда акс этирилиши керак: кузатув скважиналарида ер ости сувларининг сатҳи ўлчовлари натижалари, тизимнинг дебитлари, смена давомида тўхташлар ва ишга туширишлар вақти, насосларни алмаштириш, қияликларнинг ҳолати, грифонларнинг пайдо бўлиши.

76. Сув сатҳини пасайтириш скважиналардан иборат тизимнинг ишлаши тўхтатилганда, скважиналарни тугатишни бажариш учун далолатномалар расмийлаштирилиши керак.

77. Қиш вақтида сув сатҳини пасайтириш тизимларини ишлатишда насос ускуналари ва коммуникацияларини иситилиши таъминланиши, шунингдек, ишдаги узулишлар пайтида уларни бўшатиш имконияти кўзда тутилиши керак.

78. Қурилиш даврида ишлатиладиган барча доимий сув сатҳини пасайтириш ва чиқариш мосламалари, доимий фойдаланишга топширилганда, лойиҳа талабларига жавоб бериши керак.

79. Сув сатҳини пасайтириш қурилмаларини демонтаж қилиш котлованлар ва хандақларнинг қайта тўлдириш бўйича ишлар тугагандан сўнг ёки бевосита уларни сув босишидан олдин пастки қаватдан бошланиши керак.

80. Сув сатҳини пасайтириш таъсири зонасида бевосита яқин атрофда жойлашган бинолар ва коммуникациялар учун чўкиш ва уларнинг ўсиш жадаллиги мунтазам равишда кузатиб борилиши керак.

81. Сув сатҳини пасайтириш ишларини олиб боришда грунтларнинг юмшатилишини, шунингдек хандақ ёнбағирлари ва яқинида жойлашган иншоотларнинг заминларининг барқарорлигини бузилишини олдини олиш чораларини кўриш керак.

82. Устки қатламлардан хандаққа оқиб тушадиган ва сув сатҳини пасайтириш тизими томонидан ушлаб қолинмайдиган сув дренаж ариқлари билан зумпфларга йўналтирилиши ва улардан очик сув чиқариш насослари ёрдамида олиб ташланиши керак.

83. Сув сатҳини пасайтиришда очик котлованнинг туби ва нишабликлари ҳолатини кузатишлар ҳар куни амалга оширилиши керак. Нишабларнинг ювилиб ўпирилишида, суффозияда, хандақнинг тубида грифонлар пайдо бўлганда, кечиктирмай қуйидаги химоя чораларини кўриш керак: ер ости сувлари чиққан жойлардаги қияликларда чақик тош қатламини юмшатиш, майдаланган тош қатлами билан юклаш, тушириш скважиналарни ишга тушириш ва бошқалар.

84. Ернинг нам сақлайдиган қатлами остида ётган сувга чидамли грунтларнинг хандакнинг нишаблигидан кесиб ўтаётганда, сув тўсиғининг томида сувни четлатиш учун ариқ билан берма қилиш керак (агар лойихада ушбу даражада дренаж кўзда тутилмаган бўлса).

85. Ер ости ва ер усти сувларини четлатишда иншоотларни сув босиши, кўчкилар пайдо бўлиши, грунтнинг ювиб кетилиши, ҳудуднинг ботқоқланишининг олдини олиш керак.

86. Ер қазиш ишларини бажаришни бошлашдан олдин, мавжуд иншоотларни сақланиши таъминланган ҳолда, вақтинча ёки доимий қурилмалар ёрдамида ер усти ва ер ости сувларини четлатиш лозим.

87. Ер усти ва ер ости сувларини четлатишда қуйидагилар зарур:

а) қазилган котлованнинг устки томонларидан ер усти сувлари оқимини тутиб олиш учун яхлит контур билан қуриладиган тупроқтепалардан ва захиралардан, шунингдек доимий сув тўплагич ва сув четлатгич иншоотларидан ёки вақтинчалик ариқлар ва дўнгликлардан фойдаланиш; ариқлар, зарур бўлган ҳолларда, ювилиш ёки фильтрацияга оид сирқиб чиқиб кетишлардан ҳимоялаш мустақкамлагичларга эга бўлиши лозим;

б) қазилган котлованларнинг қуйи томонларида узилишли қияликлар қилиниши керак. Узилишлар асосан пасайган жойларда ҳар 50 m дан кам бўлмаган ораликларда қилинади; узилишлар эни тупроқтепанинг пастидида 3 m дан кам бўлмаслиги керак;

в) қияликларда қуриладиган тоғдаги ва сув четлатувчи ариқлардан грунт, уларнинг паст томонлари бўйлаб призма шаклида ётқизилади;

г) қияликдаги ва сув четлатувчи ариқлар чизиқли қазилган хандакларнинг бевосита яқинида жойлашган бўлса, ариқ ва қазилган хандакнинг орасида унинг тоғдаги ариқ томонига 0,02-0,04 нишабликдаги грунт кўтармаси ҳосил қилинади.

88. Сув ости усули билан ишлаб чиқилган котловандан сув чиқараётганда, туб ва нишабликларнинг барқарорлигини бузмаслик учун ундаги сув сатҳини пасайтириш тезлиги унинг ташқарисидаги ер ости сувлари сатҳи пасайтириш тезлигига мос келиши керак.

89. Дренажларни ўрнатишда ер ишлари юқори белгиларгача кўтарилиш билан ташлама жойлари билан, қувурлар ҳамда филтрловчи материалларини ётқизиш эса сув айиргич участкаларидан дренаж орқали тиндирилмаган сувнинг ўтишини истисно қилиш учун ташлама ёки насос агрегати (доимий ёки вақтинчалик) томон силжиш билан бошланиши керак.

90. Қатламли дренажларни ўрнатишда тўшаманинг чақиқ тош қатламини қувурларнинг чақиқ тош тўлдиришини туташишидаги бузилишларга йўл қўйиб бўлмайди.

91. Дренаж қувурларини ётқизиш, кузатиш кудуқларини ўрнатиш ва дренаж насос станциялари учун ускуналарни монтаж қилиш "Суғориш тизимлари" ва "Технологик жиҳозлар ва технологик қувур ўтказгичлар" талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

92. Скვაжиналар ёрдамида қурилишдаги сув сатҳини пасайтириш бўйича ижро ҳужжатлари рўйхати қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) сув сатҳини пасайтириш тизимини ишга тушириш далолатномаси;

б) скважиналар жойлашувининг ижро схемаси;

в) ҳақиқий геологик устунларни кўрсатадиган скважина конструкцияларининг ижро схемалари;

д) иш тугагандан сўнг скважиналарни тугатиш тўғрисидаги далолатнома;

е) ишлатилган материаллар ва маҳсулотлар учун сертификатлар.

93. Сув сатҳини пасайтириш, ер усти оқимини ташкил этиш ва сувни четлатиш бўйича ишларни бажаришда назорат қилинадиган кўрсаткичларнинг таркиби, чегара оғишлари, ҳажми ва назорат қилиш усуллари 8 илованинг 10-жадвалига мос келиши керак.

6-боб. Вертикал режалаштириш, чуқурларни қазиш

1-§. Вертикал режалаштириш, чуқурларни қазиш

94. Лойиҳада қабул қилинадиган чуқурларнинг ўлчовлари конструкцияларнинг жойлашишини ва қозикларни қоқиш, пойдеворларни монтаж қилиш, изоляцияни куриш, сув сатҳини пасайтириш ва сувни четлатиш ва чуқурда бажариладиган бошқа ишларни механизациялашган ҳолда бажаришни ҳамда 95-бандига кўра бўшлиқ ичида одамларнинг ҳаракатланиш имкониятини таъминлаши лозим. Туб бўйича чуқурнинг натурадаги ўлчамлари лойиҳада кўрсатилгандан кам бўлмаслиги керак.

95. Бўшлиқ ичида одамлар ҳаракатланиши лозим бўлганда қиялик юзаси билан чуқурда барпо этилаётган иншоотнинг ён сирти орасидаги масофа ёруғликда камида 0,6 м бўлиши керак (қувурўтказгичлар, коллекторлар ва шу кабиларни сунъий заминларидан ташқари).

96. Лойиҳада хандақларнинг минимал эни қуйидаги талабларни қаноатлантирувчи қийматлар сонидан энг каттасига тенг қилиб қабул қилинади:

- тасмасимон пойдеворлар ва бошқа ер ости конструкциялари учун – ҳар бир томонидан 0,2 м қўшилиши билан маҳкамлашлар ва изоляциянинг қалинлиги, қолипни ҳисобга олган ҳолда конструкциянинг энини ўз ичига олиши керак;

- қиялиги 1:0,5 ва ундан тикроқ бўлган магистраллардан ташқари қувурўтказгичлар 1-жадвали бўйича олинади;

- 1:0,5 нишабликдан қияроқ бўлган магистраллардан ташқари қувурўтказгичлар - қувурнинг ташқи диаметридан кам бўлмаган ҳолда алоҳида қувурлар билан ётқизилганда 0,5 м ва четанлар билан ётқизилганда 0,3 м қўшиб олинади;

- эгри киргизмалар жойларидаги қувурларўтказгичлар - тўғри чизиқли участкалардаги хандақ энидан камида икки марта кўп олинади;

- қувурўтказгичлар остига сунъий заминларни куришда, грунтли тўкмадан ташқари, коллекторлар ва ер ости ариқлари - ҳар бир томонидан 0,2 м қўшилиши билан асоснинг энидан кам эмас;

- бир чўмичли экскаваторлар билан котлован қазиганда чўмичнинг кирқувчи қирраси кум ва лойли қумларда энига камида 0,15 м, лой грунтларда 0,1 м, юмшатишган қоя грунтларда 0,4 м қўшилади;

1 жадвал

Қувурларни ётқизиш усуллари	Хандақлар эни, чокли бирималардаги мустаҳкамлагични ҳисобга олмаган ҳолда, м да		
	Пайвандли бирикма	Бир бирига киритиладиган бирикма	Муфта, флянецли, тишли ва бир бирига киритилиши сопол ҳамда қувурлар учун

<p>1 четанли (плетями) ва алоҳида секциялар ташқи диаметри D, m: 0.7 гача 0.7 дан ортиқ</p>	<p>D+0.3 лекин 0.7 Дан кам эмас 1.5 D пайвандли бирикма</p>	<p>- - Бир бирига киритиладиган бирикма</p>	<p>Муфта,флянецли, тишли ва бир бирига киритилиши сопол ҳамда қувурлар учун</p>
<p>2 Энсиз хандақли қазувчи экскаваторлар билан қувур диаметри 219 mm гача, одамларни хандақ ичига тушмасдан қўйиладиган жойлардаги (энсиз хандақлар усули)</p>	<p>D+0.2</p>	<p>-</p>	<p>-</p>
<p>3 Темирбетон юк билан бостириб қўйиладиган ёки анкер қурилмали қувур йўллар ётқизиладиган жойлардаги</p>	<p>2.2D</p>	<p>-</p>	<p>-</p>
<p>4 Нотўқима синтетик ашёлар ёрдамида бостириладиган қувур жойларидаги</p>	<p>1.5D</p>	<p>-</p>	<p>-</p>
<p>5 Алоҳида қувур ҳамда қувур ташқи диаметри D, қуйидагича бўлганда m, да: 0.5 гача 0,5 дан 1,6 гача 1,6 дан 3,5 гача</p>	<p>D+0.5 D+0.8 D+1.4</p>	<p>D+0.6 D+1.0 D+1.4</p>	<p>D+0.8 D+1.2 D+1.4</p>
<p>Изоҳлар: 1 Диаметри 3,5 m дан ортиқ бўлган қувурлар учун хандақларнинг эни замин барпо этиш, монтаж, намдан химоялаш ва чокларни бекитиш технологиялари асосида лойиҳада белгиланади; 2 Бир нечта қувурларни параллел ҳолда битта хандаққа ётқизилганда четки қувурлардан хандақ деворигача бўлган масофа ушбу жадвал талаблари бўйича аниқланади, қувурлар орасидаги масофалар эса лойиҳада кўрсатилади.</p>			

97. Қувурларнинг туташтириш чокларини бекитиш учун қовланган чок ости чуқурларининг ўлчамлари 2-жадвалда кўрсатилганданкам бўлмаслиги керак.

Қувурлар	Чок уланиши	Муҳрловчи	Қувурнинг шартли ўтиши, mm	Чуқурларнинг ўлчамлари, m		
				Узунлик	Кенглик	Чуқурлик
Пўлат	Пайвандли	-	Хамма диаметрлар учун	1.0	D+1.2	0.7
Чўян	Бир бирига киритиладиган (Раструбное)	Резинали халқа	300 гача биргаликда	0.5	D+0.2	0.1
		Арқонли	300 гача биргаликда	0.55	D+0.5	0.3
		Тўкма	300 дан ортиқ	1.0	D+0.7	0.4
		Герметик	300 гача биргаликда	0.5	D+0.5	0.2
Асбест-цемент	САМ туридаги халқа (муфта)	Герметик	300 дан ортиқ	1.0	D+0.7	0.3
		Шаклли кесимдаги резина халқа	300 гача биргаликда	0.7	D+0.2	0.2
	Чўян фланецли халқа	Доира кесимли	300 дан ортиқ	0.7	D+0.5	0.2
	Ҳар қандай босимсиз қувурлар учун	ва КЧМ туридаги резина халқа	300 гача биргаликда	0.7	D+0.5	0.3
		Ҳар қандай тури	300 дан ортиқ	0.9	D+0.7	0.3
			400 гача биргаликда	0.7	D+0.5	0.2
	Бир бирига киритиладиган,		600 гача биргаликда	0.5	D+0.5	0.2

Бетон ва темирбетон	халқали ва бетон белбоғли (Раструбное),	Доира кесимли резина халқа	600 дан 3500 гача	1.0	D+0.7	0.3
Пластмаса	Чокли бирикмаларнинг ҳамма турлари	-	Ҳамма диаметрлар учун	0.6	D+0.5	0.2
Сопол	Бир бирига киритиладиган	Асфальтбиту мли, герметик ва бошқа	Ҳамма диаметрлар учун	0.5	D+0.6	0.3
<p>D-чокдаги қувурнинг ташқи диаметри; Изоҳ: Чокларнинг бошқа қурилмалари ва қувурларнинг ташқи диаметрлари учун чуқурликлар ўлчамлари лойиҳада белгиланиши лозим.</p>						

98. Атмосфера таъсири остида ўз хусусиятларини ўзгартирувчи элювиал грунтларни қазишда химоя қатламини қолдириб, амалга оширилиши керак, унинг қиймати ва очилган заминнинг атмосфера билан алоқа қилишнинг рухсат этилган давомийлиги лойиҳа томонидан белгиланади, лекин 0,2 m дан кам бўлмаслиги керак. Химоя қатлами иншоотни барпо этишни бошлашдан олдидан олиб ташланади.

99. Тоғ жинсларининг харсанг тошқларидан, қоялардан ва 98 - бандда кўрсатилгандан ташқари, чуқурларда қазиш ишлари, одатда, замин грунтларининг табиий тузилишини сақлаган ҳолда лойиҳа даражасига қадар қазилади. Чуқурларни икки босқичга бўлиб қазишга рухсат этилади: 3-жадвалнинг 1-4 - бандларида келтирилган четланишлар билан бўлган хомаки қазиш; ва (иншоотни барпо этишни бошлаши олдидан) 3-жадвалдаги 5-бандида келтирилган четланишлар билан бўлган охириги қазиш.

3-жадвал

Техник талаблар	Чегаравий четланишлар	Назорат(усул ва ҳажм)
1 Хомаки қазишда ҳандак туби сатҳини лойиҳадагидан четла- ниши (харсанг тошли, қоятошли грунти бўлган ҳандақлардан ташқари):		Ўлчовли, ўлчаш нуктаси тасодифий ҳолда белгиланади; ўлчовлар сони қабул қилиниш участкаси учун камида қуйидагича бўлиши лозим:
а) тишли бир чўмичли экскаваторлар	Иш қуроли бўйича механик юритмали экскаваторлар учуй: драглайн +25 см тўғри чўмичли +10 см тескари чумичли +15 см Гидравлик юритмали экскаваторлар учун +10 см	20 15 10 10
б) текисловчи чумич тозаловчи ускуна ва бошқа махсус текисловчи ускуналар билан жихозланган бир чумичли экскаваторлар, экскаватор - текислагич	+ 5 см	5
в) бульдозерлар билан	+10 см	15
г) занжирли кўп чўмичли экскаваторлар	+10 см	10
д) скреперлар	+10 см	10
2 Қоятошли грунтларни хомаки тарзда қазишда ҳандақлар туби сатҳини лойиҳадагидан четланиши,		Ўлчовли, караб кўриб белгилангандан энг баланд жойларни топшириладиган жой

текисланадиган хандақлардан бошқа:		буйича камида 20 та нуктаси ўлчанади
а) кам қазилган ҳол	рухсат этилмайди	
б) кўп қазиб юбориш	4- жадвал бўйича	
3 Юқоридагидек такисланадиган хандақлар		Юқоридагидек
а) кам қазилган ҳол	10 см	
б) кўп қазиб юбориш	20 см	
4 Юқоридагидек, катта ва палахса тошли грунтларни юмшатмасдан		Юқоридагидек
а) кам қазилган ҳол	Рухсат этилмайди	
б) кўп қазиб юбориш	Грунт таркибини 15 % дам ортиқ миқдорини ташкил этган катта (палахса) тошларнинг энг катта эмас, лекин 0,4 м дан ортиқ бўлмаслиги лозим	
5 Охириги қазиш ёки кам қазилган жойни кўшимча қазиш ва кўп қазиб юборилган жойни тўлдиришдан кейин пойдевор куриладиган ва курилмалар ёткизиладиган жойлардан хандақлар тубида сатҳни четланиши	±5 см	Ўлчовли, хандақ бурчақлари ва маркази, бино ўқларини кесишган жойларни, сатҳлар ўзгарган, бурилган ва энсиз хандақларни туташган жойларида, лекин камида 50 м да ва қабул қилинадиган жой камида 10 та ўлчов ўтказиш
6 Пойдевор ости ва ер ости иншоотларининг табиий заминларининг очилган грунтини тури ва тавсифи	Лойихага мос келиши лозим. Грунтнинг юқори қатламини 3 см ортиқ ҳолда ювилиши, юмшатилиши ёки музлашига рухсат этилмайди	Заминнинг ҳамма юзасини техникавий кўрикдан ўтказилади
7 Босимсиз кувурлар, сув кетказиш зовурлари ва бошқа нишабли хандақларнинг тубидаги бўйлама нишаблигини лойихадан четланиши	±0.0005 дан ошмаслиги керак	Ўлчовли, бурилган, туташган, кудуқлар жойлашган ва бошқа жойларда, лекин камида 50 м да
8 Суғориладиган ерлардан ташқари, текисланган юзаларни лойихадагидан нишабини четланиши	Берк пасайиш бўлмаганда ±0,001 дан ошмаслиги керак	Қараш (атмосфера ёғинлари оқимини кузатиш) ёки, ўлчови 50x50 м тўр бўйича

9 Суғориладиган ерлардан ташқари, текисланган юзаларни лойихадан сатҳини четланиши:	Ошмаслиги керак	Ўлчовли, 50x50 m ли тўр буйича
а) қоя бўлмаган грунтларда	±5 см	
б) қоя грунтларда	+10 см дан -20 см гача	

100. Лойиха сатҳигача қазилмай қолган грунтни қўшимча қазиб замин грунтларининг табиий тузилишини сақлаган ҳолда амалга оширилади.

101. Пойдевор барпо этиш ва қувурўтказгичлар ётқизиш жойларини ортиқча қазиб юборилган қисмини тулдиришда маҳаллий грунт тукилади ва зичлиги заминнинг табиий тузилиши ҳолатигача оширилади ёки кам зичлашувчи грунт тўкилади (деформация модули камида 20 МПа), 11-иловадаги 12-жадвалини ҳисобга олган ҳолда. II турдаги чўкувчан грунтларда сув ўтказиши катта бўлган грунтлар қўлланилиши рухсат этилмайди.

Режалаштириш чуқурларидаги, қатламли грунтларни ортиқча қазиб юборилган жойини, юзасида ўлчами 5 см дан кам бўлган маҳаллий қояли грунтлар билан тўлдириш рухсат этилади.

102. Музлаш, сув босиши натижасида бузилган заминларни тиклаш усули ҳамда чуқурликдан ортиқ қазиб юборилган жойларни тўлдириш ишлари лойиха ташкилоти билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

103. Ер ости сувлари сатҳидан юқорида жойлашган грунтларда (104 - банд буйича капилляр кўтарилиши ҳисобга олган ҳолда), шу жумладан сув сатҳини сунъий пасайтириш ёрдамида қурилган грунтларда маҳкамлагичларсиз хандақлар, котлованлар ва бошқа вақтинчалик чуқурлар қияликларининг энг катта тиклигини қурилишда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш талаблари асосида белгилаш керак.

Бир жинсли грунтларда қиялик баландлиги 5 m дан ортиқ бўлганда, уларнинг тиклигини 3-иловадаги чизмалар буйича қабул қилишга рухсат этилади. Қияликларнинг тиклиги қурилишда меҳнат хавфсизлигини таъминлаши керак. Қоятошли грунтларни портлатиш ишларини қўллаш ёрдамида қазиладиган чуқурларнинг қиялиги лойихада белгиланган бўлиши лозим.

104. Ишларни бажариш даврида чуқурлар ичида ёки уларнинг тубини яқинида ер ости сувлари мавжуд бўлганда, факат ер ости сувлари сатҳидан пастдаги қисмидагина эмас балки капилляр кўтарилиш сатҳигача грунтлар ҳам хўл ҳисобланиши керак. Капилляр кўтарилиш қуйидагича қабул қилинади:

0,3 m - йирик, урта йирикликдаги ва майда қумлар учун;

0,5 m - чангсимон қумлар ва лойли қумлар учун;

1,0 m - қумли лой ва лойлар учун.

105. Сув ости ва қирғоғи сув босган хандақлар ҳамда ботқоқликларда қазиладиган хандақларнинг қияликларини тиклиги “Магистрал қувур ўтказгичлар” қурилиш регламенти талабларига мос ҳолда қабул қилиш лозим.

106. Ер қазиб ишлари тугагандан сўнг рекультивация йўналиши ва қиялик юзаларини мустаҳкамлаш усулларига боғлиқ ҳолда грунт карьерлари, захиралари ва доимий грунт уюмлари қиялиги лойихада кўрсатилиши лозим.

107. Деворлари тик мустаҳкамлагичсиз чуқурларнинг энг катта чуқурлиги қурилишда меҳнат хавфсизлигини таъминлайдиган талабларга мувофиқ олинishi керак.

108. Сочилувчан музлаган грунтлардан ташқари, музлаган грунтларда чуқурларнинг вертикал деворларининг энг катта баландлигини хавонинг ўртача кунлик харорати 2°C совуқдан паст бўлганда грунтнинг музлаш чуқурлигигача, лекин 2 m дан ортик оширмаслигига рухсат берилади.

109. Ҳандақлар ва котлованларнинг вертикал деворларини вақтинчалик мустаҳкамлаш зарурлиги, чуқурнинг чуқурлиги, грунт тури ва ҳолати, гидрогеологик шароитлар, қирғоққа тушадиган вақтинчалик юкларнинг қиймати ва хусусияти ва бошқа маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳолда лойиҳада белгиланиши лозим.

110. Чуқурлар чегараларидаги ўйиқлар ва маҳаллий чуқурлашган жойларнинг сони ва ўлчамлари минимал бўлиши ва заминнинг механизациялаштирилган тозалашини ва иншоотнинг барпо этилишини технологиклигини таъминлаш керак. Ўйиқ жой баландлигини унинг заминига нисбати лойиҳада белгиланади, лекин лойли грунтларда 1:2 дан кам бўлмаслиги, кумли грунтларда 1:3 нисбатда бўлиши керак.

Лойиҳа бўйича яқин атрофда ва мавжуд бино ва иншоотларнинг пойдевори остидаги чуқурчаларни қазиш зарур бўлса, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун техник ечимларни тақдим этилиши керак.

111. Мавжуд ер ости ва ҳаво коммуникациялари, ҳамда ер ости иншоотларининг кўриқлаш ҳудудларида қазиладиган чуқурлар ёки тўкиладиган уюмларнинг жойилари лойиҳада 113-банддаги кўрсатмаларга мувофиқ ўрнатиладиган куриқлаш ҳудудининг катталиги кўрсатилган ҳолда белгиланиши лозим.

Лойиҳада кўрсатилмаган коммуникациялар, ер ости иншоотлари ёки уларни кўрсатувчи белгилар аниқланган ҳолда ер қазиш ишлари тўхтатилиши лозим, иш жойига буюртмачи, лойиҳачи ва аниқланган коммуникациялардан фойдаланувчи ташкилот вакиллари чақирилиши ва аниқланган ер ости қурилмаларини шикастланишидан сақлаш бўйича чоралар кўрилиши керак.

112. Котлованлар, хандақлар, чуқурларни қазиш, кўтармаларни куриш ва кўриқлаш ҳудудлари чегарасидаги ер ости коммуникацияларини очишда, фойдаланувчи ташкилотларнинг ёзма рухсатномаси ва курилиш ишларининг коммуникацияларнинг техник ҳолатига таъсирини баҳолаш учун ташкилотнинг хулосалари бўлган тақдирдагина рухсат этилади.

113. Қазилаётган хандақлар ва котлованлар, механик шикастланишдан химояланмаган амалдаги коммуникациялар билан кесишганда, ер қазиш машиналари билан грунтларни қазиш қўйидаги минимал масофаларда рухсат этилади:

Кўтарма ва қайта тўлдиришларни текислаш, шиббалаш, титратиш ва шунингдек грунтли қозиклар, сув ёрдамида титратиб зичлаш, вертикал сув ўтказувчи бўлган юклар, шу жумладан грунтли ёстиқчаларни бажаришда тажрибавий зичлаш 4-иловадаги кўрсатмаларга мос ҳолда амалга оширилиши керак.

183. Кўтармаларни барпо этишда, уларнинг устки қисми бўйича эни транспорт воситаларининг орқага қайтишига ёки ёнма-ён ўтишига имконият бермаганда, кўтармани маълум жойларини кенгайтириб, орқага қайтиш ва ёнма-ён ўтиш майдончалари қуриш учун қўшимча грунт тўкилади.

Ер ишларининг қўшимча ҳажмлари қурилишни ташкил этиш лойиҳасида ҳисобга олиниши лозим.

184. Кўтармага тўкилган ва қайта тўлдиришларни бажаришда ишлатиладиган грунтлар 11-илова талабларига жавоб бериши ва мақбул w_{opt} га яқин намликка эга бўлиши керак.

Грунтларнинг намлиги паст бўлганда, уларни ҳисобий сув миқдори билан, одатда, карьерда ёки захирада, ёки алоҳида қатламларни тўлдириш ва текислаш жараёнида

олдиндан намланган грунтларни булдозерлар билан аралаштириш орқали шланглардан сувни тенг равишда пуркаш йўли билан охиригача намлаш керак.

Тўлдириш жараёнида охиригача намланган грунтларни зичлаш тўлдирилган қатламнинг бутун ҳажми бўйлаб сувнинг етарлича тўлиқ тақсимланишидан кейин 0,5-2 д ичида амалга оширилиши керак.

Грунтларнинг юқори намлигида лойли грунтларнинг қисман қуритилиши мумкин:

- курук ёз вақтида оралиқ заҳирада грунтларни даврий аралаштириш билан;
- махсус ишлаб чиқилган усул бўйича ҳисобий курук сўнмаган оҳак миқдорини бир текис қўшиб, юқори намликдаги грунтнинг алоҳида қатламларини тўлдириш ва текислаш жараёнида.

185. Мақбулга яқин намлик билан бўлган грунтнинг алоҳида қатламларини тўлдириш, янги тўлдирилган қатлам бўйлаб транспорт воситаларини ҳаракатланиши билан бир вақтнинг ўзида зичлаш орқали амалга оширилиши керак. Бунда, автотранспорт ҳаракати шундай ташкил этилиши керакки, грунт билан тўлдирилган автотранспорт, булдозер, енгил пневматик катоклар олдиндан зичланган грунт бўйлаб, юқини туширган ўзи ағдарма машиналар эса, юмшоқ грунтни олдиндан зичлашини амалга ошириб, янги тўлдирилган қатлам ҳудудлари бўйлаб ўтиши керак.

186. Илгари тўлдирилган, зичланган ва кейинги ишларни бажариш учун қабул қилинган қатлам бўйлаб ўзи ағдарма машиналар ва бошқа механизмларнинг ҳаракати билан орқага чекинувчи жабҳа орқали грунтларни намликки паст бўлган кўтармага тўкиш тавсия этилади. Бунда, ўзи ағдарма машиналар (самосваллар) ва бошқа қурилиш машиналарининг ҳаракатини шундай тарзда ташкил қилиш керакки, ғилдирак изи пайдо бўлиши ҳисобидан ва бошқа омиллар туфайли олдин зичланган грунт қатламининг юмшашига (разуплотнение) йўл қўймайдиган тарзда ташкил қилиш керак.

187. Лойли грунтларнинг тўкилган қатламларининг қалинлиги юмшоқ ҳолатда лойихада кўрсатилганидан 15-20 %, қумлиларда эса 10-15 % кўпроқ олиниши керак, бу 4-иловага мувофиқ тажрибавий зичлаш натижалари асосида аниқланиши керак.

Агар тўкилган ва қисман ёки тўлиқ зичланган қатламнинг қалинлиги лойихада берилгандан кўпроқ бўлиб чиқса ва тажрибавий зичлаш натижалари билан аниқланган бўлса, унинг юқори ортиқча қисмини кесиб ташлаш ёки бундай қатламни зичлаш оғирроқ грунтни зичлаш механизмлари ёки уларнинг ўтишлари сонини 1,5 - 2 барабар қўпайтириш билан амалга оширилиши керак.

188. Кўтармалар ва қайта тўлдиришлардаги грунтларни зичлаш алоҳида хариталар (қамрагичлар) билан ва уларнинг ҳар бирида алоҳида босқичларда шундай мўлжал билан амалга оширилиши керакки, ҳар бир босқичда 3-6 марта шиббалаш зарбаси ёки каток ўтишлари (юкланган ўзи ағдарма машинаси), ёки тебраниш, тебраниш-зарба машинасининг ўтиши амалга оширилади.

Зичлаш грунтни шиббалашнинг зарба изларини, зичлаш механизмини из кенглигидан 0,05 - 0,1 га қоплаш билан амалга оширилиши керак.

Зичлаш тугагандан сўнг, зичланган сирт кичикроқ грунт зичлагичнинг (каток, бульдозер ва бошқалар) бир ёки икки ўтиши билан текисланиши бажарилиши керак.

Лойихаларда 246 - га мувофиқ грунтни зичлаш механизмлари ва тартибларини танлашда 7 - иловасига риоя қилиш тавсия этилади.

189. Қувурўткагичлар ётқизилган оддий чўкмайдиган грунтлардан иборат хандақларни тўлдириш икки босқичда олиб борилади.

Биринчи босқичда хризотилцемент, сопол ва темирбетон қувурларнинг диаметрининг 1/10 қисмидан ортиқроқ қаттиқ аралашмаларга эга бўлмаган музламаган грунт билан пастки ҳудуд қувурнинг устидан 0,5 m баландликка тўлдирилади, полимер қувурлар учун ўлчами 20 mm дан ортиқроқ бўлган аралашмаларсиз грунт билан қувурнинг устидан 0,3 m баландликка тўкилади, бошқа қувурлар учун эса-улар диаметрининг 1/4 қисми катта ўлчамли аралашмаларсиз грунтлар қувур устидан 0,2 m баландликка ён томонларини тўлдириб ва бир текисда қатламлаб зичлаб лойиҳа сатҳигача тўлдирилади. Тўлдириш даврида қувурўтказгичнинг ва уни химоя қатламининг сақланганлиги таъминланиши лозим. Босимли қувур ўтказгичларнинг уланган чоклари СНиП 3.05.04-85 “Сув таъминоти ва сувоқова ташқи тармоқлари ҳамда иншоотлари” қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мос ҳолда тармоқларни мустаҳкамлик ва зичлигини дастлабки синашдан кейин тўлдирилади.

Иккинчи босқичда хандақнинг юқори зонаси 20 см дан катта ва сиқилган қатлам қалинлигининг 2/3 қисмидан ошадиган қаттиқ қўшимчаларни ўз ичига олмайдиган грунт билан тўлдирилади. Бунда қувурўтказгични бутунлиги ва грунтни зичлиги лойиҳада кўрсатилгандек таъминланиши лозим.

190. Оддий чўкмайдиган грунтлардаги ўтиб бўлмас ер ости каналлари билан бўлган хандақларининг тўлдирилиши икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда хандақнинг пастки қисми каналнинг устидан 0,2 m баландликда музламаган грунт билан тўлдирилади, унинг таркибида канал баландлигининг 1/4 дан ортиқроқ, лекин 20 см кўп бўлмаган ўлчам билан қаттиқ аралашмалар бўлмаслиги, уни каналнинг икала томонидан лойиҳа зичлигигача қатламли зилаш билан тўкилади.

Иккинчи босқичда каналнинг баландлигини 1/2 дан ортиқроқ ўлчамдаги қаттиқ қаралашмалар бўлмаган ҳолда лойиҳада белгиланган канал бутунлиги ва грунт зичлиги сақланиши лозим.

191. Баландлиги 4 m дан ошмайдиган кўтармалар ва қўшимча юк ўтказилмайдиган хандақларни қайта тўлдириш (грунтнинг ўз оғирлигидан ташқари) грунтни зичламасдан амалга оширилиши мумкин, лекин баландлик унинг қалинлигига қараб, 3-5 % қумли ва 6-10 % - лойли грунтлардан ясалган кўтармалар ёки валик хандақининг йўналиши бўйлаб тўлдириш билан, унинг баландлиги кўтарма учун юқоридагига ўхшаш тарзда олиниши керак. Валикнинг мавжудлиги ҳудуддан унинг мақсадига мувофиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмаслиги керак.

192. Магистрал қувурўтказгичлари, ёпиқ дренаж ва кабелларни тўлдиришда ишларни бажариш ишларни бажариш лойиҳасида белгиланган иш қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

193. II - турдаги чуқувчан грунтлардан ташқари қазиладиган хандақлар ва котлованлар, мавжуд йўллар ва бошқа ҳудудлар билан кесишган йўл қопламасига эга жойларда, бутун чуқурлиги учун цементлаш хусусиятларига эга бўлмаган қумли ёки шағалли грунт, элашдан қолган шағал тош ёки бошқа шунга ўхшаш кам қисиладиган (деформация модули 20 МПа ва ундан ортиқ) маҳаллий материаллар билан тўлдирилади. Қурилиш ҳудудида кўрсатилган материаллар бўлмаган тақдирда, буюртмачи, пудратчи ва лойиҳа ташкилоти вакилларининг биргаликдаги қарори билан қайта тўлдириш учун қумли лой ва лойли қумлар лойиҳадаги зичликгача уларни зичлашини таъминланганлиги шартли билан фойдаланилади.

Лойиҳада белгиланган темир ва автомобил йўллари остидаги ер тасмаси, аэродром заминлари ва бошқа шунга ўхшаш қопламаларни, гидротехник кўтармалар бўлган

жойлардаги хандақларни тўлдириш ишларни бажариш лойиҳасининг талабларига мувофиқ бажариш лозим.

194. Чўкувчан грунтларда қазиладиган хандақлардан ташқари, хандақлар амалдаги ер ости коммуникациялари (кувурўтказгичлари, кабеллар ва бошқалар) билан кесишган жойларда, улар хандақларнинг чуқурлиги чегарасида ўтса, амалдаги коммуникациялар остига музламаган қум ёки бошқа кам сиқиладиган (деформация модули 20 МПа ва ундан ортиқ) грунтлар билан хандақларнинг бутун кўндаланг кесими бўйича, кесиб ўтиладиган кувурўтказгич ёки унинг химоя қобиғини ярим диаметри баландлигигача грунтларни қатламли зичлаш билан тўлдирилиши лозим. Хандақ бўйлаб тўлдирма ўлчами кесишувчи кувурўтказгич (кабел) ёки унинг химоя қобиғининг уст қисмида ҳар бир томонларидан 0,5 m га ортиқроқ бўлиши, тўлдирманинг қиялиги эса 1:1 дан тик бўмаслиги керак.

Агар лойиҳада кесишувчи коммуникацияларнинг ҳолатини ўзгартирмайдиган ва сақланишини тaminловчи қурилмалар кўзда тутилган бўлса, хандақнинг қайта тўлдирилиши 189-бандга кўра амалга оширилиши керак.

195. Тор бўшлиқлардаги қайта тўлдиришлар, шу жумладан II турдаги чўкувчан грунтларда бажариладиган, бир вақтнинг ўзида бутун чуқурликка тўкиш, сўнгра лойли грунтларни грунтли қозиклар билан зичлаш ёки пневматик тешкич (пневмопробойником) билан тешиқларни тешиш йўли орқали вертикал кучайтириш, кейин уларни майда тўлдиргичдаги В 7.5 синфидаги қуйма бетон билан тўлдириш тавсия этилади.

196. Нишабликларнинг қаттиқ маҳкамлаши билан бўлган кўтармаларда ва бошқа ҳолларда, қачонки нишабликдаги грунт зичлиги кўтарма танасидаги зичликка тенг бўлса, кўтарма технологик кенгайтириш билан тўкилади. Унинг қиймати лойиҳада нишаблик қиялиги, юмшоқ тўкиладиган грунтнинг табиий нишаблиги ва зичловчи механизмни кўтарма четига минимал рухсат этилган пасайтирилишига боғлиқ ҳолда белгиланади. Нишабликлардан қирқилаётган грунтни кўтарма танасига қайтадан ётқизиш мумкин.

197. Тўлдириладиган тошли тўшама бўйича ўтиш йўлини ташкил қилиш учун ҳамма майдон бўйича майда тошлоқ грунт (бўлак ўлчами 50 mm дан ортиқ эмас) ёки йирик қумдан текисловчи қатлам тўкилиши лозим.

198. Ёмғирли куз вақтида ишларни бажаришда захиралардаги грунтни юкори намликдан, ёзнинг қуруқ вақтида эса ҳаддан ташқари биров қуритишдан химоя қилиш керак. Бундай шароитда алоҳида хариталарга тўкилган грунт дарҳол керакли зичликкача зичланиши керак. Бунда, режадаги хариталарнинг ўлчамлари грунт қатламларини тўлдириш ва зичлаш бир сменада амалга ошириладиган тарздаги мўлжал билан олинади.

199. Манфий ҳароратлардаги кўтармалар ва қайта тўлдиришларни бажариш бўйича ишлар қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

- кўтармалар ва қайта тўкмалар юзасини (заминини) тайёрлаш қор, муз, бўш ва кўтарилган грунтнинг музлатилган қатламини бутун чуқурликдан тўлик олиб ташлаш билан амалга оширилиши керак;

- кўтармаларни ва қайта тўкмаларни тўлдириш, уларнинг табиий намлигида ва музлатилган грунт бўлақлари таркибида 11 - иловада келтирилган талаблардан ошмайдиган эриган ҳолатда, одатда, илгари тўкилган музламаган ва зичланган қатламларга амалга оширилиши керак. Баъзи ҳолларда, лойиҳа муаллифи билан келишилган ҳолда, грунтларни 15 cm дан ошмайдиган чуқурликда музлаган кўтарилмаган грунтларга қўйишга рухсат берилади;

- тўкилган грунтларни намлиги паст бўлганда, уларни зичлаш учун оғирроқ грунт зичлаш ускунасидан фойдаланиш керак;

- ҳар бир қатламни тўлдириш ва зичлаш бўйича ишлар битта иш сменасида бажарилиши керак;

- кўп қор ёғиши билан лойли грунтлардан бўлган кўтармаларни бажаришда барча ишларни тўхтатиш керак;

- кўтармалар ва қайта тўкмаларни бажариш бўйича ишлардаги танаффусларга фақат тўхтаб қолиш пайтида илгари зичланган кўтарилган грунтларнинг музлаш чуқурлиги 15 см дан ошмаслиги ёки танаффус вақти учун илгари зичланган грунтлар махсус воситалар билан изоляция қилинган тақдирдагина рухсат берилади (масалан, паст намликли юмшоқ грунт, қайсики кейинчалик олиб ташланади);

- грунтларни тўкиш ва уларни зичлаш бўйича барча ишлар юқори интенсивлик билан бажарилади.

200. Кўтармалар ва қайта тўлдиришлар бўйича ишларни бажариш жараёнида қуйидагилар амалга оширилади:

а) кўтарма ва қайта тўкма грунтларни тўкиш учун грунтнинг тури ва асосий физик кўрсаткичлари, асосан рўйхатга олиш усули билан амалга ошириладиган грунтни зичлаш машиналарининг турлари ва асосий хусусиятлари бўйича кириш назорати;

б) тезкор (операционный) ўлчаш ва визуал назорати:

- грунтнинг ҳар бир қатламига қўйиладиган турлари ва намлиги учун;

- тўкиладиган қатламларнинг қалинлиги учун;

- тўкилган сувнинг бир хиллиги ва миқдори, агар керак бўлса, грунтнинг қайта намланиши учун;

- қатламнинг бутун майдони бўйлаб ва айниқса, мавжуд конструкциялар яқинидаги қияликларда грунтни зичлаш машиналарининг бир хиллиги ва ўтишлари (зарбалари) сони учун;

- зичлаш сифатини назорат қилиш бўйича ишларни бажариш учун;

в) ҳар бир қатлам ва бутун объект ёки унинг қисмлари учун ўлчаш усуллари билан, шунингдек лойиҳа хужжатлари бўйича 11 - иловаси талабларига мувофиқ қабул қилиш назорати.

201. Юқори намликдаги грунтлардан фойдаланишда ишларни бажариш лойиҳасида сизиб ўтувчи грунтдан (қумли, чақиқ тошли ва бошқалар) алмашлаб тўлдирилган кўтармаларнинг зоналарини кўзда тутиш лозим. Бу грунт тўкилган юқори намликдаги грунти ўз оғирлиги таъсири остида грунт билан биргаликда сизиб ўтишини ва тўлдириладиган хариталар бўйича транспорт воситалари ва механизмларни ҳаракатланиш имкониятини таъминлайди.

202. Ер иншоотларига автомобил транспорти, скрепер ва тупроқ ташувчилар ёрдамида ташишда грунтнинг йўқолиши қуйидагича ҳисобга олиниши зарур, 1 km дан ортиқ бўлмаган масофада ташашида – 0,5 %, каттароқ масофаларга - 1,0 %.

203. Бульдозер ёрдамида, бошқа турдаги грунтдан иборат замин бўйича силжитишда, грунтнинг йўқолишини қуйидаги қийматларда ҳисобга олиш зарур, фоизда:

- хандақлар ва котлованларни қайта тўлдиришда - 1,5 фоиз;

- кўтармаларга тўкишда - 2,5 фоиз;

Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича етарли даражада асосланганда катта фоизда йуқотишни қабул қилишга рухсат этилади.

204. Тўнкаларни суғуриб ташлаш ишлари зарур бўлганда, кўтармаларнинг (йўл, текислаш ва ш.к.) замини, ёстиқларнинг чегарасида бажарилиши керак.

205. Кўтармаларнинг лойиҳа кесимлари чегараларида қуриладиган тушиш ва чиқиш йўллари юзасидан қиш даврида тўлдириш олдидан музлаган грунт қатламлари олиб ташланиши керак. Тўлдириш музламаган грунтни зичлаш билан бажарилиши лозим.

206. Кўтармаларни ва қайта тўлдиришларни қуриш бўйича ишларни бажаришда назорат қилинадиган кўрсаткичларнинг таркиби, чегаравий четланишлар, назоратнинг хажми ва усуллари 11-иловага мувофиқ бўлиши керак. Грунтнинг тавсифий кўрсаткичларини аниқлаш нуқталари майдон ва чуқурлик бўйича бир текисда тақсимланиши керак.

8-боб. Махсус грунт шароитидаги ер ишлари

207. Махсус грунт шароитидаги ер ишларига қуйидагилар киради: қурилиш майдончасининг вертикал режалаш; қурилиш майдончасини муҳандислик тайёрлаш; иншоот остидаги ҳандакнинг парчаси; 4-иловаси талабларига мувофиқ бажариладиган замин грунтларини зичлаш; котлован ва ҳандакларни қайта тўлдириш.

Грунт ишларининг ҳар бирини юқори сифатли бажариш зарурати, улар алоҳида ва умуман қурилаётган бино ва иншоотларнинг нормал ишлашини таъминлайдиган чора-тадбирлардан бири эканлиги билан изоҳланади.

208. Қурилиш майдонини ва умуман ҳудудни вертикал режалаштириш, иложи бўлса, ер усти ёмғирлари ва эриган сувларнинг табиий оқимини сақлаб қолган ҳолда, грунтларни кесиш ва қайта тўлдириш мосламаси билан, иккинчи ҳолда, режалаштириш кўтармаларини қуриш орқали бажарилиши керак.

Тепаликлар кўп бўлган ёки катта қияликлар билан бўлган рельефни вертикал режалаштириш тўсиқлар ёки кичик қияликлар билан бажарилади.

Грунтларни кесиш ва тўлдириш жойларида, кейинчалик яшил зоналарда унумдор қатлам яратиш учун тупроқнинг устки ўсимлик қатлами бутунлай кесилади.

Бино ва иншоотлар, муҳандислик коммуникациялари, йўллар ва бошқаларнинг замини бўлган режалаштириш кўтармалари, паст намликли чўкувчан, шишадиган, шўрланган ва бошқа грунтларда 5-бўлимда кўрсатилган талабларга мувофиқ маҳаллий лойдан, камроқ қумли грунтларда қуруқ усулда, органик-минерал ва органик, бўш ва бошқа сув билан тўйинган грунтларда гидроювиш билан, одатда, қумли грунтлардан бажарилади.

209. Чўкувчан ва шишадиган грунтларда котлованларни қозишга фақат ҳандакдан ва унинг ҳар бир томонидан ўлчамлари қазилаётган чуқурнинг усти бўйича ўлчамлари қийматидан каттароқ туташ ҳудуддан ер усти сувларини олиб ташлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг рухсат этилади:

чўкувчан грунтлар учун - лойиҳада кўрсатилган чўкиш қалинлиги қийматидан кам бўлмаган, лойиҳада кўрсатмалар мавжуд бўлмаганда эса - I турдаги грунт учун 15 m ва II турдаги чўкувчанлиги бўйича грунт шароитлари учун 25 m; шишадиган грунтлар учун - камида 15 m.

210. Чўкувчанлиги бўйича II турдаги грунт шароитларида қозиш ишларини бажаришда сув қабул қилиш иншоотлари ва сувни четлатиш қурилмалари кўрсатилган қийматларнинг энг каттасини ҳисобга олган ҳолда қор эриши ва ёғингарчилик таъминотининг 5 % сув оқимига мўлжалланган бўлиши керак.

211. Чўкувчанлиги бўйича II турдаги грунт шароитларида чуқурчаларни қайта тўлдириш, шу жумладан амалдаги коммуникациялар билан кесишган жойларда, шунингдек такомиллаштирилган турдаги қопламали йўллар остида пойдевор ва коммуникациялар

ўрнатилгандан сўнг дархол қатлам-қатлам зичлаш билан лойли грунтлар билан амалга оширилиши керак. Сиздирувчи (дренирующих) грунтлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

212. Қалинлиги $h \geq 1,5$ m бўлган паст сув ўтказувчан экрани бўлган II турдаги грунт шароитларига эга бўлган чўкувчан грунтларда текисловчи кўтарманинг пастки қисми зичлаш коэффициенти $k_{som} \geq 0,95$ га қадар зичланган грунтлардан ясалган бўлиши керак, зарур ҳолда эса, пластиклик сони $I_p \geq 0,20$ бўлган лойдан ясалган иншоотларнинг пойдевори остига уларни зичлаш коэффициенти $k_{som} \geq 0,98$ ва қалинлиги $h \geq 1,5$ m гача зичлаш билан экологик экран ўрнатилиши керак.

Чўкувчанлиги бўйича II турдаги текислаш кўтармаларини куриш учун сиздирувчи материалларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

213. Шишадиган (набухающих) ва шўрланган грунтларда, пойдевор остидаги ва иншоотлар, муҳандислик коммуникациялари атрофидаги текислаш кўтармалари, камида 0,5 Hsl ёки 0,2 Hsf (шишадиган ёки шўрланган грунтнинг пастки қатлами остидаги қалинлигига мос равишда) кенглигидаги чизиқларда шишмайдиган ва шўрланмаган грунтлардан бажарилиши керак.

Шишадиган ва шўрланган грунтлардан фақат иншоотлар ва муҳандислик коммуникациялари ўртасида жойлашган яшил майдонларда фойдаланишга рухсат берилади.

214. Қурғоқчилик бўладиган худудларда текислаш кўтармалари, шуниндек қайта тўлдиришларни бажаришда грунтни намлаш учун минераллашган сувдан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда грунтдаги эрийдиган тузларни умумий микдори зичлангандан сўнг лойиҳада белгиланган рухсат этилган чегаралардан ортиб кетмаслик шарти бажарилиши керак.

215. Қазиларда жойлардаги грунтнинг юк кўтарувчанлиги 0,3 МПа дан кам бўлган ботқоқларда, вақтинчалик йўллар ва грунт уйилмаси юзаси бўйлаб ер ишларини бажаришда лойиҳа кўрсатмаларига мувофиқ курилиш техникаси ва транспортининг (грунтнинг сиздирувчи қатламини тўлдириш, геотекстил материаллардан фойдаланиш ва бошқалар) ишлаши ва ўтишини таъминлаш чораларини кўриш керак. Лойиҳада тегишли кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, сиздирувчи грунтлардан тўлдиришнинг қалинлиги камида 0,5 m олиниши ва ишларни бажариш жараёнида аниқлаштирилиши керак.

216. Курилиш техникасини ишлаши учун вақтинчалик йўллар лойиҳага мувофиқ, одатда, келажакдаги асосий йўллар трассалари ва чақиқ тош -грунтли қалинлиги 0,2 дан 0,4 m гача зичланган асосда 1 дан 1,5 m гача чуқурликда зичланиш коэффициенти қийматига $k_{som} \geq 0,95$ чўкувчан, шўрланган лойли грунтларда, ички ўтиш йўллари бўйлаб, шунингдек текислаш кўтарманинг участкаларида ётқизилиши керак.

Чақиқ тош -грунтли қопламаси бўйича асосий вақтинчалик йўлларнинг кесишган жойларида темир-бетон йўл плиталари ётқизилиши керак.

217. Қурғоқчил худудларнинг куруқлик даврида шўрланган грунтлардаги ишларни бажаришда курилишни ташкил этиш лойиҳасида вақтинчалик йўллар йўналишларининг такрорланиши таъминланиши керак.

Камида 5 cm қалинликдаги шўрланган грунтнинг юқори қатлами захиралар ва карьерларнинг вақтинча йўлларини текислаш кўтармасининг юзасидан олиб ташланиши керак.

218. Чўкувчан, шишадиган ва шўрланган грунтларда ҳандақларни қазилар 3-бўлим талабларини ҳисобга олган ҳолда фақат 208 – 211 бўйича чора-тадбирлар бажарилгандан

кейин амалга оширилиши керак. Ҳандақларнинг ўлчамлари лойихага мувофиқ қабул қилинади, қайсилар пойдевор остидаги замин грунтнинг зичланган майдонининг ўлчамларидан ҳар бир йўналишда камида 1,5 м дан, қозик пойдеворлари ишлатилган ҳолатларда эса - ростверклар четидан 1,0 м ошиши керак.

Котлованлардан кириш ва чиқишлар пастки томондан амалга оширилиши керак.

Грунтларни чуқур зичлаш пайтида оғир машиналарнинг манёвр қилишини таъминлаш, чўкувчан грунтларида очик котлованларнинг пастки қисмига қозик пойдеворларини ўрнатиш учун майдаланган тош, шағал, тошли грунт, чақик тош ва бошқаларни қалинлиги 0,15 дан 0,30 м гача бўлган қатлам билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Грунтнинг табиий намлигини намлик ортиб кетиши ёки бироз қуритишдан, қиш вақтида эса грунтнинг эриган ҳолатини сақлаб қолиш учун котлованларни қазиб олиш алоҳида хариталар (қамрагичлар) билан амалга оширин керак, уларнинг ўлчамлари пойдеворларнинг интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда режада белгиланади.

219. Қиш мавсумида ишларни бажаришда қуйидагилар инобатга олинади:

- муҳандислик-геологик тадқиқотлар натижасида кўтарилган деб таснифланган грунтларда ҳандақнинг деворлари ва тубининг грунтларини (лой зарралари мавжуд бўлганда лой, чанг ва майда кумлар) бутун ер ишларини бажариш, пойдевор ва ертўлани ўрнатиш пайтида ертўла деворларини қайта тўлдириш вақтигача музлашдан ҳимоя қилиш (ёки ертўла деворларини тўлдиргандан кейин ертўла хонаси орқали грунт музлашига йўл қўймаслик учун ертўла изоляция қилинадиган вақт);

- ҳандақни пойдевор ёстиғи даражасида грунтнинг музлашига йўл қўймаслик учун шундай қалинликдаги грунт тўлмаган қисмларга ажратиш;

- бундан ташқари, ҳандақ қисмлари шундай ўлчамда бўлиши керакки, бир ёки икки сменада пойдевор блокларини ўрнатиш ва сўнгги заминда намлик даражаси паст бўлган йирик донали ёки ўртача донали кум қатламини (қор ва муз қўшмасдан) ётқизиш мумкин;

- ҳандақ чуқурини қазитиш, пойдевор, ертўла блокларини ўрнатиш ва пойдевор атрофидаги бўшлиқга тўкмаларни энг қисқа муддатларда тўлдириш бўйича ишларни бажариш;

- очик ҳандақнинг бир қисмини тўлдириш, изоляцион тўшамалар ёки қаттиқлаштирувчи кўпик кўринишидаги изоляция қатлами билан қоплаш, уларнинг қалинлиги иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик муҳандислик ҳисоб-китоблари асосида аниқлаш ва ва пойдевор блокларини ётқизишдан олдин дарҳол изоляцион тўкмани, тўшамаларни ёки қотиб қолган кўпикни олиб ташлаш;

- грунтни электр иситишни қўллаш, шу билан бирга электродларни ерга болғалаш ёки бўш сув билан тўйинган лойли грунт юзасида кумли қатлам остида симларни ётқизиш(агар техник имкониятлар мавжуд бўлса);

- лойихада катта бўлмаган ўлчамдаги ҳандақларда иситиладиган биноларни қуришга руҳсат бериш;

- бетон пойдевор конструкцияларини агрессив муҳитдан ҳимоя қилиш бўйича махсус чоралар кўрган ҳолда, грунтнинг минус 7 дан минус 9 °С гача бўлган ҳароратгача музлашига йўл қўймаслик учун калций хлорид ёки натрий хлорид билан грунтларни шўрлашни қўллаш;

- пойдеворларни қуришдан сўнг дарҳол ҳандақларнинг бўшлиқларини эриган грунтлар билан тўлдириш;

- пойдевор ўрнатилгандан сўнг дарҳол бўшлиқларни хандақдаги ер ости сувлари даражасига мос келадиган баландликка тўлдириш;

- бўшлиқларни кўпчийдиган грунт билан тўлдириш фақат лойиҳа ташкилоти, буюртмачи ва техник назорат вакили билан келишилганидан кейин пойдеворларни тупроқнинг музлашидан ҳимоя қилиш бўйича махсус чора-тадбирларни кўриш.

220. Бинонинг ер усти иншоотларини қуриш пайтида замин грунтни музлашдан ҳимоя қилиш учун қуйидагилардан фойдаланиш:

- ер тўлани ёки техник ер ости қисмини вақтинча изоляция қилиш (бунинг учун ер тўланинг ораёпмаларини, ер тўланинг деразалари ва ешиklarини ва агар керак бўлса, ташқи деворларни замин сатҳидан шифтгача изоляция қилиш керак);

- доимий иситиш жорий этишдан олдин этарли даражада изоляцияланмаган ертўлаларни вақтинча иситиш;

- пойдеворларни грунт, шлак ёки бошқа изоляцион материаллар билан тўлдириш.

Материал ва ўлчамлар ишчи хужжат томонидан белгиланиши керак.

Тўлдириш фойдаланиш муддати давомида (техник ер остида) қолдириш мумкин бўлган ҳолларда ёки грунт полларни тўлдириш учун ишлатилиши мумкин бўлган ҳолларда қўлланилади.

221. Қиш вақтида, хандақ тубининг юзаси, зичланган замин музлашдан сақланган бўлиши керак, пойдевор қуришдан олдин эса қор, муз, музлаган юмшатишлан грунтни ростверк билан олиб ташлаш керак.

222. Бўш сувга тўйинган лойли грунтларда хандақларни қазитиш мусбат ташқи ҳароратда кўзда тутилади. Агар юзага келган мавжуд шароитлар туфайли иш манфий ҳароратларда амалга оширилса, грунтни музлашининг унинг хусусиятларига таъсирини аниқлаш учун қўшимча тадқиқотлар (изланишлар) кўзда тутилади (тадқиқот ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилади).

223. Котлованлар, хандақларни қайта тўлдиришлар пойдеворларни, бино ва иншоотларнинг ер ости қисмларини қуришдан, 4-бўлим талабларига мувофиқ, лойли шишмайдиган ва шўрланмаган грунтли муҳандислик тармоқларини ётқизишдан сўнг дарҳол амалга оширилиши керак.

Яшил майдонлар ичидаги хандақларни тўлдиришда, шунингдек хандақларни қайта тўлдиришда шишмайдиган грунтлардан фойдаланишга йўл қўйилади, агар пойдевор конструкциялари ёки бино ва иншоотларнинг ер ости қисмлари бўйлаб бўртиш деформацияларини ютадиган шишмайдиган демпфирловчи қатлам тўкилса. Демпфирловчи қатламининг кенлиги лойиҳа томонидан белгиланади.

224. Юмшоқ грунтларда, вақтинчалик йўлларда ва тупроқ уйимларининг юзаси бўйлаб ер ишларини бажаришда лойиҳага мувофиқ қурилиш техникаси ва транспорт (грунтнинг сиздирувчи қатламини тўкиш, геотекстил материаллардан фойдаланиш ва бошқалар) воситаларининг ишлаши ва ўтишини таъминлаш чоралари кўрилиши керак.

225. Торфли, бўш грунтларда текислаш, шунингдек, йўл кўтармалари ва бошқа ер иншоотларини қуриш усули лойиҳа томонидан белгиланади ва қатламли тўлдириш 17-бўлим талабларига мувофиқ грунтни зичлаш ёки қумли грунтларнинг гидравлик ювиш билан амалга оширилади.

226. Грунтларни гидравлик ювиш лойиҳаларида қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

- 12-жадвал талабларига мувофиқ ювиладиган текислаш кўтармаси учун зами тайёрлаш бўйича ишлар;

- ювиладиган кўтарманинг заминида ортикча сувни тўплаш ва уни йиғиш ва майдон ташқарисига олиб ташлаш учун тошлоқ (чақиқ тошли), йирик қумлар, чақиқ тошнинг сиздирувчи қатламини тўлдириш;

- ювиладиган ҳудуднинг бутун майдони бўйлаб қуйқанинг етарлича бир текис тақсимланиши бўйича чора-тадбирлар;

- чўкма грунтларнинг физик-механик хусусиятларини, сунъий кўтармаларнинг асосий параметрларини, бошқариш турлари ва усулларини назорат қилишга қўйиладиган талаблар.

227. “Автомобиль йўллари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўш грунтларни йўллар ва майдонларнинг асослари сифатида ишлатганда, чим билан қопланган қатлами олиб ташланмаслиги керак.

228. Бўш грунтларда кўтармаларни барпо этишда буюртмачи ва лойиҳа ташкилоти билан келишилган ҳолда, кўтарма ва унинг остидаги табиий грунтларнинг деформацияларини кузатиш, шунингдек, ишларнинг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш учун характерли жойларда сирт ва чуқурлик белгиларини ўрнатиш керак.

229. Кўчма қумли жойларда ер ишларини бажаришда қурилишни ташкил этиш лойиҳалари қурилиш даврида кўтармалар (захираларни ишлаб чиқиш тартиби, ҳимоя қатламларини илгарилаб қуриш ва бошқалар) ва қазишларни силжиш ва шамолдан нурашидан ҳимоя қилиш чораларини кўриши керак.

Қум устидаги лойли грунтнинг ҳимоя қатламлари 0,5 - 1,5 m қопламали чизиқлар билан ётқизилиши керак, шу муносабат билан лойиҳада ҳимоя қатламининг умумий ҳажмидан 10 % дан 15 % гача миқдорда грунтнинг қўшимча ҳажмини таъминлаш керак.

230. Қўзғаладиган қумли жойларда кўтармаларни қуришда, аналоглар ёки махсус тадқиқотлар маълумотлари бўйича шамолда грунтнинг нурашига қарши кўрилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ҳисобга олиб, грунтнинг йўқолишини лойиҳада ҳисобга олиш керак, лекин 30 % дан ошмаслиги керак.

231. Қурилишни ташкил этиш лойиҳасида кўчиш хавфли қияликлар учун қуйидагилар белгиланган бўлиши керак: кўчиш хавфи бўлган ҳудуднинг чегараси, грунтни қазиб олиш тартиби, вақт ичидаги қазиш ёки тўлдириш жадаллиги, қияликни умумий барқарорлигини таъминловчи муҳандислик тадбирлари билан чуқурчалар (кўтармалар) ва уларнинг қисмларини қуриш кетма-кетлигини боғлаш, қияликни хавфли ҳолатини ахволи ва бошланишини назорат қилиш воситалари ва тартиби.

232. Қиялик ва унга яқин майдонларда ёриқлар, тешиклар бўлса кўчишга қарши тегишли тадбирларни бажаргунга қадар ишларни амалга ошириш ман этилади. Юз бериши мумкин бўлган хавфли ҳолатлар пайдо бўлган тақдирда ҳамма турдаги ишлар тўхтатилиши керак. Ишлари кайта бошлашга, хавфли ҳолат сабаблари тўлиқ йўқотилгандан сўнг, тегишли рухсат этувчи далолатнома расмийлаштириш билан рухсат этилади.

9-боб. Грунтларда портлатиш ишлари

233. Қурилишда портлатиш ишларини бажаришда қуйидагилар таъминланиши керак: портлатиш ишларида ягона хавфсизлик қоидаларига мувофиқ - одамларнинг хавфсизлиги;

лойиҳада белгиланган чегараларда - портлашнинг мумкин бўлган таъсири зонасида жойлашган мавжуд иншоотлар, ускуналар, муҳандислик ва транспорт коммуникацияларининг сақланганлиги, шунингдек саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа

корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларининг бузилмаслиги, табиатни муҳофаза қилиш чоралари.

Агар портлатиш ишлари вақтида мавжуд ва қурилаётган бино ва иншоотларнинг шикастланишини тўлик олдини олиш имкони бўлмаса, унда мумкин бўлган шикастланишлар лойиҳада кўрсатилиши керак. Тегишли қарорлар манфаатдор ташкилотлар билан келишилиши керак.

Аҳамиятли муҳандислик иншоотларининг ва амалдаги ишлаб чиқаришларнинг яқинидаги портлатиш ишларининг ишчи хужжатларида ва портлатиш ишларини бажариш лойиҳасида, ушбу иншоотлардан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан қўйилган махсус техникавий талаблар ва портлатиш ишларини бажариш лойиҳаларининг келишиш шартларини ҳисобга олиш керак.

234. Алоҳида мураккаб шароитлар деб қуйидагиларни ҳисоблаш керак: темир йўллар, магистрал қувурўтказгичлар, кўприклар, туннеллар, электр узатиш ва алоқа линиялари, амалдаги корхоналар ва фойдаланиладиган турар-жой бинолари ва иншоотлари яқинидаги портлатиш; сув остидаги портлатиш; контурдан ташқари чекка массивни сақлаб қолиш зарурати шароитларида ишлаш, шунингдек, нишабликлар 20° дан юқори бўлган қияликларда ва кўчкига мойил бўлган ёнбағирларда қазил ишларини олиб боришдаги портлатиш.

235. Алоҳида мураккаб шароитларда портлатиш ишлари бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишда атроф-муҳитга ва мавжуд бино ва иншоотларга динамик таъсирнинг башоратини (прогнози) ўтказиш, шунингдек, ушбу ишларнинг бажаришни экологик оқибатларини баҳолаш керак.

236. Ўта мураккаб шароитларда портлатиш ишларини бажаришда, портлаш ишларининг мумкин бўлган таъсири зонасида геотехник ва экологик мониторинг ўтказилиши керак.

237. Ишчи хужжатларда ёки портлатиш ишларини бажариш лойиҳаларида кўзда тутилган портлатиш усуллари ва технологик тавсифномаларга уларни бажариш жараёнида махсус тажриба ва моделлаштирилган портлатишлар асосида аниқликлар киритилиши мумкин. Чуқурнинг лойиҳавий чегарасини бузилишига, юмшатиш сифатини пасайишига, иншоотларга, коммуникацияларга, ерларга зарарни кўпайишига олиб келмайдиган ўзгаришлар, лойиҳа хужжатларини ўзгартирмаган ҳолда тузатишга оид ҳисоблаш билан белгиланади. Лойиҳа хужжатларига ўзгартириш киритиш лозим бўлган ҳолда у тасдиқлаган ташкилот билан келишилган ҳолда бажарилади.

238. Портлатиш материалларини сақлаш учун одатда портлатиш материалларининг доимий омборларини кўзда тутиш лозим. Портловчи материалларнинг доимий омборлари бўлмаган корхоналарни қуришда уларни вақтинчалик иншоотлар сифатида таъминлаш керак.

Портловчи материаллар омборлари, махсус берк кўчалар ва юкни тушириш жойлари, агар улар доимий равишда уларнинг таркибига кирмаса, корхоналарни қуришда вақтинчалик иншоотлар сифатида таъминланиши керак.

239. Портлатиш ишларини бошлашдан олдин қуйидагилар бажарилиши керак:

майдончаларни тозалаш ва текислаш, иншоотнинг трассасини ёки режани жойда бўлиш;

вақтинчалик кириш ва объект ичидаги йўлларини қуриш, сувни четлатишни ташкил этиш, қияликларнинг “оборкаси”, ён бағирлардаги “заколлар” ва алоҳида барқарор бўлмаган тош бўлақларни олиб ташлаш;

бурғилаш ускуналарини ишлаши ва транспорт воситаларини ҳаракатланиши учун қияликларда зина-токчаларни қуриш;

ишчи ҳужжатлар ёки портлатиш ишларини бажариш лойиҳасида кўзда тутилган муҳандислик коммуникацияларини, электр узатиш ва алоқа линияларини бошқа жойга ўтказиш ёки учириш, ускуналарини демонтаж қилиш, механизмларнинг устини бекитиш ёки ҳавфли майдон чегараларидан олиб чиқиш ва бошқа тайёргарлик ишлари.

240. Портлатилган грунт йириклиги лойиҳанинг талабларига мос келиши керак, агар лойиҳада махсус кўрсатмалар бўлмаса, ер қазииш ва портлатиш ишларини бажарувчи ташкилотлар томонидан шартнома тартибида белгиланган чегаралардан ошмаслиги керак.

241. Портлатиш йўли билан қазилаётган чуқурларнинг туби ва четларининг ўлчамларини лойиҳадан четланишлари, одатда, лойиҳада белгиланган бўлиши керак. Лойиҳада бундай кўрсатмалар бўлмаган тақдирда, чегаравий четланишлар қиймати, музлаган ва қоятошли грунтларни портлатиб юмшатиш ҳолатлари учун назорат ҳажми ва усулини 3-жадвал бўйича қабул қилиш керак, портлатиб отиб юбориш орқали чуқурларни қуриш ҳоллари учун эса ер қазииш ва портлатиш ишларини бажарувчи ташкилотлар ўртасида келишиш бўйича портлатиш ишларини бажариш лойиҳасида белгиламоқ лозим.

242. Қурилиш майдончасида портлатиш ишлари, одатда, ишларни бажариш лойиҳасида белгиланган бўлиб, асосий қурилиш монтаж ишларини бошланишигача тугатилиши керак.

243. Қоятошли грунтларда нишаблиги 1:0,3 ва ундан тикроқ қазималарни (чуқурларни) барпо этишда, одатда, ҳудудли портлатиш қўлланилиши керак.

244. Қоятошли грунтлардаги қазималарнинг (чуқурларнинг) мустаҳкамланмайдиган шаклли нишабликлари ҳар бир ярусни бажариш жараёнида барқарор бўлмаган тошлардан тозаланиши керак.

10-боб. Ер ишларини бажариш учун экологик талаблар

245. Ер ишларини бажариш учун экологик талаблар қурилишни ташкил этиш лойиҳаларида амалдаги қонунчилик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни тартибга солувчи қарорлар қабул қилувчи органларнинг стандартлари ва ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

246. Кўтармалар ва турли чуқурлар (выемкалар) заминидаги тупроқнинг ҳосилдор қатлами, асосий ер ишлари бошланмасдан олдин, қурилишни ташкил қилиш лойиҳасида белгиланган ўлчамларда, уни кейинчалик қайта тиклашда ёки каммахсулдор ерларнинг унумдрлигини оширишда ишлатиш учун, алоҳида жойга (тупроқ уйилмасига) суриб қўйилади.

Тупроқнинг ҳосилдор қатламини қуйидаги ҳолларда олиб ташлмасликка руҳсат этилади:

- ҳосилдор тупроқ қатлами 10 см гача бўлганда;
- ботқоқ, ботқоқлашган ва сув босган жойлар;
- тупроқ ҳосилдорлиги паст бўлган тупроқларда;
- кенглиги 1 м гача бўлган ҳандақларни қазиишда.

247. Ҳосилдор тупроқ қатламининг олиб ташланиши лозимлиги, унинг қалинлиги қурилишни ташкил этиш лойиҳасида ўрнатилган тупроқнинг ҳосилдорлик даражасини, табиий ҳудудни ҳисобга олиб, 246 – банд ҳамда амалдаги стандартларга мос равишда белгиланади.

248. Ҳосилдор тупроқ қатламини олиб ташлаш ва қайтадан тўшаш ишлари тупроқ музламаган даврда амалга оширилиши лозим.

249. Қурилишни ташкил этиш лойиҳаларида грунтни сақлаш ва уюмларни эрозия, сув тошқини, ифлосланишдан ҳимоя қилиш усуллари ўрнатилиши керак.

Грунтнинг унумдор қатламидан кўтармалар, захиралар (подсыпок) ва бошқа доимий ва вақтинчалик ер ишларини куриш учун фойдаланиш тақиқланади.

250. Ер ишларини бажариш жараёнида археологик ва палеонтологик объектлар аниқланган тақдирда ишларни тўхтатиб, бу ҳақда маҳаллий ҳокимият идораларини хабардор қилиш лозим.

251. Қуйидаги ҳолларда грунтларни музлашдан сақлаш учун тез қотадиган кўпикдан фойдаланишга йўл кўйилмайди:

-сув ўтказгичлар (водопроводлар) ва сув манбаларини санитария кўриқлаш зонасининг биринчи ва иккинчи минтақалари чегарасида жойлашган очиқ сув таъминоти манбаининг сув тўплаш ҳудудида:

- марказлаштирилган ер ости хўжалик-ичимлик сув ўтказгичларни санитария кўриқлаш зонасининг биринчи ва иккинчи минтақалари чегарасида;

- ер ости сувларидан хўжалик-ичимлик мақсадлари учун марказлашмаган усулда фойдаланиладиган районларда ер ости сув оқими бўйича юқорида жойлашган ҳудудларда;

- шудгорларда, кўп йиллик дарахтзорлар ва яйловларда.

252. Ер ости ишларининг барча турлари, сув босадиган ўтлоқларда бажариладиган ер қазиш ишлари ишчи ҳужжатлар ва ишларни бажариш лойиҳасига мувофиқ амалга оширилади.

253. Балиқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган ҳавзаларнинг тубини чуқурлаштириш ишларини бажаришда ёки сув ҳавзаларидаги сув ости тупроқ уйимларини ювишда механик муаллақ нарсалар миқдори белгиланган меъёрий чегарада бўлиши лозим.

254. Грунт ташийдиган кемаларининг пастки қисмидан (палубасидан) грунтни ювишга фақат сув ости тўкмаси (тупроқ уйилмаси) ҳудудида рухсат берилади.

255. Сув остида бажариладиган ер ишларининг муддатилари ва усуллари табиий биологик жараёнлар (балиқларнинг уруғлаши, кўчиши каби жараёнлар ва бошқалар)ни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур.

11-боб. Саёз жойлашган пойдеворлар

256. Заминларни тайёрлаш ва пойдеворларни куришда ер, тош, бетон ва бошқа ишлар “Қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, “Юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар” курилиш регламенти ва объект учун ишлаб чиқилган ишларни бажариш лойиҳаси талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

257. Ишларни бажариш лойиҳасисиз заминлар ва пойдеворларни куриш бўйича ишларга йўл кўйилмайди, мўлжалланган мақсадлар учун жавобгарликнинг 4-даражали иншоотлари бундан мустасно.

258. Ишларни бажариш навбати ва усуллари ер ости муҳандислик коммуникацияларини ётқизиш, курилиш майдончасида кириш йўллари куриш ва бошқа нол циклли ишлар билан боғлиқ бўлиши керак.

259. Заминлар, пойдеворлар ва ер ости иншоотларини куришда, сув сатҳини пасайтириш, грунтни зичлаш ва мустаҳкамлаш, ҳандакни тўсиб қўйиш, грунтни музлатиш, "грунтдаги девор" усули ёрдамида пойдевор куриш ва бошқа ишларни бажариш ишчи хужжатда, ишларни ташкил этиш эса – курилишни ташкил этиш лойиҳаларида белгиланади.

Агар санаб ўтилган ишларни бажариш зарурати ишларни бажариш лойиҳасини ишлаб чиқиш пайтида ёки ҳандакни очишда юзага келса, ушбу ишларни бажариш тўғрисида қарор буюртмачи билан келишилган ҳолда лойиҳалаш ва курилиш ташкилоти томонидан қабул қилинади.

260. Ер ости тармоқларини ётқизиш ва қайта ташкил этиш, шаҳар ҳудудларини ободонлаштириш ва йўл қопламаларини тартибга солишда ишларни бажариш лойиҳасига, шунингдек ер ости ва ер усти муҳандислик иншоотларини қўриқлаш қоидаларига риоя қилиниши керак.

261. Агар ишчи хужжатларда қабул қилинган ҳақиқий муҳандислик ва геологик шароитлар ўртасида номутаносибликлар аниқланганда, уларни тузатиш ва ишларни бажариш лойиҳасини тўғирлаш керак.

262. Ишларни бажариш усуллари замин (механизмлар билан шикастланиши, музлаш, ер усти сувлари билан ювилиши ва бошқалар) грунтларининг курилиш хусусиятларининг ёмонлашишига йўл қўймаслиги керак.

263. Заминларни куриш бўйича махсус ишлар - грунтларни зичлаш, кўтармалар ва ёстиқларни куриш, грунтларни маҳкамлаш, музлатиш, котлованларни шиббалаш ва бошқалардан олдин тажриба ишлари олиб борилиши лозим, уларнинг давомида ишчи хужжат талабларини таъминлаш учун технологик параметрлар ўрнатилиши, шунингдек ишлар давомида тезкор назорат остида бўлиши лозим бўлган кўрсаткичларнинг олинishi таъминланиши керак.

Назорат қилинадиган кўрсаткичларнинг таркиби, чегаравий четланишлари, назорат ҳажми ва усуллари ишчи хужжат ва ишларни бажариш лойиҳасида кўрсатилганларга мос келиши керак.

Тажриба ишлари ишчи хужжат томонидан назарда тутилган майдончаниннг муҳандислик-геологик шароитларини, механизациялаш воситаларини, ишларнинг бажариш мавсумини ва иш технологияси ва натижаларига таъсир қилувчи бошқа омилларни ҳисобга оладиган дастурга мувофиқ амалга оширилиши керак.

264. Курилиш ишлари жараёнида кириш, операцион (тезкор) ва қабул қилиш назорати амалга оширилиши керак.

265. Ишларнинг сифатини назорат қилиш ва қабул қилиш курилиш ташкилотининг техник ходимлари томонидан мунтазам равишда амалга оширилиши ва курилиш ташкилотининг вакили, шунингдек қидирув ва бошқа сертификатлаштирилган ташкилотларнинг вакилларини жалб қилган ҳолда муаллифлик назорати вакиллари ва буюртмачи томонидан амалга оширилиши керак.

Назорат натижалари оралиқ текшириш далолатномаси ёки яширин ишларни қабул қилиш далолатномаси (актом приемки скрытых работ), шу жумладан пойдеворнинг алоҳида тайёрланган қисмини қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилган иш журналидаги ёзув билан қайд этилиши керак.

266. Тугалланган ишларни қабул қилишда олинган ҳақиқий натижаларнинг ишчи хужжат талабларига мувофиқлиги аниқланиши керак.

Ушбу мувофиқлик ишчи, ижро этувчи ва назорат ҳужжатларини таққослаш орқали ўрнатилади.

267. Қидирув ташкилотининг геологи томонидан тузилган заминларни қабул қилиш далолатномаларида қуйидагилар зарур:

- ишчи ҳужжатларда кўзда тутилган заминлар грунтларининг мувофиқлигини баҳолаш;

- заминлар ва пойдеворларнинг ишчи ҳужжатларга, шунингдек заминларни оралик текширишдан кейин ишларни бажариш лойиҳасига киритилган тузатишларни қайд қилиш.

- келгусидаги ишлар учун тавсиялар бериш.

268. Заминлар қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади.

- ишларни ишлаб чиқаришни жорий назорат қилиш жараёнида ҳам, пойдеворни қабул қилишда ҳам бажарилган грунтларни синаш материаллари;

- оралик текширувлар ва яширин ишларни қабул қилиш далолатномалари;

- ишларни бажариш журналлари;

- ҳақиқий бажарилган иш учун ишчи чизмалар.

269. Ишларни бажариш жараёнида тугалланган айрим муҳим конструкциялар буюртмачининг техник назорати томонидан ушбу конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномаларини тайёрлаш билан қабул қилиниши керак.

270. Котлованларга пойдеворларни қуришда, буларнинг режадаги ўлчамлари тўсик конструкцияси қурилишининг лойиҳа ўлчамларини ва ҳандақ деворларининг маҳкамлашини, сувни чиқариб ташлаш усуллари ва пойдеворлар ёки ер ости иншоотларини қуришни ва қурилиш механизмлари ва технологик ускуналарни жойлаштириш имкониятини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

271. Ҳандақнинг ишчи чизмаларида унинг ичида ер усти ёки ер ости иншоотлари ва коммуникацияларнинг жойлашиши, ер ости, ўртача ва баланд сувларнинг горизонтлари, шунингдек сувнинг ишчи горизонти тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

272. Котлованни қазиб бошланишидан олдин қуйидаги ишларни бажариш керак:

- котлован ўрнини белгилаш;

- ҳудудни режалаштириш ва ер усти ва ер ости сувларини бартараф қилиш;

- қурилиш жойига тушадиган ер усти ва ер ости коммуникацияларини ёки иншоотларини қисмларга ажратиш ёки бошқа жойга кўчириш;

- котлованнинг тўсиқлари (зарур ҳолларди).

273. Мавжуд ер ости коммуникацияларини бошқа жойга ўтказиш (қайта қуриш) ва уларнинг жойлашган жойларида грунтни қазиб фақат коммуникациялардан фойдаланиш учун масъул бўлган ташкилотнинг ёзма рухсати билан йўл қўйилади.

274. Ҳандақларни, пойдеворларни ва ер ости иншоотларини қуриш жараёнида грунтнинг ҳолатини, ҳандақнинг тўсиқлари ва маҳкамлаги, сув филтрацияси доимий равишда назорат қилиниши керак.

275. Бевосита мавжуд иншоотларнинг пойдеворлари яқинидаги ҳандақларни, шунингдек мавжуд ер ости коммуникацияларини қазиб, мавжуд иншоотлар ва коммуникацияларнинг мумкин бўлган деформацияларига, шунингдек ҳандақ қияликларининг барқарорлигини бузилишига қарши чоралар кўриш керак.

Мавжуд иншоотлар ва коммуникацияларнинг сақланганлигини таъминловчи чоратadbирлар ишчи ҳужжатларда ишлаб чиқилиши ва, керак бўлганда, фойдаланувчи ташкилотлар билан келишилиши керак.

276. Тўсиқлар ва ҳандақларнинг маҳкамлагичлари ва тўсиқлари шундай тарзда бажарилиши керакки, улар конструкцияларни ўрнатиш бўйича кейинги ишларни амалга оширишга ҳалақит бермаслиги керак.

Саёз (чуқур бўлмаган) котлованларни маҳкамлаш, одатда, инвентар бўлиши керак ва уларни қисмларга ажратиш кетма-кетлиги пойдевор ва бошқа тузилмаларни ўрнатиш бўйича ишлар тугагунга қадар чуқурларнинг деворларининг барқарорлигини таъминлаши керак.

277. Сувга тўйинган грунтларда ҳандақни қазишда, қияликларнинг ювилиб кетиши, замин грунтининг суффозияси ва сиқиб чиқарилишининг олдини олиш чораларини кўриш керак.

Агар замин сувга тўйинган майда ва чангли қумлардан ёки оқувчан пластик ва оқувчан консистенциядаги лойли грунтлардан иборат бўлса, уларни ер ковлайдиган ва транспорт воситалари ҳаракати пайтида юзага келиши мумкин бўлган бузилишлардан, шунингдек динамик таъсирлар туфайли суюлтиришдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш керак.

278. Котлованнинг тубида грунтнинг етмаганлиги ишчи хужжатларида белгиланади ва иш жараёнида аниқлаштирилади. Грунтнинг лойиҳавий етмаганлигини ўзгартириш лойиҳа ташкилоти билан келишилган бўлиши керак.

Котловандаги грунтнинг тасодифий ортикчалиги пухталиқ билан зичланган ҳолда маҳаллий ёки қумли грунт билан тикланиши керак. Грунтни тўлдириш тури ва зичлаш даражаси лойиҳа ташкилоти билан келишилган бўлиши керак.

279. Музлатиш, сув босиши, грунтнинг ортикчалиги ва ҳоказолар натижасида ишларни бажариш жараёнида шикастланган заминлар лойиҳалаш ташкилоти билан келишилган тартибда тикланиши керак.

280. Ўзгарувчан чуқурликда жойлашган пойдеворларга эга котлованларда ёки ҳандақларда грунтни қазиш поғоналар билан амалга оширилиши керак. Поғона(уступа) баландлигининг унинг узунлигига нисбати ишчи хужжатларда белгиланади, лекин ёпишқоқ грунтлар учун - 1:2, - ёпишмайдиган грунтлар учун - 1:3 дан кам бўлмаслиги керак. Заминнинг поғонасидаги грунт структурасининг сақланишини таъминлайдиган усуллар билан қазиш керак.

281. Лойиҳа билан талаб қилинадиган табиий зичлик ва сув ўтказмаслигига жавоб бермайдиган заминдаги грунтларни алмаштириш ёки зичлаш воситалари (катоклар, оғир шиббалагичлар ва бошқалар) ёрдамида қўшимча равишда зичлаш керак.

Қуруқ грунтнинг зичлиги билан ифодаланган зичлик даражаси ишчи хужжатларда белгиланиши ва грунтнинг мустаҳкамлик хусусиятларининг ошишини, унинг деформацияланиши ва сув ўтказувчанлигини пасайишини таъминлаши керак.

282. Грунтнинг таркиби ва ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ва уларни тўқиш ва зичлаш усули бўйича қабул қилинган ишчи хужжатга мувофиқ, замин тайёрлангандан сўнг, тўқма грунтлардан ясалган заминларга пойдевор қуришга рухсат берилади.

Агар ишчи хужжатларда ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқариш тартиби ва иш технологияси ва сифатни назорат қилишни назарда тутувчи махсус кўрсатмалар мавжуд бўлса, шлак ва бошқа грунт бўлмаган материаллардан ясалган кўтармалардан замин сифатида фойдаланишга рухсат берилади.

283. Кўтармаларни, ёстиқларни, қайта тўлдиришларни, шунингдек грунтни зичлаш усуллари ишчи хужжатда белгиланади ва грунтнинг керакли зичлиги ва ҳолатига,

ишларнинг ҳажмига, мавжуд механизациялаш воситаларига, ишларни бажариш муддатларига ва бошқаларга қараб ишларни бажариш лойиҳасида аниқланади.

284. Бўшлиқларни тўлдиришни ер усти сувларининг ишончли баргараф қилишини кафолатлайдиган даражагача етказиш тавсия этилади.

Қиш шароитларида бўшлиқларни тўлдириш учун грунт эриган бўлиши керак.

285. Комиссия томонидан заминни қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг, пойдевор ва ер ости иншоотларини қуриш кечиктирмасдан бошланиши керак.

Қазишни тугатиш ва пойдевор ёки ер ости иншоотларини қуриш ўртасида танаффусга (узилишга) йўл қўйилмайди.

Мажбурий узилишлар бўлса, грунтнинг табиий тузилиши ва хусусиятларини сақлаб қолиш, шунингдек, котлованни ер усти сувлари билан босиши ва грунтнинг музлашига қарши чоралар қўриш керак.

286. Заминдаги грунтнинг табиий тузилиши ва хусусиятларини сақлаш бўйича чоратадбирлар қуйидагилардан иборат:

- котлованни ер усти сувларининг кириб келишидан ҳимоя қилиш;
- котлован ва замин грунтларини сув ўтказмайдиган девор билан тўсиб қўйиш ("грунтдаги девор", шпунтли тўсиқлар, бурғилаб кесувчи қозиклар ва бошқалар);
- сувни ўз ичига олган пастки қатламлардан чуқур сувни чиқариб ташлаш (водоотлив) орқали гидростатик босимни тушириш;
- котлованга туби орқали сувнинг кириб келишига йўл қўймаслик;
- етишмаётган грунтнинг ҳимоя қатлами ёрдамида грунт қазиш машиналари томонидан чуқурларни қазиш пайтида динамик таъсирларга йўл қўймаслик;
- замин грунтини музлашдан ҳимоя қилиш.

287. Ишларни бажариш жараёнида сув котлованга кирганда, лойиҳа мустаҳкамлигини камида 30 % га етмагунча бетон ёки қоришманинг янги қатламини сув босмаслиги учун сув қочирадиган зовур (водоотвод) таъминланиши керак.

Катта сувнинг оқиб келиши билан, уни олиб ташлаш қоришманинг ювилишига ва грунтнинг чуқурга тушишига олиб келиши мумкин бўлса, сув остида ётқизилган бетонли беркитиш (тампоначную) ёстиғини ташкил қилиш керак. Ёстикнинг қалинлиги ишларни бажариш лойиҳаси бўйича белгиланади, лекин сув босими 3 m дан ошмаганда 1 m дан кам бўлмаслиги керак.

288. Пойдеворларни қуриш тўсиладиган котлованлар қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак:

а) котлованни қуришни иложи бўлмаса (ростверкларни ўрнатиш бўйича ишларни бажариш учун), грунтни лойиҳалаш белгиларига қадар қазиш сув остида (эрлифтлар, гидроэлеваторлар, грейдерлар билан) амалга оширилиши керак. Котлованнинг тубига пастдан сув кирмаслиги учун вертикал ҳаракатланувчи қувурлар усули ёрдамида бетон беркитиш (тампонлаш) қатламини ётқизиш керак. Пастдан сув босимини ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган бетон қатламнинг қалинлиги камида 1 m ва камида 1,5 m бўлиши керак-котлованнинг замин тубида нотекистиклар мавжуд бўлганда, сув ости унга ишлов бериш давомида 0,5 m дан ошмаслиги керак;

б) котлован тўсиқларининг юқори қисми тўлқин ва тўлқин баландлигини ҳисобга олган ҳолда ишчи сув сатҳидан камида 0,7 m баландликда ёки муз ҳосил бўлиш даражасидан 0,3 m баландликда жойлаштирилиши керак. Ушбу турдаги ишларни бажариш пайтида 10% дан ошиб кетиш эҳтимолига мос келадиган энг юқори мавсумий сув сатҳи (муз даражаси) ишларни бажариш лойиҳасидаги ишчи сув сатҳи (муз даражаси) сифатида

қабул қилиниши керак. Бунда, шамол кўтарилиши ёки муз тикилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган даражадаги кўтарилишларни ҳисобга олиш керак. Оқими тартибга солинадиган дарёларда иш даражаси оқимни тартибга солувчи ташкилотларнинг маълумотлари асосида белгиланади;

в) котлован тўсиғидан сувни чиқариш (тортиб олиш) ва ростверк қуриш бўйича ишларга бетон ишчи хужжатда кўрсатилган, лекин 2,5 МРа дан кам бўлмаган мустаҳкамлик қатламига эга бўлгандан кейин амалга оширишга рухсат берилади.

289. Лойли грунтлардан ташкил топган заминнинг юзаси қалинлиги 5 дан 10 см гача бўлган қум билан (чанглидан ташқари) текисланиши керак. Қумли заминнинг юзаси тўлдирмасдан режалаштирилади. Кранлар ва бошқа механизмлар котлованнинг тайёрланган жойларидан ташқарида жойлаштирилиши керак.

290. Яхлит пойдеворларни қуришда, юпқа бетондан бажариш керак, бу эса гидроизоляция тагига қопламаларни(стяжкани) ётқизиш имкониятини таъминлайди ва бетонладиган пойдеворнинг бетон аралашмасидан қоришмани оқишига йўл қўймайди.

291. Пойдеворни ўзгарувчан чуқурлиги билан унинг қурилиши заминнинг пастки белгиларидан бошланади. Кейин юқоридаги бўлимлар тайёрланади ва пойдевор блоклари пастки қисмлар ёки блокларнинг бўшлиқларини тўлдиришнинг дастлабки зичлаши билан заминга ётқизилади.

292. Тайёрланган заминни қабул қилишда, пойдеворларни қуриш бўйича ишларни бошлашдан олдин, котлованнинг тубининг жойлашиши, ўлчамлари, баландлиги, грунтларнинг ҳақиқий қатламланиши ва хусусиятлари ишчи хужжатларда кўрсатилганларга мос келиши, шунингдек, лойиҳа ёки ўзгартирилган белгида пойдевор қўйиш имконияти белгиланиши керак.

Лойиҳа маълумотларига мувофиқ замин грунтларнинг табиий хусусиятлари ёки уларнинг зичланиш сифати бузилмаганлигини текшириш, агар керак бўлса, лаборатория синовлари, зондлаш, пенетрация(грунтнинг хоссаларини ўрганиш усули) ва ҳоказолар учун намуна олиш билан бирга бўлиши керак.

Лойиҳа маълумотларидан катта фарқлар бўлса, қўшимча равишда, штамплар билан грунтни синовдан ўтказиш ва ишчи хужжатларга ўзгартиришлар киритиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш керак.

293. Табиий жойланишда ёки грунт ёстиқларида грунтларнинг зичланишининг бир хиллиги ва етарлилигини текшириш дала усуллари (зондлаш, радиоизотоп усуллари ва бошқалар) ва ҳар бир зичланган грунт қатлампидан олинган намуналар ёрдамида қуруқ грунт зичлигини танлаб қилинадиган аниқлаш билан амалга оширилиши керак.

294. Агар пойдевор грунтнинг ҳақиқий ва лойиҳа хусусиятлари ўртасида сезиларли тафовут мавжуд бўлса, ишчи хужжатни қайта кўриб чиқиш ва кейинги ишларни бажариш зарурлиги тўғрисида қарор лойиҳа ташкилоти вакиллари ва буюртмачи иштирокида қабул қилиниши керак.

295. Пойдеворлар ва ер ости иншоотларини қуришда уларнинг жойланиш чуқурлигини, режадаги ўлчамлари ва жойлашишини, тешик ва чуқурларнинг жойлашишини, гидроизоляциянинг бажарилишини ва ишлатилган материаллар ва конструкцияларнинг сифатини назорат қилиш керак.

296. Котлованни очишда қуйидаги назорат турлари қўлланилади:

- грунтдаги зарур етмаганликларга риоя қилиш, ортикчаликларга йўл қўймаслик ва заминнинг грунт тузилишини бузишнинг олдини олиш;

- етмаганликларни кесишда, замин тайёрлаш ва конструкцияларни ётқизишда грунт структурасининг бузилишининг олдини олиш;
- замин грунтларини ер ости ва ер усти сувлари тошқинидан ва заминнинг юқори қатламларини юмшаши ва ювилишидан ҳимоя қилиш;
- заминнинг очилган грунтлари хусусиятларининг ишчи хужжатда кўрсатилганларга мувофиқлиги;
- грунт ёстикчаларининг етарли ва бир хил зичланишига, шунингдек, қайта тўкма ва замин тайёрлашга эришиш;
- заминнинг грунтини музлашдан ҳимоя қилиш бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг етарлилиги;
- жойланишнинг ҳақиқий чуқурлиги ва конструкцияларнинг ўлчамлари ва ишлатилган материалларнинг сифати ишчи хужжатларида назарда тутилганларга мослиги.

12-боб. Қозикли пойдеворлар, шпунтли тўсиқлар, анкерлар

1-§. Ботириб киргизиладиган қозиклар, қобик-қозиклар, шпунт ва қоқиб сиқиб чиқарилувчи қозиклар

297. Сиқиб чиқариш усулида олдиндан таёрланган қозикларни ботириш: қоқиш, титратиб ботириш, босиб киргизиш ва бураб киритиш. Лойиҳа ташкилоти билан келишилган ҳолда воситаларни ботиришни енгиллаштириш учун қўшимча равишда фойдаланилади: лидер бурғилаш, ичи бўш қозиклардан ва қобик- қозиклар ва бошқалардан грунтни олиб ташлаш.

Қозик пойдеворлари ва шпунтли тўсиқлар бўйича ишларни бажаришга тайёргарлик кўришда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

- мавжуд ер ости иншоотлари, уларнинг жойланиш чуқурлигини кўрсатиш билан электр кабеллари, электр узатиш линияларини, бино ва иншоотларни ишларнинг бажариш таъсири ҳудудида жойлашганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек уларни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар;
- агар керак бўлса, қурилиш майдончасининг муҳандислик-геологик шароитлари ва ишлатиладиган асбоб-ускуналар турига қараб қазилар ва бурғулаш ускуналари учун замин тайёрлаш.

Изоҳ – сувли ҳудуднинг чегарасида ишлар 1 баллдан ортиқ бўлмаган тўлқинланишда амалга оширилиши мумкин, агар сузувчи кранлар ва 500 t дан ортиқ бўлмаган копра ишлатилса ва 2 баллдан кўп бўлмаганда - каттароқ сиғимда, 4 баллдан ортиқ бўлмаган тўлқинланишда - ўз-ўзидан кўтариладиган платформалар ишлатилади.

298. Қозиклар ва шпунтларни ерга киргизиш учун болға ёки титратма ботиргичларни мавжуд бино ва иншоотларнинг яқинида қўллаганда, уларга динамик таъсирларни хавфни баҳолаш керак. Бунда замин грунтни деформациясига тебранишларни таъсири технологик асбоблар ва ускуналар бўйича тебраниш даражасини йўл қўйилишидан келиб чиқиши керак.

Изоҳ - Сувга тўйинган чангдан ташқари, деярли горизонтал, қалинлиги бўйича мустаҳкам кум қатламларидан ташкил топган заминларнинг деформациясига динамик таъсир этишларнинг таъсирини баҳолашни, оғирлиги 7 t дан ошмайдиган болғалар билан қозикларни 20 m дан ортиқ масофада, тебратиб ботиришда - 25 m ва шпунтларда - бино ва

иншоотларгача 15 m масофада қоқишда амалга оширмаслик мумкин. Қозик ва шпунтларни бино ва иншоотларгача кам масофаларда ерга киргизиш зарурият бўлган ҳолларда динамик таъсирларнинг даражасини ва узлуксиз давомийлик муддатини камайтириш бўйича чоралар кўрилиши (лидер қудуқларга қозикларни ботириш, болғанинг кўтариш баландлигини камайтириш, бинолардан узоқроқ Қозикларни ва яқиндагиларини оралатиб қоқиш ва бошқалар) ҳамда бино ва иншоотларнинг чўкиши учун геодезик кузатишлар ўтказилиши керак.

299. Қозикларни ички босими 2 МРа дан ошмайдиган ер ости пўлат қувурўтказгичларигача 5 m дан кам масофада, шпунтларни - 1 m дан кам ва диаметри 0,6-10 m дан ортиқ бўлмаган ичи бўш думалоқ Қозикларни ерга қоқишга рухсат этилмайди.

Ички босими 2 МРа дан ортиқ бўлган ер ости қувурўтказгичлари яқинидаги Қозиклар ва шпунтни қисқа масофаларга ёки каттароқ кесимга ботириш факат текиширилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда ва ишчи ҳужжатларда тегишли асослаш бўлганида амалга оширилиши мумкин.

300. Қозик ва шпунтларни ерга киргизишни енгиллаштирадиган қўшимча тадбирлар (тагидан ювиш, йўналтирувчи қудуқлар ва бошқалар) қоқилаётган элементларнинг 0,2 cm дан кам эҳтимолий ишламай қолиши ёки титратиб ботириш тезлиги 5 cm/min дан кам бўлганда, лойиҳа ташкилоти билан келишилган ҳолда қўлланилиши керак.

301. Қозикларни ботиришни осонлаштириш учун тагини сув билан ювиш усулини қўллаш мавжуд бино ва иншоотлардан камида 20 m узоқдаги участкаларда ва Қозикларни ботиришнинг иккиланган узунлигида рухсат этилади. Қозикни ботириш сўнгида тагини сув билан ювиш тўхтатилиши керак, шундан кейин тагини ювишни қўлламастан ҳисобли тўхтаб қолишга эришиш учун болға ёки титратма ботиргич ёрдамида юк билан қайта юклаш лозим.

302. Қозикларни ботириш учун дизел ва буғ ҳаво болғалари, шунингдек гидравлик болғалар, титратиб ботиргичлар ва босиб киргизадиган қурилмалар ишлатилиши мумкин. Қозик элементларини ботириш учун усқунани танлаш 5 ва 6 - иловаларига мувофиқ, ишчи ҳужжат томонидан қўзда тутилган юк кўтариш қобилиятини ва белгиланган лойиҳа белгиларида қозиклар ва шпунтнинг ерга кириб боришини таъминлаш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши керак. 25 m дан узунроқ қозикларни қоқиш учун усқунани танлаш зарбанинг тўлқин назариясига асосланган дастурлар ёрдамида ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади.

Мавжуд бино ва иншоотлардан 20 m дан кам масофада қозикларни қоқишда, ботирилаётган қозиклардан уларга таъсирини баҳолашни бажариш керак. 20 дан 40 m гача бўлган масофада, қозикларни қоқишда биноларнинг ҳолатини назорат қилиш мажбурийдир. Бунда, қозикларни қоқиш бўйича ишларни бошлашдан олдин, 40 m дан кам масофада жойлашган бинолар ёриқлар ва ортиқча деформациялар учун текширилиши керак.

303. Ботириладиган Қозиклар ёки қобиқ қозикларни ўстириш учун фойдаланиладиган қобиқ Қозикларнинг таркибий қисмлари қурилиш майдонида назорат учун учма-уч улаб кўрилади. Унда уларни бир ўқда ётишлиги ва бирикиш жойларинининг қуйма бўлақлари лойиҳага мос келиши текширилади (ўрнатилган рухсатлар доирасида). Уларни ботириш жойида тўғри уланиши учун белгилаб қўйилиши ва ювилмайдиган бўёк билан белгиланиши керак.

304. Ишламай қолишлар бўйича уларнинг юк кўтариш қобилиятини назорат қилиш билан ҳар бир метрга ботириш учун зарбалар сонини рўйхатдан ўтказиш билан қурилиш

майдонининг ҳар хил нуқталарида жойлашган Қозикларни қоқиш бўйича ишларни бажаришни бошланишида 5-20 та синов қозиклари (сон ишчи ҳужжатларда ўрнатилган) қоқилади. Ўлчов натижалари ишлар дафтарида қайд этилиши керак.

305. Ботириш охирида тўхташнинг ҳақиқий қиймати ҳисобийга яқин бўлганда, у ўлчаб кўрилади. Қозикни тўхташи қоқиш охирида ёки қайта қоқишда 0,1 см аниқликгача ўлчаниши лозим.

Қозиклар буг-ҳаволи яқка ҳаракатланувчи ёки дизелли гидроболғалар ёрдамида қоқилганда, сўнгги кафолатни 30 та зарбага тенг қилиб олиш керак, тўхташни эса кафолатдаги қоқишни сўнгги 10 зарбасини ўртача қиймати сифатида аниқлаш керак. Қозиклар қўшалок ҳаракатланувчи болғалар ёрдамида қоқилганда, унинг сўнгги кафолат муддатини 3 мин тенг қилиб олиш керак, тўхташни эса уни ботириш чуқурлигини ўртача қиймати сифатида кафолатли қоқишни сўнгги дақиқадаги битта зарбадан аниқланиши керак.

306. Қозиклар ёки қобиқ - Қозикларни титратиб ботиришда сўнгги кафолат муддати 3 мин га тенг қилиб олинади. Кафолатли ботиришда сўнгги дақиқа давомида титратма ботиргичнинг сарфланаётган қувватини ўлчаш зарур. Қозикни юк кўтариш тезлиги 1 см/мин аниқликкача ва қозик ёки қобиқ қозикни тебраниш амплитудасини 0,1 см аниқликкача ўлчаш керак.

307. Қозикларни тўхташи билан ҳисобийдагидан ортиқ бўлишида улар грунтда “дам” олганидан сўнг амалдаги стандартларга мувофиқ назорат қайта қоқилиши ўтказилиши керак. Назоратли қоқишда тўхташ ҳисобийдагидан ошиб кетган ҳолларда лойиҳа ташкилоти қозикларни статик юклар билан назоратли синов ўтказиш зарурлигини ишчи ҳужжатларда тузатиш киритилишини белгилаши зарур.

308. Лойиҳадаги чуқурликни 15 % дан кўпроғига охиригача ботирилмаган узунлиги 10 м дан ортиқ бўлмаган Қозиклар ва лойиҳадаги чуқурликни 10 % дан кўпроғига охиригача ботирилмаган Қозиклар, кўприклар ва транспорт гидротехника иншоотлари учун эса лойиҳа даражасигача 25 см охиригача ботирилмаган қозиклар, уларнинг узунлиги 10 м дан ортиқ бўлганда 50 см дан ортиқ охиригача ботирилмаган, лекин тенг ёки ҳисобийдан кичикроқ тўхташ рўй берганида, ботиришнинг сабабларини аниқлаш учун текшириш ўтказилиши керак ва мавжуд қозиклардан фойдаланиш имконияти ёки қўшимчаларни ботириш ҳақида қарор қабул қилиниши керак.

309. Темирбетон қобиқ-қозиклар ва пастки қисми бўш думалоқ қозикларни титратма ботиришда уларнинг темир-бетон деворларини гидродинамик таъсирлар натижасида ҳосил бўладиган бўйлама дарз-ёриқлардан ҳимоя қилиш бўйича чоралар куриш зарур. Ушбу бўйлама дарз-ёриқлар гидродинамик босим таъсири натижасида қозик қисмларининг бўшлиғида уларни сувга ёки суюлтирилган грунтга титратиб ботиришда ҳосил бўлади. Дарз-ёриқларни пайдо бўлиши олдини олиш бўйича чора-тадбирлар, ишларни бажариш лойиҳасида ишлаб чиқилиши ва биринчи қобиқ-қозикларни ерга ботириш даврида текширилиши керак.

310. Қобиқ-қозикларни ерга ботиришни сўнгги босқичида заминдаги грунтни бўшашиб (юмшаб) кетишини олдини олиш мақсадида қобиқ-қозиклар бўшлиғида ишчи ҳужжатлари бўйича баландликда грунтли ўзак қолдирилиши керак. Грунтли ўзак баландлиги гидромеханизацияни кўлланган ҳолларда қобиқ пичоғи тагидан камида 2 м грунтни олиб ташлашни, механик усулини кўлланганда эса камида 0,5 м олинади.

311. Пўлат шпунтни ерга ботиришдан аввал уни туғри чизиқлигига ва қулф бўшлиқларини тозалигига 2 м ли андозада юргизилиб текшириш керак. Шпунтларни

кулфлари ва қирраларини уларни сямаркон билан кўтарганда ёғоч қистирмалар билан химоялаш керак.

312. Режада берк конструкциялар ёки тўсиқлар қуришда шпунтларни ботириш, одатда, уларни аввалдан йиғиб ва тўлиқ бирлаштиргандан сўнг амалга оширилиши керак.

313. Шпунтларни суғуриб олишни механик мосламалар ёрдамида бажариш керак. Уларнинг суғуриб олиш кучи, ушбу ёки шунга ўхшаш шароитлар учун синов тариқасида суғуриб аниқланган кучга нисбатан 1,5 марта катта бўлиши керак.

Шпунтларни суғуриб олаётгандаги кўтарилиш тезлиги қумли грунтлара 3 m/ min ва лойли грунтларда 1 m/ min дан ошмаслиги керак.

314. Пўлат шпунтларни ерга ботиришга рухсат этиладиган чегаравий манфий харорат, пўлатнинг маркаси, ботириш тезлиги ва грунтнинг хоссаларига боғлиқ ҳолда лойиҳа ташкилоти томонидан белгиланади.

315. Қоқиб сиқиб чиқарилувчи қозиқлари болға зарбалари билан олиб ташланадиган зичланган бетон тиқин ёки йўқоладиган учи билан пўлат қопламали қувурлар ерга ботириш орқали қурилиши керак. Кўрсатилган қувурларни ботириш зарба, тебраниш ёки бураб ботириш механизмлари билан жиҳозланган махсус машиналар томонидан амалга оширилади. Қувурлар бетонлашдан кейин чиқариб олинади.

Қоқиб сиқиб чиқарилувчи Қозиқларни ўрнатиш бўйича ишларни бажариш ва қабул қилиш ушбу кичик бўлимнинг талабларини ва бунда ишлатиладиган махсус жиҳозларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ишларни бажариш лойиҳаси асосида амалга оширилиши керак.

316. Қозиқли пойдеворлар, шпунтли тўсиқлар ва анкерларни қуриш бўйича ишларни бажаришда назорат кўрсаткичларининг таркиби, назоратнинг хажми ва усуллари 13 - жадвалга мос келиши керак.

Техникавий талаблар	Чегаравий четланишлар		Назорат(усули ва ҳажми)
1. Қозикларни боти-риш жойига ўрнатиш, қуйидаги диаганал ёки диаметрлар бўйича, м:	Тутгичсиз, мм	Тутгичли, мм	Ўлчовли, ҳар бир қозик
0.5 гача	±10	±5	
0.6-1.0	±20	±10	
1.0 дан ортик	±30	±12	
2. Қоқоладиган қозик-ларнинг тўхташ қиймати	Ҳисобланган қийматдан ошмаслиги керак		Ўлчовли, ҳар бир қозик
3. Қозик ва қобик-қозикларни титратиб ботириш сўнгидаги тебраниш амплитудаси	Ўшанинг ўзи		Ўлчовли, ҳар бир қозик
4. Диаметри ёки кесим томонлари 0.5м гача бўлган қоқоладиган қозикларни тархдаги жойланиши:			
а) қозикларни бир қаторли жойлашиши: қозик қаторини кўндаланг ўқи	±0.2 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
қозик қаторининг бўлинма ўқи	±0.3 d		
б) икки ва уч қаторли жойлашган қозиклар тўпи ва тизими:			
қозик қатори ўқиға кўндаланг четки қозиклар	±0.2 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
қозик қатори бўйламаси бўйича қоқилган қозикларчетки қозиклар	±0.3 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
в) бино ва иншоотнинг ости бўйича яхлит қозикли майдон:			
четки қозиклар	±0.2 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
ўрта қозиклар	±0.4 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
г) яқка қозиклар	±5 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик

д) қозик устунлар	$\pm 3 d$		Ўлчовли, ҳар бир қозик
<p>5. Диаметри 0.5 m дан катта бўлган оқиладиган, тўлдириладиган ва бурғилаб-тўлдириладиган қозикларни тархдаги жойлашиши:</p> <p>а) қатор кўндалангида $\pm 10 d$</p> <p>б) қозикларни тўп бўлиб жойлашишида қатор бўйламасида $\pm 15 d$</p> <p>в) устун остидаги якка бўшлиқдаги доиравий қозик учун $\pm 8 d$</p>	$\pm 10 d$ $\pm 15 d$ $\pm 8 d$		
6. Кўприкнинг олд қисмида жойлашган қозикларни жойлашиши:	Тархда		Ўқ қиялиги
	Қуруқ ер юзаси сатҳида	Сув ҳавзаси сатҳида	

а) икки қаторли ва ундан ортиқ б) бир қаторли	$\pm 0,05 d$ $\pm 0,02 d$	$\pm 0,1 d$ $\pm 0,04 d$	100:1 200:1	
7. Қозиқ каллаги сатҳи: а) яхлит ростверкли б) йиғма ростверкли в) йиға каллакли ростверксиз пойдевор г) колонна-қозиқлар		$\pm 3 \text{ см}$ $\pm 1 \text{ см}$ $\pm 5 \text{ см}$		
8. Қозиқ устундан ташқари, қоқиладиган қозиқларнинг ўқи тиклиги		$\pm 2 \%$		Ўлчовли, тасодифий танланган қоққларни 20% қисми
9. Шпунтнинг тарҳда жойлашиши: а) темирбетонли, грунт юзаси сатҳида б) пўлатли, сузувчи кранлар отирилганда куйидаги сатҳарда: шпунт устида сув юзасида в) ер киргизилгандаги шпунтнинг устки сатҳи		$\pm 10 \text{ см}$ $\pm 30 \text{ см}$ $\pm 15 \text{ см}$ $\pm 15 \text{ см}$		Ўлчовли, қозиқларнинг 20% Ўлчовли, қозиқларнинг 20% Ўлчовли, қозиқларнинг 20% Ўлчовли, қозиқларнинг 20%
10. Деворда шпунтнинг эгилувчанлигини йўқотиш учун фойдаланиладиган шпунтларни понасимонлиги		± 0.01		Ўлчовли, ҳамма грунтларни 10% и
11. Бурғилаб қўиладиган қозиқларнинг қудуқлари ва кенгайтирилган жойларни ўлчамлари: а) оғзи, қазиш ўрни ва кенгайган жойи б) қудуқ диаметри в) кенгайган жой диаметри г) қудуқ ўқининг тиклиги		$\pm 10 \text{ см}$ $\pm 5 \text{ см}$ $\pm 10 \text{ см}$ $\pm 1 \text{ см}$		Ўлчовли ҳар бир қудуқни бурғилаш ускунасидаги сатҳлар бўйича Ўлчовли, тасодифан танланган қудуқларнинг 20% и Юқоридагидек Юқоридагидек
12. Қудуқларни тарҳда жойлашиши		5-банд бўйича		5-банд бўйича

13. Сув остида бетонлаш услубида бажарилга қозик деворнинг яхлитлиги	Қозик девор яхлитлигида камчилик бўлмаслиги керак		Ўлчовли, қозиклардан бурғла намуна (қум) олиш ёки бошқа усулда олинган амуналарни синаш
14. Ғовак қуйма қозиклар деворларнинг яхлитлиги	Қозик деволарида майдони 100 см ² ортиқ ўприлган бетон ёки ишчи арматура очилиб қолиши бўлмаслиги керак		Визуал, ҳар бир қозик
15. Ростверк учун бурғилаб ўтказиладиганусулда белгиланадган қозик-устун остидаги қудук чуқурлиги:	Четланишар қуйидагилардан ошмаслиги керак, см:		Ўлчовли, қудук ўрнатилган ҳар бир қозик каллагига сатҳи бўйича
16. Тўғридан тўғри каллаксиз юк узатиладиган қозиклардан ташқари, қозиклар каллагига тадаблар (платформали чок)	Четлари 5° гача четланишлар билан горизонтал бўлиши, қозик периметри бўйича бетон синиғи эни 50 мм дан ошмаслиги керак, бурчак ўйича понасимон синиқлар чуқурлиги 35 мм дан ошмаслиги ва узунлиги бекитиш чуқулигидан 30 ммга кам бўлиши керак		Техникавий кўрик, ҳар бир қозик учун
17. Тўғридан- тўғри каллаксиз юк узатиладиган қозиклар каллакларига тадаблар (платформали чок)	Четларидаги четланишлар 0.02 дан ошмаган ҳолда горизонтал бўлиши, периметри бўйича эни 25 мм дан ошмаган бетон синиқлари, чуқурлиги 15 мм дан ортиқ понасимон синиқ бурчаклар бўлмаслиги керак		Техникавий кўрик, ҳар бир қозик учун
18. Йиғма ростверкалар монтажи:	Белгиланган ўқига нисбатан сурилиши, мм	Юза сатҳларидаги четланишлар, мм	Ўлчови ҳар бир ростверк учун
а) турар-жой ва жамоат биноларининг пойдеворлари	±10	±5	
б) саноат бинолари пойдеворлари	±20	±10	
19. Қозик ўқларига нисбатан каллаки ўқларини четланиши	±10		Ўлчовли ҳар бир каллак учун
20. Ростверг ва каллак орасидаги қоришмали чок қалинлиги	30 мм дан ошмаслиги керак		Ўлчовли ҳар бир каллак учун

21. Платформали таянчида монтаждан кейинги чок қалинлиги	8 мм дан ошмаслиги керак	Ўлчовли ҳар бир каллак учун
22. Шишувчи грунтларда грунт юзаси ва ростверкнинг остки текислиги орасидаги масофа қалинлиги	Лойиҳада кўрсатилгандан кам бўлмаслиги керак	Ўлчовли ҳар бир ростверк учун
23. Ростверксиз қозиқли пойдеворларни коришмали чоки қалинлиги: - плита ва каллак орасида - девор панели ва каллак орасида	Қуйидагилардан ошмаслиги керак, мм: 30 20	Ўлчовли ҳар бир каллак учун
24. Анкерлар параметр-лари (қурилмси, ўрнатилиш чуқурлиги, уфкка қиялик бурчаги, чокнинг умумий узунлиги, эркин қисми узунлиги, қудук диаметри)	Лойиҳага мос келиши керак	Техникавий кўрик, ҳар бир анкер учун
25. Анкерларни юк кўтариш қобилияти: доимий вақтинчалик	Фойдаланиладиганга нисбатан кўп юкни қабул қилиши керак: 1.5 марта 1.2 марта	Ўлчовли назоратли синовларда анкерларнинг сонидан 10% кесмини ва қабул қилишда ҳамма қолган анкерларни
15-жадвалда қабул қилинган белги: 15:d доиравий қозиқни диаметри ёки бурчакли қозиқни кичик томони Изоҳ: Гидротехник, денгиз ва дарё иншоотларининг қозиқли пойдеворлар, қисмлари учун чегаравий четланишлар ва уларни назорат илиш усулври “Дарё ва сув омборларидаги гидротехника транспорти иншоотлари” қурилиш регламентига биноан аниқланади.		

2-§. Бурғулаш ва бурғулаб тўлдириладиган қозиклар

317. Бурғулаш ва бурғулаб тўлдириладиган қозикларни қуриш қудуқни бурғулашдан ташқари арматурали каркасни ва бетонлашни, шунингдек мустаҳкамловчи қувурларни чиқариб олишга имкон берадиган универсал грейфер, зарба, ротор, ковш ёки шнек типдаги агрегатлар ёрдамида амалга оширилиши керак.

Қозикларни жойланиш чуқурлигида ер ости сувлари мавжуд бўлмаса, уларни қуриш қуруқ скважиналарда деворларини маҳкамламасдан, сув билан тўйинган грунтларда уларни олинадиган мустаҳкамловчи қувурлар, лойли (бентонит) ёки полимер қоришмалар билан маҳкамлаш ва баъзи ҳолларда - ортикча сув босими остида амалга оширилиши мумкин.

318. Қумларда ва сув босган грунтларда илгарилаб кетувчи қазиш жойларини бурғулашга йўқл қўйиб бўлмайди.

319. Бурғуланадиган скважиналарнинг деворларини маҳкамлаш учун ишлатиладиган лойли (бентонитли) қоришмалар 14-бўлимда кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак. (Грунтдаги девор)

320. Скважинадаги лойли (бентонитли) қоришманинг даражаси уни бурғулаш, тозалаш ва бетонлаш пайтида ер ости сувларининг белгиланган босими даражасидан (ёки сув худудидаги сувнинг горизонтидан) камида 3,0 m юқори бўлиши керак.

Бурғулашда қудуқ яқинидаги грунтнинг суффозияси билан бирга поршен самараси (поршневого эффекта) пайдо бўлишининг олдини олиш учун бурғулаш асбобининг кўтариш тезлигини чеклаш керак.

321. Мавжуд бино ва иншоотлардан 40 m дан яқин бўлмаган қудуқларнинг сиртини маҳкамлаш учун чангли-лойли тупроқларда сувнинг ҳаддан ташқари босимидан фойдаланишга рухсат берилади.

322. Қудуқлардаги лойли қоришманинг сатҳи уни бурғулаш, тозалаш ва бетонлаш жараёнида ер ости сувлари сатҳидан (ёки сув худудидаги сувнинг горизонтидан) камида 0,5 m дан юқори бўлиши керак.

323. Бурғулаш жараёнида учраган тўсиқларни енгиб ўтиш имкони бўлмаса, Қозикни ўрнатиш учун қудуқдан фойдаланиш имконияти ҳақидаги қарорни пойдеворни лойиҳалаган ташкилот қабул қилиши керак.

324. Бурғулаш тугагандан кейин қудуқларнинг ҳақиқий ўлчамларини ишчи ҳужжатларга мос келиши, уларнинг оғизларининг белгилари, режада ҳар бир қудуқнинг қазилиш ўрни ва жойлашиши текширилиши ҳамда замин грунтининг турини муҳандислик-геологик кидирув маълумотларига мос келиши аниқланиши (лозим бўлса геологни жалб этган ҳолда) керак. Агар бурғулаш жараёнида дуч келадиган тўсиқларни енгиб ўтишнинг иложи бўлмаса, қудуқларни қозик учун ишлатиш имконияти тўғрисида қарор пойдеворни лойиҳалаштирган ташкилот томонидан қабул қилиниши керак.

Қуруқ ҳолатда бетонлашда арматура каркасини ўрнатишдан аввал ва сўнг қудуқни қазиш ўрни ичида юмшоқ грунт борлиги, емирилишлар, чиқиб қолган жойлар, сув ва лойқа бўлишини текшириб чиқиш амалга оширилиши керак.

325. Бурғулаб қоқиладиган қозикларни ўрнатишда қудуқни қазиш жойи юмшоқ грунтдан тозаланиши ёки қудуқда сувнинг йўқлигида шиббалагичда зичланиши керак.

Сувга тўйинмаган грунтларни зичлаш қудуққа (диаметри 1 m ва ундан ортик бўлганда ва массаси 5 t дан кам бўлмаган, диаметри 1 m дан кам бўлганда массаси 3 t дан кам бўлмаган) шиббалагични ташлаш усулида олиб борилиши керак.

Скважинани қазиш жойининг грунтини зичлаш титратма қолиблаш усули билан бажариш мумкин, шу жумладан қаттиқ материаллар (чақиқ тош , қаттиқ бетон аралашмаси ва бошқалар) қўшилиши билан. Қудуқ қазиш жойини зарбалаб шиббалашни “тўхташ”нинг 2 см гача қийматигача олиб бориш керак.

326. Бетонлашдан олдин ва арматура каркаси ўрнатилгандан сўнг, қудуқнинг қазиш жойида бўшашган грунт, тош, тўкмалар, сув ва қуйқумнинг йўқлиги учун қудуқни қайта текшириш керак. Қоятошли грунтларда бурғуланган ҳар бир қудуқнинг бетон қоришмасини сув остида тўғридан-тўғри аввал бурғулаш қолдиқларини қазиш жойи юзасидан ювиб ташлаш керак. Ювиш учун сув 0,8 дан 1 МПа гача бўлган ортиқча босим остида 150 дан 300 м³/h оқим тезлигида берилиши керак. Ювишни қуйқум қолдиқлари йўқотилгунча 5-15 min давом эттириш керак (бу ҳақда қувур четидан оқиб тушаётган сув ранги тасдиқлаши керак). Ювишни фақат бетон қоришмаси, бетон қуйиладиган қувур ичида ҳаракатланиш бошланиши пайтида тўхтатиш керак.

327. Қайта қўлланадиган (инвентар) пўлат қувурлари ёки темир-бетон қобиклар билан мустаҳкамланган қумлардаги қуруқ скважиналар, шунингдек, қумоқ тупроқли ер ва лой қатламларида бурғуланган мустаҳкамланмаган қудуқлар, ер ости сувлари сатҳидан юқорида жойлашган ва қум ва қумлоқ грунтларнинг қатламлари ва сатҳлари бўлмаган ҳолда, сув йўқлигида бетон аралашмани 6 м дан ошмайдиган баландликдан эркин тушириш усули билан бетон қуйма қувурлардан фойдаланмасдан бетонлашига рухсат берилади. Ушбу шароитларда бетон аралашмани 20 м дан ошмайдиган баландликдан эркин тушириш усули билан ётқизишга рухсат берилади, агар ушбу усулни махсус танланган композицион ва ҳаракатчан аралашма ёрдамида тажрибавий текширишда ижобий натижаларга эришилса.

Эркин тушириш билан бетонни бошқариладиган воронкали қисқа қувур орқали юборишга рухсат берилади.

Сув, лой ёки полимер қоришмалари билан тўлдирилган скважиналарда бетон аралашмани қоришма билан аралаштирмаслик учун бункер ва пробка билан жиҳозланган вертикал ҳаракатланувчи қувурлар усули ёрдамида ётқизиш керак. Бошида, қувур скважинанинг қазиш жойини тубига етиб бориши керак. Кейин у диаметридан кам бўлмаган миқдорда кўтарилади ва скважина тўлдирилади. Барча босқичлардаги бетонлаш жараёнида скважинадаги бетон аралашманинг даражасини ва қуйма бетон қувурнинг бетон аралашмасига камида 1,5 м кириб боришини назорат қилиш керак.

328. Сув босган қумли, чўкувчан ва бошқа турғун бўлмаган грунтларда Қозикларни бетонлаш, бурғулаш тугаганидан кейин 8 h дан кечикмасдан, турғун грунтларда эса - 24 h дан кечикмасдан амалга оширилиши керак. Кўрсатилган муддатларда бетонлаш имконияти бўлмаганда, қудуқни бурғулашни бошлаш керак эмас, бошланганлар қудуқларини эса, уларнинг қазиш жойини лойиҳа сатҳигача 1-2 м етказмасдан ва кенгайтириладиган жойни бурғуламасдан тўхтатиш керак. Қозикларни бетонлашни фақат майдонда 15 % дан кўп бўлмаган заҳира билан тўлдириш учун зарур бўлган бетон ҳажми мавжуд бўлганда бошлашга рухсат берилади.

329. Бетон қоришманинг арматура каркаси нуқтаи назаридан ва қуйма бетон ёки корпус қувурини қазиб олиш пайтида кўтариш ва силжишни олдини олиш учун каркас лойиҳа ҳолатида ўрнатилиши керак.

330. Камуфлет зарядини портлаши олдидан жойланган қоришманинг ҳажми камуфлет ковакни ва қозиклар устунини камида 2 м гача тўлдириш учун етарли бўлиши лозим. Ҳар бир Қозикни камуфлет кенгайтиришни амалга ошириш жараёнида қазиш

жойига туширилган портловчи модда заряд белгисини ҳамда қувурдаги бетон қоришманинг портлашдан олдинги ва кейинги сатҳини назорат қилиш лозим.

3-§. Бурғилаб инъекция қилинадиган қозиклар

331. Беқарор (юмшоқ) сув босган грунтларда инъекция қозикларини бурғилашда қудукни бурғулаш қудук деворларининг барқарорлигини таъминлайдиган лой (бентонит) эритмаси билан қудукларни ювиш билан амалга оширилиши керак.

Лой эритмасининг параметрлари 14 (Грунтдаги девор) бобга кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

332. Бурғилаб инъекция қилинадиган қозикларни тайёрлашда қўлланиладиган қаттиқлаштирувчи аралашмалар ва қоришмаларнинг зичлиги $2,03 \text{ g/cm}^3$ дан кам бўлмаслиги, ОзНИТИ (Озарбайжон нефт илмий-тадқиқот институти) конуси бўйича камида 17 см ҳаракатчанликка ҳамда 2 % дан ортик бўлмаган сув ажратишга эга бўлиши лозим. Ишчи ҳужжати талабларига жавоб бериши керак бўлган лабораториялар томонидан танланган бошқа шунга ўхшаш формулалардан фойдаланишга рухсат берилади.

333. Бурғилаб инъекция қилинадиган қозикларнинг қудукларини бетон қоришмаси билан тўлдиришни бурғилаш тарнови ёки инъектор қувур орқали, лой қоришмани тўлик сиқиб чиқарилиб, қудук оғзида соф бетон қоришма пайдо бўлгунча қазил шойидан пастдан юқорига томон бажариш лозим.

334. Бурғилаб инъекция қилинадиган қозикни босим илан текширишни кондуктор-қувурнинг юқори қисмида манометрли тампон ўрнатилганидан сўнг, инъектор орқали 2-3 m^3 давомидида 0,2-0,3 МПа қотаётган қоришмани босим остида киритиш орқали амалга ошириш лозим.

Қоришма билан тўлдирилган скважиналар атрофидаги грунтни зичлаш (босим билан текшириш) РИТ технологияси (разряд импульс технологияси) ёрдамида юқори волтли разрядлар ёки бурғулаш-инъекция-компенсация қозиклари (буруинъекционно-компенсационных свай) технологияси ёрдамида амалга оширилиши мумкин, бунда махсус бурғулаш воситаси кўтарилган ҳолда, атрофидаги грунтнинг босим синови бажарилади.

4-§. Узлуксиз ичи бўш шнек билан қуриладиган қозиклар

335. Узлуксиз ичи бўш шнек билан бурғилаб қоқиладиган қозикларнинг қурилиши қозик заминини белгиланган лойиҳа чуқурлигигача Узлуксиз ичи бўш шнек билан бураб амалга оширилиши керак, шундан сўнг бетон аралашмани босим остида унинг ички бўшлиғига бериш керак. Шу билан бирга, шнек аста-секин юқорига қараб ҳаракатланиши керак, ишлаб чиқилган грунтни пичоқлари билан кўтаради ва натижада пайдо бўлган қудук аста-секин бетон аралашмаси босим билан юқорига тўлдирилиши керак, кейин эса арматура каркаси ботирилади.

336. Узлуксиз ичи бўш шнек усули бўйича қозик қўйиш учун бурғулаш агрегатлари ва машиналари берилган компьютер дастурлари бўйича бурғулаш тезлиги ва вертикаллигини, шнекка берилган момент миқдори, унинг ерга ботириш чуқурлиги, шнек бўшлиғидаги бетон аралашманинг босими ва қудукқа ётқизилган бетон ҳажмини кузатиш учун борт компьютерига (битта дисплей ва босиб чиқариш мосламаси билан) чиқариладиган назорат-ўлчаш ускунасига эга бўлиши керак. Ушбу маълумотларнинг

барчаси компьютер дисплейида тезкор кўрсатилиши, унинг хотирасида сақланиши ва керак бўлганда чоп этишда берилиши керак.

337. Скважиналарни ковлаш (бурғулаш) жараёни қозикнинг лойиҳа даражасига қадар тўхтамасдан бир циклда амалга оширилиши керак. Бурғулаш ишларини бажараётганда, шнекнинг ички бўшлиғига сув ва грунтнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун шнекнинг пастки ён томони ёпилиши керак.

338. Ҳақиқий ўзгариш коэффицентини V_m ҳисобга олган ҳолда, бетон кучи лойиҳа синфининг 50 % га етмаган, илгари ишлаб чиқарилган қўшни қозиклар марказларидан уларнинг диаметридан учтадан кам масофада жойлашган қудуқларни бурғулашга рухсат берилмайди. Учта диаметрдан ортиқ масофаларда скважиналар чекловларсиз бурғуланади.

339. Бетон аралашмасини қудуққа бетон етказгич ва бурғулаш машинасининг шнегининг ички бўшлиғига етказиб бериш шнекнинг айланмасдан кўтарилиши билан бир вақтда амалга оширилиши керак.

340. Сув билан тўйинган грунтлар мавжуд бўлганда, бетонлаш тизимидаги ортиқча босим ҳисоблаш йўли билан белгиланади ва 0,2 МПа дан ортиқ бўлса, ташқи ер ости сувлари босимидан 5 – 10 % га ошиши керак.

341. Скважинани бетонлаш жараёни бетон аралашмаси билан тўлиқ тўлдирилгунга қадар давом этиши керак. Бундай ҳолда, шнек айланмасдан аста-секин юқорига қараб ҳаракатланиши керак ва бетонлаштирилган тизимда борт компютерининг кўрсаткичларига кўра, бетон аралашманинг ортиқча босими доимий равишда сақланиши керак. Босим 0,2 МПа дан кам қийматгача пасайганда, шнекни кўтариш белгиланган босим тикланмагунча тўхтатилади.

Изоҳ - бетон аралашмаси ҳажмининг ҳақиқий ўлчамлардан ҳисобланган скважина ҳажмидан четланишлари 12 % дан ошмаслиги керак.

342. Қозикларни бетонлаштиришга арматурали каркас қабул қилингандан кейин рухсат берилади.

343. Арматурали каркас қозикнинг бетон аралашмасига лойиҳа даражасигача ботирилиши керак, шундан сўнг титратиб ботиргич каркастан олиб ташлангандан сўнг, у лойиҳа ҳолатида ўрнатилиши керак.

344. Арматурали каркасни ўрнатиш тугагандан сўнг, қозикни кейинчалик қозикли ростверк плитаси (пойдевор) билан биргаликда ишлашга киритиш учун бетоннинг юқори қатламини олиб ташлаш билан қозик бошини қайта ишлаш керак. Ушбу қайта ишлаш тайёрланганлиги 24 соатдан кўп бўлмаган бетон қозикларда ўтказиш тавсия этилади

5-§. Бурғулаб пастлашувчи қозиклар ва ташқи босим билан текширилган яхлит бурғулаш қозиклари

345. Йиғма бетон элементлар ёки пўлат қувурлар ёки профиллар бетон ёки қоришманинг етарли даражада ҳимоя қатламига эга бўлган симметрик участкани ҳосил қилиш учун қудуқларда маркази бўйлаб ўрнатилади.

346. Қудуқ деворларини ўрнатиш вақтида ушлаб туриш учун ўз-ўзидан қотиб қоладиган қоришма ишлатилмас, бундай қозикнинг ён юзаси атрофидаги ҳалқали бўшлиқ қазиш жойидан босим билан мустаҳкамликка синалиши керак.

347. Агар арматуралаш учун ишлатиладиган қувурлар бетон ёки қоришма билан тўлдирилиши керак бўлса, унда бу қувурлар ўрнатилгандан кейин содир бўлиши керак.

348. Яхлит бетон қозикларнинг ён юзаси ва / ёки товонини қоришма билан босим синови (жипслаштириш) фақат қозикнинг бетони қотганда амалга оширилиши керак.

349. Жипслаштириш (босим билан текшириш) учун суғуриб олинмайдиган инъекцион қувурлари ишлатилади. Уларнинг жойлашуви ишчи хужжатга мос келиши керак.

350. Товоннинг қоришмаси билан мустаҳкамликка синаш арматурали каркасларга ўрнатилган пўлат қувурлар ёрдамида, арматурали каркас билан бирга ўрнатилган босим остида юборилган эритманинг бурғиланган қозик заминининг бутун майдонида тарқалишини таъминлайдиган ёки скважинанинг қазилган ўрнида жойлашган манжетли қувурлар билан эгилувчан қобиклар ёрдамида амалга оширилади (14-илованинг 2-расмининг а) ва б) бандига қаранг).

351. Қозикнинг ён юзасида жипслаштириш (мустаҳкамликка синаш) арматурали каркасга, қаттиқ арматура ёки йиғма бетон элементга бириктирилган жипслаш (босим билан текшириш) қувурлари ёрдамида амалга оширилади (13-илованинг 3-расмига қаранг).

352. Қоришмани босим ва тезлик билан юбориш (ҳайдаш) атрофдаги грунтни йўқ қилишни назарда тутмайди.

353. Қозикларни қўшимча босим билан текшириш, уларга илгари ётқизилган қоришма қотгандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

354. Босим остида қоришмани юбориш қозикнинг ён юзасидан бошланиши керак.

6-§. Ростверклар ва ростверксиз қозикли пойдеворлар

355. Ростверкларни ўрнатиш бўйича ишлар, чуқурлаштириш ва лойиҳа даражасида кесилган қозикларни, қобик қозикларни ёки бурғилаш қозикларни қабул қилишдан олдин бўлиши керак.

356. Очилиш кенглиги 0,3 m дан ортик бўлган кўндаланг ва қия дарзли қозикларнинг деворлари қалинлиги камида 100 mm бўлган темирбетон ҳалқа билан кучайтирилиши ёки дублёрлар билан алмаштирилиши лозим.

357. Қозиклар тўлиқ қоқилмаган ёки каллаги қоқиш пайтида шикастланган ҳолларда уларнинг каллаги қозикнинг бетон ҳимоя қатламининг кесикдан пастда бузилишига йўл қўймайдиган усуллар билан кесиб ташланишлари лозим.

358. Ростверкларнинг қозикларга стакан турдаги оралик унсурлар-каллаклар воситасида суянганида, каллакларнинг ва қозикларнинг туташган ўринларини каллак ичида лойиҳада кўрсатилган чуқурликда, лекин камида 100 mm га суваб бириктириб қўйиш лозим.

359. Ростверк билан қозик каллаги орасида қоришма билан тўлдирилмаган ораликни қолдиришга руҳсат берилмайди.

360. Қозик ростверкларнинг ва ростверксиз пойдеворларнинг бажарилган йиғма ва яхлит конструкцияларини юкланиш имконияти “Юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар” шахарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мос тарзда аниқланиши лозим.

361. Қозиклар синган тақдирда ва лойиҳа белгисидан пастга мажбурий ботирилган тақдирда, лойиҳалаш ташкилоти билан келишилган ҳолда, улар монолитик темир-бетон билан кўпайтирилиши (ўстирилиши) керак.

362. Ростверклар қуриш учун тўсиладиган хандақларни қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда тайёрлаш лозим:

а) ҳадқани куриштишининг иложи бўлмаганда (ростверкларни куриш ишарини бажариш учун) грунт лойиҳавий белгиларгача қазиб олишни сув ости усулида (эрлифтлар, гидроэлеваторлар, грейферлар билан) бажариш лозим. Ҳандақ тубига пастдан сувларнинг ўтишини олдини олиш учун кувурни вертикал кўчириш усулида бетон қоплама қатлами ётқизирилиши лозим. Пастдан сув босимини ҳисоблаш йўли билан аниқланган бетон қатламнинг қалинлиги, агар уни ҳандақнинг тўсиқларининг темирбетон плитаси устига ётқизиш кўзда тутилган бўлса, камида 1 m бўлиши ҳамда ҳандақ грунт тубининг нотекисликлари 0,5 m гача бўлганда, сув остидаги қазиб олишда камида 1,5 m бўлиши лозим;

б) ҳандақ тўсиқларининг устини, тўлқин ва қоплама (нагон) баландлигини ҳисобга олган ҳолда сувнинг ишчи сатҳидан камида 0,7 m ёки муз қатлами сатҳидан 0,3 m баландликда жойлаштириш лозим. Ишларни бажариш лойиҳасида сувнинг ишчи сатҳи (батамом музлаш) сифатида ушбу турдаги ишларни бажариш даврида бўлиши мумкин бўлган, ҳисобийга ундан 10 % ошиш эҳтимоли билан мос келувчи мавсумий сув (батамом музлама) сатҳи олинади. Бунда шамол ҳайдашидан ёки муз тикилиши таъсиридан юзага келиши мумкин бўлган даражадан ошиб кетишини ҳам ҳисобга олиниши лозим. Тартибга солинадиган оқим билан бўлган дарёлардаги ишчи сатҳини оқишни ростловчи ташкилотлардан олинган маълумотлар асосида қабул қилинади;

в) ҳандақ тўсиғидан сувни тортиб чиқариб ташлашни ва ростверкни ўрнатиш ишларини бажаришни ёпувчи тампон қатлам бетони лойиҳада кўрсатилган мустаҳкамликка, бироқ камида 2,5 МПа га эришганидан сўнг бажаришга руҳсат берилади.

7--§. Қозик пойдеворларини ишлаб чиқаришни сифатини қабул қилиш ва назорат қилиш.

363. Қўйилган вазифаларга, ишчи ҳужжатнинг мавжудлигига, қозиклардаги нуқсонлар ва шикастланишларнинг табиати ва даражасига қараб, ишлаб чиқарилган қозикларнинг доимий (тўлиқ) ёки танлаб сифатини назорат қилиш амалга оширилиши мумкин. Узлуксиз (тўлиқ) назорат сейсмоакустик усулда узлуксизлик ва узунликни аниқлаш, объектдаги барча қозиклар учун радиоизотоп ёки ултратовуш усули билан бетон сифатини (бир ҳиллигини) баҳолашни ўз ичига олади. Объектда қозикларнинг камида 2 % дан бетонни бурғулаб олиш.

364. Агар қозикларнинг сифатини доимий назорат қилиш жараёнида умумий сони 20 дан ортиқ бўлган қозикларнинг камида 20 % қониқарли ҳолатда эканлиги аниқланса ва қозикларда нуқсонлар ёки шикастланишлар бўлмаса, қолган текширилмаган қозикларни танлаб текширишга руҳсат берилади. Танлаб текшириладиган қозиклар ҳажми объектда муайян аниқланиши керак.

365. Қозик бетонининг сифатини танлаб назорат қилиш бўйича ишлар таркибига қуйидагилар киради:

- объектда яхлит бетондан ясалган қозиклар умумий бажарилган сонининг 2 % дан тўлиқ узунликдаги кернларни бурғулаб олиш, лекин камида иккита қозик ва битта бир ўқли сиқиш учун керндан тайёрланган бетон намуналарини синовдан ўтказиш;

- қозиклар узунлигини назорат қилиш ва сейсмоакустик синовлар ёрдамида уларнинг танасининг яхлитлигини баҳолаш - объектдаги қозиклар умумий сонининг 20 %;

- бетон қозықларнинг сифатини (бир жинслилигини) радиоизотоп ёки ультратовуш ўлчаш усуллари билан тўлиқ узунлиги бўйича баҳолаш - объектдаги қозықлар умумий сонининг 10 %.

Изоҳлар

1. Лойиҳалаш ташкилоти билан келишилган ҳолда, белгиланган назорат усуллари билан бири билан чеклашга рухсат берилади.

2. Катта ва ўрта кўприклар учун ҳар бир таянч объект сифатида кўриб чиқилади.

366. Ишлаб чиқариш жараёнида технологияси бузилган барча қозықлар назоратга дучор бўлиши керак.

Ядрони бурғилашда, меъёрида ётқизилган бетон билан бетонлаш талабларини бузган ҳолда ётқизилган (масалан, аралашмани ётқизишдаги узок узилишлар) бетон қатламнинг алоқа зонасида, шунингдек, тошлоқ ердаги қудуқнинг қазыш жойи билан алоқа зонасида бурғулаш режимига алоҳида эътибор берилиши керак. Бу соҳаларда бурғулаш асбобининг тез ботирилиши (ўпирилиши) сув ости бетонлаш режимининг бузилиши натижасида ҳосил бўлган куйкумлар қатлами мавжудлигини кўрсатади. Ушбу ҳолат асбобнинг ўпирилиш белгиси ва чуқурлигини кўрсатадиган асосий бурғулаш журналида қайд этилиши керак.

367. Қозық пойдеворларини қуриш, шпунтли тўсықларни ўрнатиш бўйича ишларни бажаришда назорат қилинадиган кўрсаткичлар таркиби, назорат қилиш ҳажми ва усуллари 14- жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

Техникавий талаблар	Чегаравий четланишлар		Назорат(усули ва ҳажми)
1. Қозикларни боти-риш жойига ўрнатиш, қуйидаги диаганал ёки диаметрлар бўйича, м:	Тутгичсиз, mm	Тутгичли, mm	Ўлчовли, ҳар бир қозик
0.5 гача 0.6-1.0 1.0 дан ортик	±10	±5	
	±20	±10	
	±30	±12	
2. Қоқоладиган қозик-ларнинг тўхташ қиймати	Ҳисобланган қийматдан ошмаслиги керак		Ўлчовли, ҳар бир қозик
3. Қозик ва қобиқ-қозикларни титратиб ботириш сўнгидаги тебраниш амплитудаси	Ҳисобланган қийматдан ошмаслиги керак		Ўлчовли, ҳар бир қозик
4. Диаметри ёки кесим томонлари 0.5м гача бўлган қоқоладиган қозикларни тархдаги жойланиши: а) қозикларни бир қаторли жойлашиши: қозик қаторини кўндаланг ўқи қозик қаторининг бўлинма ўқи б) икки ва уч қаторли жойлашган қозиклар тўпи ва тизими: қозик қатори ўқига кўндаланг четки қозиклар қозик қатори бўйламаси бўйича қоқилган қозикларчетки қозиклар в) бино ва иншоотнинг ости бўйича яхлит қозикли майдон: четки қозиклар ўрта қозиклар г) якка қозиклар	±0.2 d ±0.3 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
	±0.2 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
	±0.3 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
	±0.2 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
	±0.3 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
	±0.2 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
	±0.4 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
	±5 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик

д) қозик устунлар	±3 d		Ўлчовли, ҳар бир қозик
5. Диаметри 0.5 m дан катта бўлган оқиладиган, тўлдириладиган ва бурғилаб-тўлдириладиган қозикларни тархдаги жойлашиши: а) қатор кўндалангида б) қозикларни тўп бўлиб жойлашишида қатор бўйламасида в) устун остидаги якка бўшлиқдаги доиравий қозик учун	±10 d ±15 d ±8 d		
6. Кўприкнинг олд қисмида жойлашган қозикларни жойлашиши:	Тархда		Ўқ
	Курук ер юзаси сатҳида	Сув ҳавзаси сатҳида	қиялиги
а) икки қаторли ва ундан ортиқ б) бир қаторли	±0,05 d ±0,02 d	±0,1 d ±0,04 d	100:1 200:1
7. Қозик каллаги сатҳи: а) яхлит ростверкли б) йиғма ростверкли в) йиғма каллакли ростверксиз пойдевор г) колонна-қозиклар	±3 см ±1 см ±5 см ±3 см		
8. Қозик устундан ташқари, қоқиладиган қозикларнинг ўқи тиклиги	2:100		Ўлчовли, тасодифий танланган қозикларни 20 % қисми
9. Шпунтнинг тархда жойлашиши: а) темирбетонли, грунт юзаси сатҳида б) пўлатли, сузувчи кранлар отирилганда қуйидаги сатҳарда:	±10 см		Ўлчовли, қозикларнинг 20 %

шпунт устида сув юзасида в) ер киргизилгандаги шпунтнинг устки сатҳи	±30 см ±15 см ±15 см	Ўлчовли, қозикларнинг 20 % Ўлчовли, қозикларнинг 20 % Ўлчовли, қозикларнинг 20 %
10. Деворда шпунтнинг эгилувчанлигини йўқотиш учун фойдаланиладиган шпунтларни понасимонлиги	±0.01	Ўлчовли, ҳамма грунтларни 10 % и
11. Бурғилаб қўиладиган қозикларнинг қудуқлари ва кенгайтирилган жойларни ўлчамлари: а) оғзи, қазиш ўрни ва кенгайган жойи б) қудуқ диаметри в) кенгайган жой диаметри г) қудуқ ўқининг тиклиги	±10 см ±5 см ±10 см ±1 см	Ўлчовли ҳар бир қудуқни бурғилаш ускунасидаги сатҳлар бўйича Ўлчовли, тасодифан танланган қудуқларнинг 20 % и Юқоридагидек Юқоридагидек
12. Қудуқларни тархда жойлашиши	5-банд бўйича	5-банд бўйича
13. Сув остида бетонлаш услубида бажарилга қозик деворнинг яхлитлиги	Қозик девор яхлитлигида камчилик бўлмаслиги керак	Ўлчовли, қозиклардан бурғила намуна (қум) олиш ёки бошқа усулда олинган амуналарни синаш
14. Ғовак қўйма қозиклар деворларнинг яхлитлиги	Қозик деволарида майдони 100 см ² ортиқ ўприлган бетон ёки ишчи арматура очилиб қолиши бўлмаслиги керак	Визуал, ҳар бир қозик
15. Ростверк учун бурғилаб ўтказиладиган усулда белгиланадган қозик-устун остидаги қудуқ чуқурлиги:	Четланишар қуйидагилардан ошмаслиги керак, см:	Ўлчовли, қудуқ ўрнатилган ҳар бир қозик каллаги сатҳи бўйича
16. Тўғридан тўғри каллаксиз юк узатиладиган қозиклардан ташқари,	Четлари 5° гача четланишлар билан горизонтал бўлиши, қозик периметри бўйича бетон синиғи эни 50 mm дан ошмаслиги керак, бурчак ўйича	Техникавий кўрик, ҳар бир қозик учун

қозиклар каллагига тадаблар (платформали чок)	понасимон синиклар чуқурлиги 35 mm дан ошмаслиги ва узунлиги бекитиш чуқулигидан 30 mmга кам бўлиши керак		
17. Тўғридан- тўғри каллаксиз юк узатиладиган қозиклар каллақларига тадаблар (платформали чок)	Четларидаги четланишлар 0.02 дан ошмаган ҳолда горизонтал бўлиши, периметри бўйича эни 25 mm дан ошмаган бетон синиклари, чуқурлиги 15 mm дан ортиқ понасимон синик бурчаклар бўлмаслиги керак		Техникавий кўрик, ҳар бир қозик учун
18. Йиғма ростверкалар монтажи:	Белгиланган ўқига нисбатан сурилиши, мм	Юза сатҳларидаги четланишлар, mm	Ўлчови ҳар бир ростверк учун
а) турар-жой ва жамоат биноларининг пойдеворлари	±10	±5	
б) саноат бинолари пойдеворлари	±20	±10	
19. Пулат қувурлардан ясалган ҳандақ панжарасининг оғишлари			
а) режада	±5 см		
б) вертикалдан оғиш	0,5 %		
в) чуқурлик бўйича	±5 см		
20. Қозик ўқларига нисбатан каллаки ўқларини четланиши	±10		Ўлчовли ҳар бир каллак учун
21. Ростверг ва каллак орасидаги қоришмали чок қалинлиги	30 mm дан ошмаслиги керак		Ўлчовли ҳар бир каллак учун
22. Платформали таянчида монтаждан кейинги чок қалинлиги	8 mm дан ошмаслиги керак		Ўлчовли ҳар бир каллак учун
23. Шишувчи грунтларда грунт юзаси ва ростверкнинг остки текислиги орасидаги масофа қалинлиги	Лойиҳада кўрсатилгандан кам бўлмаслиги керак		Ўлчовли ҳар бир ростверк учун
24. Ростверксиз қозикли пойдеворларни қоришмали чоки қалинлиги:	Қуйидагилардан ошмаслиги керак, mm:		Ўлчовли ҳар бир каллак учун

- плита ва каллак орасида	30	
- девор панели ва каллак орасида	20	
<p>d доиравий қозикни диаметри ёки бурчакли қозикни кичик томони Изоҳ: Гидротехник, денгиз ва дарё иншоотларининг қозикли пойдеворлар, қисмлари учун чегаравий четланишлар ва уларни назорат илиш усуллари [1] га биноан аниқланади.</p>		

8-§. Грунтли инъекция анкерлари

368. Ушбу кичик бўлимда фақат инъекция анкерлари кўриб чиқилади. Олдиндан зўриктирилган грунтли анкерлар ҳандақларнинг тўсиқлари, докларнинг тублари ва пастлашувчи қудуқлар, тиргак деворлар ва ер ости иншоотларининг деворлари, кўчки ёнбағирлари ва қияликлар, баланд иншоотларнинг пойдеворлари ва бошқаларни маҳкамлаш учун ишлатилади ва ҳар қандай грунтларда қурилади, бўш лойли, чўқувчан, шишадиган, органик-минерал ва органик грунтлар бундан мустасно.

369. Грунтли анкер – чузилиш (кучланиш) юқларини маҳкамланган конструкциядан грунтнинг юқ кўтарувчи қатламларига ўтказувчи қурилма. Анкер учта асосий қисмдан иборат: учи, анкерли тортқи ва ўрнатиш (илдиз).

370. Ўрнатиш жойидаги анкер тортқичнинг конструкцияси юқни анкер илдизидан ерга ўтказиш учун унинг бетонга тиркалишини таъминлаши керак. Анкер учининг конструкцияси анкер тортқини олдиндан тортиш, синовдан ўтказиш ва ўрнатиш, шунингдек, агар керак бўлса, бутун фойдаланиш муддати давомида анкерни бўшатиш, юмшатиш ва қўшимча кучланиш учун имкон бериши керак.

371. Анкерлар тортиш йўналиши бўйича қия ва вертикал анкерларга бўлинади.

372. Қудуқларни шакллантириш усулига кўра анкерлар қуйидагиларга бўлинади:

- бурғулаш учун – ўралган қувурлари(обсадная труба), лой қоришмаси ёки шнек билан қудуқларни қовлаб бориш билан;

- қоқиладиган (қоқиш орқали ўралган қувурларни ботириш)

- босиб киргизиладиган (шунинг ўзи босиб йўли билан)

373. Анкер илдизини ўрнатиш одатда цемент қоришмани ортиқча босимли ёки босимсиз инъекция қилиш билан амалга оширилади.

374. Анкер конструкциясида асосан анкер тортқининг пўлат элементларининг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин:

- совук чўзилган сим, у тортилгандан кейин қияб текисланади (профилланади);

- иссиқлайин жўваланган (ёйилган) қиррали сим;

- стерженли арматура;

- винтли резбаси билан пўлат қувурли штангалар;

- пўлат сим арқонлар.

Винтли профилнинг металл бўлмаган композит арматураларидан фойдаланишга рухсат берилади.

375. Хизмат муддати бўйича анкерлар вақтинчалик (икки йилгача) ва доимийларга (иншоотнинг бутун хизмат муддати давомида ишлашга мўлжалланган анкерлар) бўлинади.

376. Анкерларни оммавий ўрнатиш уларни тажриба майдончасида ўрнатиш технологияси ишлаб чиқилгандан ва синов тажрибалари ўтказилгандан сўнг амалга оширилиши керак.

377. Анкерларни ўрнатиш бўйича ишлар ишларни бажариш лойиҳаси ва қурилишни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

378. Анкерларни оммавий ўрнатишдан олдин қуйидаги асосий тайёргарлик ишлари бажарилиши керак:

- қурилиш майдончасини тўсиб қўйиш;

- бурғулаш зонасига тушадиган барча ер ости коммуникацияларини очиш, белгилаш ёки бошқа жойга кўчириш;

- юзани режалаштириш ва вақтинчалик йўллар ташкил этиш;
- вақтинчалик маъмурий-маиший биноларни жойлаштириш;
- материаллар ва конструкцияларни сақлаш учун жойларни тайёрлаш;
- зарур технологик жиҳозларни келтириш;
- анкерлар устида синов учун дала тажрибалари ўтказиш ва бошқалар.

379. Инъекция анкерларини ўрнатиш учун скважиналарни бурғулаш жараёнида бурғулаш ускунасининг бурғулаш йўналишига нисбатан тўғри ўрнатилишини, шунингдек, грунтнинг ҳақиқий қатламланиши муҳандислик тадқиқотлари (қидиришлар) материалларига мувофиқлигини назорат қилиш керак.

380. Кудуқларни бурғулаш технологияси ва анкерларни ўрнатиш бўйича иш усуллари атрофдаги биноларнинг нормал ишлаши шартларини бузмаслиги керак. Скважинани бурғулаш усули анкерларнинг юк кўтариш қобилияти учун масъул бўлган хусусиятларни максимал даражада сақлаб қолиш учун грунтнинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда танланади.

381. Ювиш қоришмалари ва мумкин бўлган қўшимчалар анкер тортқиси, инъекция қоришмаси ва скважина деворларига, айниқса, анкерни ўрнатиш (кўмиш) узунлиги бўйлаб салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Бурғулаш маҳсулотларини олиб ташлаш учун сиқилган ҳаводан фойдаланиш хавfli бўлиши мумкин ва эҳтиёткорлик билан ишлатилиши керак.

382. Анкерлар кудуқларининг оғизлари ер ости сувлари сатҳидан пастда жойлашган бўлса, ер ости сувларининг котлованга чиқишини олдини олиш чораларини кўриш ва амалга ошириш керак.

Изоҳ – Лой, мергель ва тошлоқ мергель сув таъсирида шишиш ва юмшашга мойил бўлиши мумкин.

383. Ер ости сувларининг даражаси юқори бўлганда, зичроқ лой қоришмаларидан, шунингдек қуйидаги чоралардан бирини ёки бир нечтасини ишлатиш керак бўлиши мумкин:

- қистирма (прокладка) ёки қувурли сальник туридаги қўшимча бурғулаш ускуналаридан фойдаланиш;
- иложи бор жойларда, ер ости сувлари сатҳини пасайтириш;
- грунт хусусиятларини олдиндан яхшилаш.

384. Бурғулаш тугагандан сўнг, кудуққа анкер тортқи ўрнатилади ва уни скважинага силлик, силтанишларсиз тушириш керак. Анкер тортқисини лойиҳа ҳолатига ўрнатгандан сўнг, у скважина оғзининг ўртасига ўрнатилиши керак.

Агар тўшайдиган қатламда мавжуд бўлган грунт аралашмалари бурғининг керакли чуқурликга кириб боришига тўсқинлик қилса, бу ўлчами бўйича кичик устунни барқарорлаштиришда бурғини олиб ташлаш керак ва ёнма-ён қўшимча устун қилиш ва барқарорлаштириш керак.

18-боб. Грунтларни кучайтириш

1-§. Умумий талаблар

731. Грунтларни кучайтириш - уларда махсус кучайтирувчи элементларни жойлаштириш орқали уларнинг хусусиятларини ўзгартириш усули.

732. Грунтларни кучайтириш кучайтирувчи элементларнинг жойлашуви бўйича (вертикал, горизонтал, қияли, уяли тузилмалар, ҳажмий-ёйилган), материалга кўра (темир-бетон, металл, геотекстил, маҳкамланган грунт, шу жумладан оқимли ёки бурғулаб аралаштириш технологияси бўйича), қуриш усулига кўра (инвентар элементларни ботириш, бетонлаш ва қуйиш, кейинчалик тўлдириш билан кучайтирувчи элементларни ёйиш ва жойлаштириш).

733. Вертикал кучайтирувчи элементларнинг қозикли элементлардан асосий фарқловчи хусусиятлари, бундан кейин деб аталади. Зичланган ёки мустаҳкамланган грунтлардан вертикал кучайтирувчи элемент қаттиқ темир-бетон қозиклардан тубдан фарқ қилади. Улар орасида қуйидаги фарқлар мавжуд. Темир-бетон қозиклар ростверк билан биргаликда бино ёки иншоот учун ягона пойдевор ташкил қилади. Қозик пойдеворларини ҳисоблашда деярли барча ташқи юклар қозикларга тақсимланади. Грунт, цемент-грунт ва бетон қозиклар конструкция эмас ва уни кучайтириш вазифасини бажарадиган грунт заминини кучайтириш элементларига тегишли. Вертикал кучайтиришовчи элемент темир-бетон қозиклардан фарқли ўлароқ, эгилиш юкларида ишламайди ва грунт массивида кучланишларни қайта тақсимлашга имкон беради. Вертикал кучайтирувчи элемент пойдевор остидаги грунт заминининг алоқа кучланишларини ва қаттиқлигини (мослигини) созлаш имконини беради. Вертикал кучайтирувчи элемент оддий қозиклардан фарқли ўлароқ, грунтдаги иш шароитларига кўра, устун ва осик қозикларга бўлинмайди. Бу вертикал кучайтирувчи элементнинг нисбатан кам чидамли ва шунга мос равишда темир-бетон қозикларга қараганда анча эгилувчанлиги билан изоҳланади (вертикал кучайтирувчи элемент материалининг мустаҳкамлиги грунтнинг мустаҳкамлигидан анча юқори ва темир-бетоннинг катталиқ даражаси мустаҳкамлигидан бир сирага камроқ). Ва шу сабабдан заминда ташқи юкларнинг таъсири остида чуқурлик бўйлаб кучланишларнинг янада жаддал тарқалиши рўй беради. Юкларнинг дастлабки пайтида ташқи юк замин ростверкининг тағлиги бўйлаб тақсимланади. Юкларнинг янада ортиши билан вертикал кучайтирувчи элементнинг ўзи аста-секин ишга қўшилади, улар орқали заминнинг чуқурроқ қатламларидаги грунтлар ишга қўшилиб кетади.

734. Вертикал кучайтирувчи элементнинг ён сирт бўйлаб грунт билан алоқа қилиш шартлари. Ён сирт ва грунт ўртасида аниқ белгиланган ён томон сирти мавжуд эмас, ва қозикларнинг диаметри шартли равишда марказдан шнек (ишчи қисми) диаметрига ёки сув-цемент оқимининг (инъекция технологияси) таъсир зонасига тенг шартли чегарага қадар қабул қилинади. Уланишда атрофдаги грунтни грунт-цемент қозигига "ёпишиши, қаттиқлашиши" рўй беради ва шунинг учун ўзаро таъсир шароитлари ўзгаради. Сарик тупроқли грунтларда грунт-цемент қозикларининг юк кўтариш қобилиятини ҳисоблашда нафақат ишқаланиш (силжиш), балки кучайтирувчи элементи деворидан маълум масофада жойлашган бир мунча ҳажмдаги грунтнинг осилиб туришини ҳам ҳисобга олиш керак. Таъсир майдони грунтларнинг таркибий ва физик хусусиятларига боғлиқ ва (2-5)D чегарасида ўзгариб туради. Чўкиш жараёнида, осилиб туриш туфайли грунтларнинг тортишиш (гравитация) босими пасаяди, бу чўкиш деформациялари пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Шу сабабли, вертикал кучайтирувчи элемент билан мустаҳкамланган заминларни лойиҳалашда улар орасидаги масофани ҳисоблаш йўли билан олиш керак.

735. Пойдевор остидаги асосларнинг эгилувчанлиги, бошқа нарсалар қатори, демперлаш (сўндириш) қатламининг қалинлигига боғлиқ. Ҳисоблашда мустаҳкамланган грунт материалининг механик моделини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, зичланган ва мустаҳкамланган грунтнинг кучи Кулон Мор мустаҳкамлик назариясига бўйсунди. Цемент-грунтлар учун, вертикал кучайтирувчи элементнинг мустаҳкамлик чегараси (736-банд) бир ўқли сиқилиш натижаларига кўра бетоннинг призма мустаҳкамлигига ўхшаш тарзда аниқланади. Бетон вертикал кучайтирувчи элементнинг мустаҳкамлиги материалнинг призма кучига тўғри келадиган бўлиб, у камида 700 кРа бўлиши керак. Грунт намуналарининг сиқилишга нисбатан меъёрий қаршилигининг

қиймати, мустаҳкамланган грунтларнинг вертикал кучайтирувчи элемент 675- бандга мувофиқ белгиланади.

736. Цемент-грунтлиларнинг ҳам, бетон вертикал кучайтирувчи элементнинг ҳам бўйлама қаттиқлиги қуйидаги шарт бажарилганда таъминланган деб ҳисобланади: диаметрнинг унинг узунлиги $D/L \geq 0.05$ га нисбати. Мисол агар вертикал кучайтирувчи элемент диаметри 0,6 m га тенг бўлса, унда унинг узунлиги $L \geq \frac{0.5}{0.05} = 10 m$ дан ошмаслиги керак .

737. Вертикал кучайтирувчи элементни ишлаб чиқариш тугаллангандан сўнг ва у тўлиқ қаттиқлашгандан кейин, унинг юк кўтариш қобилияти уларни статик юклар билан юклаш орқали аниқланади (745-банд). Юкнинг ҳар бир босқичида деформацияни шартли барқарорлаштириш учун 60 min учун 0,1 mm олинади. Синов натижалари асосида $S=f(P)$ юкни силжитиш (кўчириш) диаграммаси тузилади. $S=f(P)$ диаграммасининг чизиқли қисмига кўра, сиқилиш учун таянчнинг қаттиқлиги (kN/m) деб аталадиган бурчак коэффициентлари аниқланади.

738. Битта майдончадаги статик юклар учун вертикал кучайтирувчи элемент синовлари сони камида 3 та бўлиши керак.

739. Вертикал кучайтирувчи элемент қурилиши тугагандан сўнг, ишлар ихтисослаштирилган геотехник ташкилоти (хусусан, геолог муҳандиси) томонидан далолатномага мувофиқ қабул қилинади.

740. Грунтни кучайтиришда қуйидаги параметрларнинг лойиҳа маълумотларига мувофиқлиги назорат қилинади:

- қўлланиладиган кучайтирувчи элементларнинг тури, уларнинг номенклатураси ёки ўлчамлари, уларнинг мустаҳкамлик ва деформация хусусиятлари;

- кучайтирувчи элементларни режада ва баландлик бўйича жойлаштириш;

- тўқма грунтнинг мустаҳкамлик ва деформация хусусиятлари (агар мавжуд бўлса), унинг зичлаш даражасига қўйиладиган талаблар;

- умуман олганда арматураланган грунтнинг мустаҳкамлик ва деформация хусусиятлари (агар керак бўлса);

- агрессив грунтларда ёки ер ости сувларида кучайтирувчи элементларни ўрнатишда кучайтирувчи элементларни коррозиядан ҳимоя қилиш бўйича ишларнинг сифати.

741. Пўлатдан ясалган кучайтирувчи элементлар “Пўлат конструкциялар. Лойиҳалаш меъёрлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига, темир-бетон ва бетон элементлар “Бетон ва темир-бетон конструкциялар” қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига жавоб бериши керак.

742. Геосинтетик материаллар амалдаги стандартлар талабларига жавоб бериши керак.

743. Мустаҳкамланган грунтдан ясалган кучайтирувчи элементлар 13 ва 16 - иловаси талабларига жавоб бериши керак.

744. Ҳажмий-ёйилган кучайтириш ёрдамида қурилган сунъий заминларнинг хоссалари амалдаги стандартлар талаблари бўйича тайёрланган намуналарда лаборатория синовлари ёки дала синовлари билан тажриба фрагментларда назорат қилиниши керак.

745. Умуман олганда арматураланган грунтнинг мустаҳкамлик ва деформация хусусиятлари амалдаги стандартлар талаблари бўйича дала усуллари билан аниқланиши керак.

2-§. Грунтни геотекстил билан кучайтириш

746. Сочилувчан материалларни кучайтириш қатламлари ўртасида ушлаб туриш ва ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш учун қоплама билан, шу жумладан бўш ва/ёки чўкувчан грунт ҳудудлар устидаги иншоотнинг заминига бир қатламли арматура ётқизиш билан грунтни геотекстил билан кучайтириш грунтли тирговуч иншоотлари, вертикал қияликлар ва тўкмалар (кўтармалар) учун қўлланилади. Ушбу бўлимда йўл кўтармасини қуришда арматураланган грундан фойдаланиш кўриб чиқилмайди.

747. Арматураланган грунт иншоотининг замини атрофдаги қурилган биноларни ҳисобга олган ҳолда ишчи ҳужжаларга мувофиқ тайёрланиши керак; бундан ташқари, машиналар ва механизмлар учун кириш йўллари таъминланиши керак. Майдонча олдиндан тозаланиши ва режалаштирилиши керак.

748. Вертикал дренажларни арматураланган грунт иншоотларидан пастрокда ўрнатишда механизмлар ва жиҳозларнинг юклари таъсирида дренажларнинг бутунлигини сақлаш учун тўлдириш қалинлиги етарли бўлишини таъминлаш керак.

749. Қозиқ бошлари устига кучайтирувчи материални ётқизишда, кучайтирувчи материалга зарар етказмаслик учун бошларнинг ўткир бурчаклари ва четларини кесиб ташлаш ёки қозиқ бошларини қопқоқлар билан ёпиш керак.

750. Арматураланган грунт иншоотини қуришдан олдин, унинг заминидан ортиқча материалларни, айниқса, кучайтирувчи материалларга зарар етказадиган буюмларни олиб ташлаш керак. Ортиқча материаллар ва буюмларни олиб ташлагандан сўнг, заминни зичлаш керак.

751. Қаттиқ элементларнинг қопламаси билан арматураланган грунт иншоотларини ўрнатишда, юпқа бетон ёки зич шағалдан ясалган иншоотга яқин вақтинчалик майдончани таъминлаш керак. Ушбу майдонча қоплама элементларини лойиҳа ҳолатида ўрнатиш учун ишлатилади. Бундай майдончалар, одатда, юмшоқ материаллар билан қопланган ҳолда талаб қилинмайди.

752. Арматурани ётқизишдан олдин, грунт сиртидаги кескин фарқларни тайёрлаш қатламини тўлдириш ёки зичлаш орқали текислаш керак. Тайёрлаш қатлами ёки геосинтетик материалнинг ажратувчи қатлами замин грунтларидан сувнинг сизишини бузмаслиги керак.

753. Агар арматураланган грунт иншоотининг замини табиий дренажга эга бўлмаса, у ҳолда дренажни қуриш керак.

754. Агар арматураланган грунт иншоотининг дренаж ариқларидан ёки қурилаётган арматураланган грунт девори бўйлаб геокомпозициядан сувнинг оқиб келиши мумкин бўлса, оралиқлар билан дренажлар ўрнатилиши керак.

755. Сувнинг сезиларли оқиб келишлари билан арматураланган грунт деворидан пастрокда етарлича қалинликдаги дренаж қатламини ёки геокомполитни унинг товони чегараларидан ташқарида юкни тушириш билан қуриш керак.

756. Арматураланган грунт ёнбағирларини дренажлаш (захини қочириш) тирговуч арматураланган грунт иншоотлари учун бир хил тарзда бажарилади. Бунга қўшимча равишда, ёғингарчилик уйма материалларнинг қиялик танасидан ювилишига олиб келмаслигини таъминлаш керак.

757. Ҳар бир босқичда қоплама элементларини ўрнатиш билан арматураланган грунт иншоотлари қатламларда қурилади, бунда арматура уйма материални ётқизиш, текислаш ва зичлашдан кейин амалга оширилади.

758. Барча қоплама тизимлари учун вақтинчалик маҳкамлаш ёки қолиплаш тизимлари талаб қилинади. Қурилишнинг ҳар бир босқичида кучайтирувчи элементлар ишлай бошлашдан олдин унинг орқасида ёки баландроқда материални қайта тўлдириш ва зичлашда қопламанинг барқарорлигини таъминлаш керак.

759. Барча вақтинчалик маҳкамлаш ва/ёки қолиплаш тизимлари фойдаланишдан кейин қисмларга ажратилиши керак.

760. Қурилишнинг ҳар бир босқичида, белгиланган рухсатларни ҳисобга олган ҳолда, ишчи хужжатга мос келадиган иншоотнинг якуний шаклини олиш кераклигини ҳисобга олиш керак. Бунинг учун қоплама элементларини шундай тарзда ўрнатиш керакки, улар қурилишнинг кейинги босқичларида арматураланган грунт иншоотининг деформацияларини қоплайди, лекин унинг асосини эмас.

761. Бир-бирининг устига чиқишни ҳисобга олган ҳолда горизонтал жойлаштириш, вертикал ва горизонтал чизик бўйлаб текислаш, унинг элементларини ёки қолипларни ўрнатишнинг ҳар бир босқичида қопламанинг қиялиги текширилиши ва керак бўлганда, қурилишнинг ҳар бир босқичида тузатилиши керак.

762. Арматура текис юзага ётқизирилиши ва ишчи хужжатда кўрсатилган технологияга мувофиқ қопламага уланиши керак.

763. Арматурада чўзувчи кучланишлар сафарбар қилинганда деформацияни камайтириш учун арматурадаги қаттиқ бўлмаган ҳар қандай заиф жойни бартараф этиш керак. Бунга арматурани чўзиш ва уйма материални жойлаштиришда уни шу ҳолатда ушлаб туриш орқали эришилади.

764. Агар ишчи хужжатда бошқача кўрсатилмаган бўлса, қопламага ёки нишаб қиррага арматура иложи борича перпендикуляр жойлаштирилиши керак.

765. Агар қувурлар, устунлар, қозиклар, тешиклар (люклар) ва бошқалар кўринишидаги тўсиқларга дуч келинса, унда керак бўлса, арматурани вертикал ва / ёки горизонтал йўналишда силжитиш ёки арматурада тешикларни кесиб олиш мумкин, агар ишчи хужжат томонидан рухсат этилган бўлса.

766. Полимер материаллардан тайёрланган арматура ёруғлик таъсирида ўзининг хусусиятларини ёмонлаштириши мумкин, шунинг учун уни уйма материаллар билан ҳимоя қилиш керак. Агар ётқизиш муддати кўрсатилмаган бўлса, унда ҳимоя 1 d ичида таъминланиши керак.

767. Уйма материалларни ётқизиш ва зичлашни эҳтиёткорлик билан бажариш керак. Тўлдиришнинг лойиҳа параметрларига эришиш учун тегишли усқунани танлаш керак.

768. Уйма материалнинг гранулометриқ таркиби ва намлиги вақти-вақти билан ишчи хужжат талабларига мувофиқлигини текшириш керак, айниқса уйма материалнинг кўриниши ва хатти-ҳаракатларидаги ўзгаришлар сезиларли бўлса.

769. Уйма материални ётқизиш ва текислаш қоплама ёки нишаблик юзасига параллел равишда амалга оширилиши керак.

770. Уйма материални ётқизиш, текислаш ва зичлашда кучайтирувчи элементлар ва қоплама шикастланмаслигини таъминлаш учун алоҳида эътибор бериш керак. Механизмлар ва транспорт воситаларининг кучайтирувчи элементлардан ўтишига йўл қўймаслик керак.

771. Оғирлиги 1500 kg дан ортиқ бўлган барча транспорт воситалари ва барча қурилиш усқуналари қоплама ёки қопланмаган қиялик юзасидан камида 1 m масофада жойлашган бўлиши керак.

772. Уйма материал қатламларининг қалинлиги ишчи хужжат ва ишларни бажариш лойиҳасида кўрсатилган чегараларда бўлиши керак, ва керакли даражагача зичлашга имкон бериши керак. Ушбу қалинлик арматуранинг вертикал қадамига тенг бўлиши керак.

773. Унинг элементлари ва бўғинларига шикаст етказмаслик, шунингдек, деформацияларни камайтириш учун қоплама яқинидаги уйма материални зичлашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шунингдек, иншоотнинг бурчакларига алоҳида эътибор берилиши керак.

774. Қопламадан 1 m масофада жойлашган уйма материаллар енгил ускуналар ёрдамида зичланаши ва зичлаш сифатига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган қатламларнинг қалинлиги камайтирилиши керак.

775. Иш кунининг охирида уйма материални шундай зичлаш керакки, унинг сирти қоплама ёки қиялик юзасидан 2 % дан 4 % гача кўтаришга эга бўлиши, ва тарновга сувни оқизиш учун зичлаш қавати билан ёпилиши лозим.

776. Доимий "яшил" қопламани қуришда ишларни бажаришга қўйиладиган талаблар ишчи хужжатда белгиланиши керак.

777. Совуқ мавсумда ишларни бажаришда, муз ва қорни олиб ташлаш керак бўлган совуқ бардош уйма материалдан фойдаланиш тавсия этилади.

778. Ишларни бажаришда қуйидаги маълумотлар қайд қилинади:

- ишларни бажарилишининг бориши;
- геотехник маълумотлар;
- арматураланган грунт иншоотларини қуриш учун майдонни тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар;
- ётқизилган уйма материалнинг зичлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- арматураланган грунт иншоотини қуриш пайтида қабул қилиш, сақлаш, ётқизиш ва шикастланишда мустаҳкамловчи материалнинг лойиҳа талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- кучайтирувчи материалнинг синовлари тўғрисидаги маълумотлар;
- бундай материалдан фойдаланганда кучайтирувчи материалнинг дренаж хусусиятларининг лойиҳа талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- қуриладиган арматураланган грунт иншоотларининг геометрик ўлчамлари ва габаритларини ишчи хужжатларга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- зичланган ўйма материалнинг характеристикалари тўғрисидаги маълумотлар;
- арматураланган грунт ва ўйма материалларни мониторинг қилиш ва синовдан ўтказиш маълумотлари ва уларнинг лойиҳа параметрларига мувофиқлиги;
- арматураланган грунт иншоотларини қуришда қоплама элементларини ўрнатиш тўғрисидаги маълумотлар;
- дренаж тизимларини қуриш тўғрисидаги маълумотлар.

779. Арматураланган грунт иншоотларини қуришда атроф-муҳитга, шу жумладан қўшни бинолар мажмуи ва муҳандислик тармоқларига мумкин бўлган таъсирларни ҳисобга олиш керак.

3-§. Оқимли цементлаш ва грунтларни чуқурликдаги аралаштириш усуллари билан бажарилган массивларни маҳкамланган грунт элементлари билан кучайтириш.

780. Грунтли цемент элементлари билан заминни кучайтириш деформацияланиш ва юк кўтариш қобилияти яхшиланган кўрсаткичлари билан бўлган массивларни яратиш учун бўш грунтлардаги заминларни куриш учун ишлатилади. Грунтли цемент элементлари билан заминни кучайтириш объектларни куриш учун, кўчкига (ўпирилишга) қарши ва атрофдаги бинолар мажмуи ва коммуникацияларни сақлаб қолиш учун ҳимоя чоралари сифатида амалга оширилади. Ушбу бўлимда транспорт курилиши объектлари учун грунтли цемент элементларидан артмаураланган заминлардан фойдаланиш кўриб чиқилмайди.

781. Грунтли цемент элементлари арматураланган замин элементлари сифатида қуйидагича бажарилиши мумкин:

- вертикал – оқимли цементлаш ва чуқурликдаги аралаштириш;
- қия - оқимли цементлаш;
- горизонтал- оқимли цементлаш.

782. Грунтли цемент элементларидан заминни куриш бўйича ишлар бурғулаш ускуналарини кўчириш талабларига жавоб берадиган дастлабки тайёрланган майдончада амалга оширилади. Майдон режалаштирилган бўлиши керак. Майдонча электр энергияси, сув таъминоти, шунингдек, грунтли цемент қўяқасини йиғиш учун жой билан таъминланиши керак.

Горизонтал грунтли цемент элементларини куриш, одатда, ишлатиладиган бурғулаш ускунасининг хусусиятлари билан белгиланган талаб қилинадиган қиймат учун лойиҳалаштириладиган элементларнинг белгисидан пастроқда туб белгиси бўлган кашшоф котлованлардан амалга оширилади.

783. Бажарилган грунтли цемент элементларининг бошлари (учлари) курилиш ускуналари ёки бошқа технологик таъсирлардан келиб чиқадиган механик шикастланишдан ҳимояланган бўлиши керак.

Ҳимоя йўл плиталарининг грунтли цемент элементлари бошлари бўйлаб ётқизиш шаклида вақтинчалик ёки доимий, ишчи хужжатлар ва ишларни бажариш лойиҳаси (қум ёки бетон тайёрлаш ва бошқа материаллардан тайёрланган тарқатиш ёстиғи) бўйича бажариладиган бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам ишларни бажариш лойиҳасида ҳимоя чоралари ишлаб чиқилиши керак.

784. Грунтли цемент элементларининг бошлари (учлари) курилиш ишлари даврида музлашдан ҳимояланган бўлиши керак. Ҳимоя усуллари ишларни бажариш лойиҳасини ишлаб чиқишда назарда тутилади ва грунтли цемент элементларининг ҳарорати 10 °C дан паст бўлмаслиги ва қаттиқлашувнинг дастлабки даврида (14 кун) – 15 °C дан паст бўлмаслиги керак.

785. Грунтли цемент элементларини қўллаш билан арматураланган грунт массивларини куриш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- ишчи хужжатларда белгиланган арматураланган массив худудининг чегараларини жойга чиқариб ташлаш;
- режада улар орасидаги масофаларни белгилаш билан грунтли цемент элементларини танланган худудда тақсимлаш;

- қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ва ишларни бажариш лойиҳасига мувофиқ тажриба участкасида ва бутун объект учун грунтли цемент элементларини бажариш дастурини ишлаб чиқиш;

- тажриба ишлаб ишларини амалга ошириш, грунтли цемент элементларининг сифатини назорат қилиш, грунтни маҳкамлашнинг ишчи параметрларини (лойиҳа муаллифлари) белгилаш;

- грунтли цемент элементларини қуриш бўйича ишларни бажариш ва операциялар сифат назорати;

- бажарилган ишларни қабул қилиш.

786. Грунтли цемент элементларининг сифат назорати “Бино ва иншоотлар асослари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига ва 599, 600-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

787. Грунтли цемент элементлари қурилмасининг ҳисобий технологик параметрларининг қийматларини ҳисоблаш ишларни бажариш лойиҳасида қуйидаги маълумотлар асосида амалга оширилди:

- грунт-бетон элементининг диаметри d , m ;

- маҳкамланадиган грунтнинг 1 m учун цемент истеъмоли;

- С/Ц нисбати WC ;

- босим билан юборувчи насоснинг ишчи босими p ;

- фурсункаларнинг сони ва кесилган майдони.

788. Тажриба майдончасидаги ишларнинг натижаларига кўра ҳисобий параметрларининг тузатилиши бажарилади (агар керак бўлса) ва грунтли цемент элементларини ишлаб чиқаришнинг ишчи параметрлари белгиланади.

Ишчи параметрларини белгилаш қурилишни ташкил этиш лойиҳаси муаллифлари билан келишилган ҳолда ишларни бажариш лойиҳасининг ишлаб чиқувчилари томонидан амалга оширилади.

789. Режадаги грунтли цемент элементлари орасидаги масофа ишчи хужжатлар томонидан белгиланади ва мустаҳкамлик ва деформация хусусиятлари бўйича заминга қўйиладиган талаблар - чегара ҳолатларининг 1 ва 2-чи гуруҳлари бўйича ҳисоб-китоблар билан белгиланади.

Грунтли цементга қўйиладиган лойиҳа талаблари билан кучайтириш схемасига (яхлит, алоҳида катаклар ва тасмалар), танланган маҳкамлаш усулига (оқимли цементлаш ёки чуқурликдаги аралаштириш) қараб, цементнинг мақбул сарфи аниқланади, унинг танлаш усули 18, 19- иловаларда келтирилган.

19-боб. Бино ва иншоотлар заминларининг махсус сейсмик ҳимоя тизимлари

790. Сейсмик фаол ҳудудларда қурилиши режалаштирилган бино ва иншоотларнинг заминларини тажрибалар асосида қабул қилинган муҳандислик чора-тадбирларини кўриш орқали махсус сейсмик ҳимоя тизимларини қўллаш орқали сейсмик таъсирларни камайитиш тавсия этилади.

Эслатма. Ҳудуднинг сейсмиқлигини камайитириш ушбу соҳада ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтлари ёки сейсмика соҳасида изланишлар олиб боровчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган услубга асосан экспериментал тадқиқотлар асосида ҳисобланиши керак.

791. Бино ва иншоотларнинг юқори қаватларига пойдевордан узатиладиган сейсмик таъсирларни камайтириш мақсадида тегишли ҳисоб ва экспериментал тадқиқотлар асосида асосланган пойдеворларнинг сейсмик ҳимоялашни эътиборга олиниши лозим

792. Сейсмик фаол ҳудудларда бино ва иншоотларни зилзила таъсиридан ҳимоя қилиш учун уларнинг пойдеворларида сейсмик ҳимояларни лойиҳалаш тавсия этилади.

Сейсмик ҳимоя — зилзилалар таъсирини сўндирувчи бино ва иншоотларнинг пойдевор ва ер усти бикр конструкцияси орасида жойлашган эластик, пластик, қовушқоқ, куруқ ишқаланиш ва аралаш хусусиятларга эга бўлган қурилмалардан иборат таянчлар ҳисобланади.

793. Бино ва иншоотларни зилзила таъсиридан актив ҳимоялашнинг замонавий усуллари конструкция қисмларида қўллаш бўйича асосан — пойдевор ва ростверк сатҳи орасига ҳимоя таянчларни ўрнатиш, қаватлар сатҳида турли ишқаланиш хусусиятларига эга қурилмалар — қовушқоқ, куруқ ишқаланишга эга фрикцион демпферлар, эластик боғлар, пластик хусусиятга эга боғлар ҳамда том сатҳида инерцион демпферлар, маятник кўринишдаги ва туташ идашлар қонунияти бўйича ишловчи сўндиргичлар қўлланилади.

794. Сейсмик ҳимоя таянчлари бино ва иншоотларда зилзилалар таъсирини сўндириш усулларида бири бўлиб, пойдевор ва ростверки орасидаги сейсмик ҳимоя таянчларига кўп қатламли резинаметалл таянч, кўрғошин ўзакка эга резинаметалл таянч, сирапнувчи таянчлар, кинематик таянчлар, пружинали эластик таянчлар, ёйсимон кўрғошинли таянчлар, пластик хусусиятга эга қатламли таянчлар ва бошқалар қиради.

Сейсмик ҳимоя таянчлари одатда бино ва иншоотларнинг пойдевор ҳамда ерусти конструкцияларининг орасига ўрнатилади. Лойиҳада қаватлар орасига ўрнатилиши назарда тутилган ҳолларда ҳисоб натижаларига асосан конструктив ечимлар асосида ўрнатишга рухсат этилади.

795. Сейсмик ҳимоя таянчлари лойиҳаланган бино ва иншоотлар пойдеворлари “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”, “Бино ва иншоотлар заминлари”, “Қозикли пойдеворлар”, “Қурилиш учун муҳандислик-геологик тадқиқотлар”, “Қурилишда меҳнат хавфсизлиги”, “Биноларнинг ички сув таъминоти ва канализацияси”, “Газ таъминоти. Лойиҳалаш меъёрлари”, “Турар жой ва жамоат биноларининг электр жиҳозлари”, “Алоқа, сигнализация ва диспетчерлик; қурилмалари, турар жой ва жамоат биноларини муҳандислик жиҳозлари. Лойиҳалаш меъёрлари”, “Грунтли иншоотлар, заминлар ва пойдеворлар” меъёрий ҳужжат талаблари асосида амалга оширилади.

796. Сейсмик ҳимоя таянчлар ости пойдевори одатда яхлит пойдевор, конструктив жиҳатда зарур ҳолларда лентали, қозикли ва алоҳида турувчи пойдеворлар ишлатилишига рухсат этилади. Унда пойдевор бир-бири билан бикр боғлар ёрдамида уланиши ҳамда яхлит фазовий бикр конструкцияни ҳосил қилиши талаб этилади.

797. Сейсмик ҳимоя таянч қурилмаларига горизонтал ва вертикал юкларнинг тенг тақсимланишини таъминлаш мақсадида уларнинг устки қисмида бикр балкалар тизимини ёки яхлит ростверк конструкциясини лойиҳалаш талаб этилади. Бикр балкалар тизими ёки яхлит ростверк конструкцияси ер усти бинонинг конструкциялари билан бикр маҳкамланган бўлиши керак. Зилзила пайтида бинонинг ер усти конструкцияларида номунтазам шакл ёки масса ва бикрлик марказлари орасида эксцентриситетнинг юзага келиши ҳисобига буралиш деформациясининг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

798. Сейсмик ҳимоя таянч қурилмаларининг ишончли ишлаши ҳамда бинонинг устиворлигини таъминлашда сейсмик ҳимоя қурилмалари устидаги бикр балкалар тизими ҳамда яхлит темирбетон ростверкнинг массаси муҳим аҳамиятга эга. Бикр балкалар тизими

ёки яхлит темирбетон ростверк массаси, лойиҳаланаётган бинонинг ер усти массаси ва бикрлигини ҳисобга олган ҳолда динамик кучлар таъсирига чизиқли ҳамда чизиқсиз ҳисоб натижаларига асосан ўрнатилади. Ҳисобда эҳтиётлик коэффициенти бинонинг юзага келиши мумкин бўлган энг критик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ҳисобга олинади.

799. Сейсмик ҳимоя таянч қурилмалари тизимида бинонинг лойиҳавий ечими ҳамда конструктив тизимига боғлиқ равишда бир пайтнинг ўзида демпферлар, сўндиргичлар, боғлар, кўчишларни чекловчи элементлар ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда асосланган динамик ҳисоб натижалари асосида қўлланилиши мумкин.

800. Сейсмик ҳимоя таянч қурилмалари бир хил сатҳда ҳамда ташқи таъсирларнинг тенг тақсимланишини таъминлаш мақсадида бинонинг тархида ўзаро симметрик жойлаштириш талаб этилади. Таянчлар орасидаги масофа динамик ҳисоб натижалари ҳамда таянч конструкцияларининг чегаравий ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб натижалари асосида белгиланади.

801. Сейсмик ҳимоя таянч қурилмалари устида жойлашган бикр конструкция ҳамда бошқа ёндош конструкциялар орасидаги масофа динамик ҳисоб натижалари асосида аниқланади. Унда зилзила таъсирида сейсмик ҳимоя устида жойлашган бикр конструкциянинг эркин кўчишига имконият яратилиши назарда тутилиши керак.

802. Сейсмик ҳимоя қурилмаларини ўрнатишда уларни мониторинг ҳамда алмаштиришда технологик жараёнлар учун зарур бўлган жойларни назарда тутиш талаб этилади.

803. Бинодан тушадиган вертикал ва горизонтал таъсирлардан сейсмик ҳимоя таянч қурилмаларининг ишончли ишлашини таъминлаш учун пойдевор ҳамда ер усти бикр конструкция билан таянчлар мустаҳкам, бикр уланиши назарда тутилиши керак. Уланиш тугунлари ҳисоб ҳамда экспериментал тадқиқотлар асосида синовдан ўтказилган ҳолда лойиҳаланиши талаб этилади.

804. Зилзила пайтида сейсмик ҳимоя таянч қурилмаси устидаги бикр конструкциянинг кўчиши таъсирида коммуникация қувурлари ҳамда электр тармоқлари симларининг шикастланишининг олдини олиш мақсадида эгиловчан боғламлар ёки компенсаторларни бинонинг лойиҳалаш жараёнида инобатга олиниши зарур. Унда зилзила таъсирида бикр конструкциянинг кўчиши қийматига нисбатан эгиловчи боғлам элементларининг кўчиш қийматлари катта миқдорда олиниши талаб этилади.

805. Ертўла сатҳида ўрнатилган сейсмик ҳимоя таянч қурилмаларини мониторинг қилиш ҳамда техник ҳолатини баҳолаш учун зарур технологик бўш жойлар қолдирилиши талаб этилади.

806. Лойиҳаланадиган сейсмик ҳимоя таянч қурилмаларининг ёнғин хавфсизлиги даражаси биноларнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича меъёрлар “Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги” талабларига мувофиқ амалга оширилади.

807. Сейсмик ҳимоя таянчлари ҳамда бинонинг техник ҳолати бўйича доимий равишда ихтисослашган ташкилотлар томонидан мониторинг олиб борилиши керак.

808. Архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиши ишлари бўйича Давлат идораси ҳисобланган билан мувофиқлаштирилган махсус ҳолатлар учун, сейсмик ҳимояли тизимлар мавжуд бўлган бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуришда миллий меъёрий ҳужжат талабаларини ҳисобга олган ҳолда зарур ҳолларда қўшимча равишда хорижий меъёрлар талабларидан фойдаланишга рухсат этилади.

809. Амалдаги шахарсозлик меъёрларга қўшимча равишда ишлатиладиган хорижий меъёр талаблари (худудий қурилиш меъёрлари, қўлланмалар, тавсиялар, стандартлар, техник шартлар) амалдаги шахарсозлик норма қоидалари талабларига зид бўлмаслиги, истисно тариқасида киритиладиган қўшимчалар тегишлича асосланиши ва текширилиши талаб этилади.

810. Мавжуд замонавий актив сейсмик ҳимоя таянчларининг асосий камчилиги уларнинг умурбоқийлиги камлиги ҳисобланади. Юқоридаги камчиликдан фарқли равишда қуйида сейсмик ҳимоя таянчининг ноанъанавий усули таклиф этилган. Унга кўра бино ва иншоотларнинг пойдевори ҳамда таянч усти бикр конструкциясининг орасига сейсмик ҳимоя қатлами келтирилган (1-расм).

811. Таклиф қилинаётган актив сейсмик ҳимоя конструктив ечими қуйидаги элементлардан ташкил топган. Темирбетон асосга ва деворларга эга яхлит пойдевор, қистириб маҳкамланган эластик стерженлар, шағал - кум аралашмаси бино конструкцияларидан тушадиган статик ва динамик юкларни ўзига қабул қилиб, бинонинг заминига ўтказиб беради. Ён деворлар бикр темирбетон ростверкнинг сейсмик кучлар таъсирида силжишдаги деформациядан ён деворларда тўлдирилаган шағал ёки шағал-резина парчалари аралашмасидан иборат тўлдирувчи қатламнинг сиқилишдаги босими таъсирларини қабул қилади.

812. Шағал-кум аралашмасидан иборат бўлган қатлам бино ва иншоотлар конструкцияларидан тушадиган юкларнинг бир қисмини эластик стерженларнинг бўйлама сиқилишдаги деформациясига мос равишда қабул қилади. Шағал-кум аралашмаси бикр ростверк конструкциясининг сейсмик кучлар таъсирида силжишида стерженлар ҳамда ростверк таг юзасининг ўзаро ишқаланишининг ҳисобига тебранишларни сўнишига олиб келади.

813. Шағал-кум аралашмасида жойлашган эластик композит стерженлар бино ва иншоотлардан тушадиган юкларнинг бир қисмини ўзига қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, бикр ростверк конструкцияси тебранишларда уни бошланғич ҳолатига қайтаришга имкон беради.

814. Бино ва иншоотларнинг устиворлигини таъминлашда сейсмик ҳимоя таянч қурилмаларининг устки бикр балкалар тизими ёки яхлит ростверк конструкцияси массасини тизимни динамик ҳисоб натижалари бўйича тўғри танлаш муҳим аҳамият эга.

815. Ростверк конструкциясининг ён томонлари бўйлаб баландлик бўйича тўлдирилган шағал ёки шағал-резина парчалари сейсмик ҳимоя тизимида силжишда ишқаланиш ҳамда эластиклик хусусиятини созлаш имконини беради.

816. Таклиф қилинадиган сейсмик ҳимоя таянч ечимининг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида бино ва иншоотларнинг ер ости пойдеворлари ён деворларидаги тўлдирувчи материал орқали тушувчи ташқи сувларнинг тушишига технологик жиҳатдан йўл қўймаслик керак.

817. Тавсия хусусиятига эга сейсмик ҳимоя таянч тизими элементларининг бикрлик ва диссипатив хусусиятларини аниқлаш ифодалари ҳамда сейсмик ҳимоя таянчига эга кўп қаватли бинонинг динамик ҳисоблари илмий-тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқиладиган “Услубий қўлланма”да батафсил келтирилган.

818. Сейсмик ҳимоя таянч тизимини лойиҳалашда чизиқли ҳамда чизиқсиз статик ҳамда динамик ҳисоблар амалга оширилганлиги сабабли бино ва иншоотларда ушбу тавсия хусусиятига эга конструктив ечимни лойиҳалаш ҳамда қўллашда ваколатли лойиҳа ҳамда

ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтлари ҳамкорлигида амалга ошириш талаб этилади.

819. Бино ва иншоотларни таклиф қилинаётган сейсмик ҳимоя конструктив ечимини инobatга олган ҳолда лойиҳалашда мажбурий равишда ағдариш ва силжишга устиворлик, сеймиик ҳимоя конструктив ечими элементларининг мустаҳкамлиги ва устиворлиги, замин ва пойдеворларнинг мустаҳкамлиги, заминининг чўкиши ҳамда қийшайишига худуднинг геологик кўрсаткичларини инobatга олган ҳолда ташқи юкларнинг махсус жамланмаси асосида ҳисобланиши керак.

820. Сейсмик ҳимоя таянч тизимлари мавжуд бўлган бино ва иншоотларни лойиҳалаш, архитектура-шаҳарсозлик ва қурилиш ташкилотлари ҳамда сейсмик мустаҳкам қурилиш соҳасида ваколатли ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган махсус техник шартларсиз лойиҳалашга йўл қўйилмайди.

20-боб. Грунтларни сунъий музлатиш

821. Сувга тўйинган беқарор қумли ва қумлоқ тупроқли грунтларда, шунингдек серёриқ тошлоқ грунтларда кўмилган иншоотлар ва пойдеворларни қуришда котлованларнинг вақтинчалик муз-грунтли тўсиқларини ўрнатиш учун грунтларнинг сунъий музлатилиши кўзда тутилиши керак.

822. Грунтларни музлатиш бўйича барча ишлар ишчи ҳужжатлар ва ишларни бажариш лойиҳаси бўйича амалга оширилиши керак.

823. Грунтларни сунъий музлатиш шўр сув ўтказгичлари ва музлатиш устунларида айланиб юрадиган совуқлик ташувчи (манфий ҳароратгача совутилган шўр сув) билан амалга оширилади.

Совуқлик ташувчи сифатида аммиак ёки фреондан фойдаланган ҳолда грунтни сунъий музлатиш учун совутиш мосламаларини ишлатишга рухсат берилади. Асосланган ҳолларда суяқ азотдан фойдаланиш мумкин.

Совуқлик ташувчининг тури, концентрацияси ва ҳарорати ер ости сувларининг ҳарорати, шўрланиши ва ҳаракатланиш тезлигига қараб аниқланиши керак. Совуқлик ташувчиси сифатида калций хлориднинг сувли қоришмасидан фойдаланиш керак.

824. Музлатиш устунлари учун қудуқлар ишчи ҳужжатлар бўйича 1,0 дан 1,5 m гача қадам билан котлованнинг контури бўйлаб жойлаштирилиши керак. Қудуқлар қаторлари орасидаги масофа уларнинг кўп қаторли жойлашуви билан 2-3 m га тенг бўлиши керак.

825. Кўшимча қудуқлар, улар зарур бўлган ҳолда, қудуқларнинг жойлашиш режаларини ва лойиҳа диаметрларининг муз-грунтли цилиндрларини таҳлил қилгандан сўнг бурғулаш керак. 100 m чуқурликка қадар музлашда юқори сифатли бурғулаш ишларини бажаришда кўшимча қудуқлар сони қуйидагилардан ошмаслиги керак: вертикал – 10 %, қия – 20 %; 100 m дан ортиқ музлаш чуқурлигида, кўп эмас: вертикал – 20 %, қия – 25 %.

826. Қудуқлар грунтнинг сувга чидамли қатламига камида 3 m кўмилиши керак.

Сувга чидамли қатламнинг қалинлиги ер ости сувларининг мумкин бўлган ёриб ўтишини ҳисоблаш билан аниқланиши керак.

827. Қудуқни бурғулаш тугатилгандан сўнг, дарҳол музлатиш устунини ботириш керак.

828. Музлаш жараёнини кузатиш учун гидрогеологик ва термометрик назорат қудуқларини қуриш керак. Уларнинг сони ва жойлашиш ўринлари муҳандислик ва геологик шароитларга қараб белгиланади.

829. Шўр сув ўтказгичларининг босим билан юбориш линиялари конденсатор томонига қараб 1 % дан 2 % гача қиялик билан, сўриш линиялари эса буғлатгичлар томон 0,5 % нишаб билан ўрнатилган бўлиши керак.

830. Ўрнатишдан сўнг, шўр сувли тармоқ сув билан ювиб юборилиши, сўнгра гидравлик босим билан зичликка (герметикликка) синалиши керак. Бунда гидравлик босим ишчи босимдан 5 марта кўп бўлиши, лекин 0,6 МРа дан кам бўлмаслиги лозим. Агар 15 мин давомида босим билан текширишнинг босими ўзгармаса ва тармоқни кўздан кечирганда бириктириш жойларида ва қувурларда сизиб чиқиш аниқламанса, тармоқ фойдаланиш учун яроқли деб ҳисобланади.

831. Шўр сув тармоғини совуқлик ташувчи билан тўлдиришдан олдин уни такроран сув билан ювиб, кейин уни бутунлай олиб ташлаш керак.

Совуқлик ташувчи тизимини совуқ омиллар билан ишга тайёрлашдан олдин, унда вакуум яратилиши керак.

832. Агар шўр сув тармоғига уланган музлатиш устунлари, агар уларнинг ишга тушириш тартиби лойиҳада алоҳида айтиб ўтилмаган бўлса, 5 д дан ортиқ бўлмаган муддатга аста-секин фойдаланишга киритилиши керак. Устунларни фақат тегишли далиллар бўлгандагина, гуруҳлар билан ишга туширишга руҳсат этилади, бунда биринчи навбатда лойиҳада кўрсатилган қоидалардан ҳар хил қийматдаги энг катта оғишга эга бўлган туташ устунлар ишга туширилади.

833. Музлатиш тизимларини ишлатиш даврида совуқлик ташувчининг ҳароратини, кузатувчи гидрогеологик қудуқларидаги сувнинг сатҳини ва бошқа кўрсаткичларни қайд қилиш керак.

834. Лойли қатламлашлар орасига жойлашган сувли қатламларни музлатиш жараёнида юкни тушириш қудуқлари орқали ер ости сувларининг эркин кўтарилиши таъминланаётгани доимий назорат остида бўлиши керак.

835. Совутиш мосламасининг талаб қилинадиган қуввати, муз-грунтли тўсик деворларининг қалинлиги ва ҳажми чуқурнинг ўлчамига ва музлатилган грунтнинг физик-механик хусусиятларига қараб, статик ва иссиқлик техникавий ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган ишчи ҳужжатлар томонидан ўрнатилади.

836. Муз-грунтли тўсик чегарасида қурилиш-монтаж ишларини бажариш тўсикнинг ўлчамлари ва унинг ҳарорати сақланишини таъминлаш учун унинг ҳолатини доимий равишда кузатиб бориш ва музлатиш станциясининг ишлашини тўғрилашда руҳсат этилади.

837. Ҳавонинг ҳарорати мусбат бўлганда очиқ котловандан грунтни қазиб олиш ишлар журналида ҳимоя чораларини қайд қилиш билан муз-грунтли деворларини улар очилганда ёғингарчилик ва қуёш нурлари таъсиридан ҳимоя қилиш орқали амалга оширилиши керак.

838. Музлатиш устунларини қазиб олиш ва совутиш ускуналарини демонтаж қилиш, бажарилиши режалаштирилган барча ишлар тугагандан сўнг, музли-грунт тўсиғи ҳимояси остида амалга оширилиши керак. Қудуқлар ичидан музлатиш устунларини чиқариб олиш жараёнида тампонланиши (тиқинлар билан беркитилиши) ва бу ҳақда ишлар журналига ёзиб қўйилиши керак. Устунларни чиқариб олиш тартиби ишчи ҳужжатларда ва ишларни

бажариш лойиҳасида белгиланган бўлиши лозим. Грунтларни сунъий эритиш ишчи ҳужжатларда кўзда тутилган ҳоллардагина амалга оширилиши лозим.

839. Грунтларни сунъий музлатиш бўйича ишларни бажаришда назорат қилинадиган кўрсаткичларнинг таркиби, чегаравий оғишлар, назорат ҳажми ва усуллари 31-жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

31-жадвал

Технологик талаблар	Чегаравий оғишлар	Назорат (усул ва ҳажм)
1 Музлатиладиган кудуқларнинг берилган йуналишдан чизиқли оғиши а) тик кудуқлар учун б) қия кудуқлар учун	Чуқурлигига нисбатан 1 % дан ошмаслиги керак Узунлигига нисбатан 2 % дан ошмаслиги керак ±5 см	Ўлчаш (ҳар 30 м дан кейин)
2 Кудуқларнинг жойлашишига нисбатан оғиши		Ўлчаш, ҳар қайси кудуқ
3 Совитиш қурилмасини герметиклиги: а) ҳар қайси узайтириладиган қувур билан музлатадиган устун орасидаги чокни герметикликка гидравлик синашдаги босими б) устунга қуйилган суюқлик сатҳини ўлчаш	камида 2,5 МПа Агар устун ичидаги суюқдикнинг сатҳи уч сутка давомида 3 mm дан ортиққа ўзгармаса, устун герметик ҳисобланади	Шунинг ўзи, дафтарга қайд қилиб турилади Шунинг ўзи, ҳар қайси устундаги суюқлик сатҳини ўлчаб, ўлчаш натижалари дафтарга ёзиб борилади
в) Бутун музлатиш тизимини йиғишдан сўнг сиқилган ҳаво билан зичликка синашдаги босими	Агар тизимдаги босим дастлабки 6 h давомида кўпи билан 10 % га пасайиб, қолган вақтда ўзгармаслигича қолса, тизим зич ҳисобланади	Шунинг ўзи, тизимни сиқилган ҳаво билан зичликка синашда тизимдаги босим кузатиб борилади. Бунда сўриш томони учун 1,2 МПа, ҳайдаш томони учун 1,8 МПа бўлиши керак.
4 Тизимнинг белгиланган иш тартиби устун ичидан чиқадиган совуқ элтгичнинг ҳарорати	Тақсимлагичда ўлчанган совуқ элтгич ҳароратидан (музлатиш чуқурлигининг ҳар 100 m масофасида) 3 °C дан ошиқ фарқ қилмаслиги керак.	Шунинг узи, узлук- сиз

<p>5 Грунтнинг музлатиш бўйича ишларини амалга оширишда музлаган грунтли тўсиқнинг лойиҳадаги ўлчамларига ва туташ музлаганлигига эришиш</p>	<p>Музлаган грунтли тўсиқ чегарасида жойлашган барча ҳарорат ўлчов қудуқларда манфий ҳароратнинг борлиги.</p> <p>Берк контурдаги гидро-логик қудуқларда сув сатҳини кўтариш совуқ элтгич ҳароратининг барқарорлиги</p> <p>Совуқ элтгичнинг ҳарорати турғунлиги Ультратовули асбоб кўрсатмаси бўйича</p>	<p>Ўлчаш, ҳар бир козик</p> <p>Сув сатҳининг кўтарилишини белгилаб олиш</p> <p>Ўлчаш, даврий</p> <p>Шунинг ўзи</p>
--	---	--

Сифатни назорат қилиш турлари. Атамалар ва таърифлар

1. Технологик жараён назорат қилишни ўтказиш жойи ва вақтига қараб қуйидаги (назорат қилиш босқич)ларига бўлинади:

дастлабки назорат - келадиган ашёлар, буюмлар, қурилмалар, грунт ва бошқаларни, шунингдек техникавий хужжатларни назорат қилиш. Назорат қилиш кўпинча рўйхатга олиш усули билан (сертификатлар бўйича), керак бўлган ҳолларда эса ўлчаш усули билан амалга оширилади;

операциявий назорат - ишларни амалга ошириш араёнида ёки ишлар бевосита тугатилгандан сўнг бажариладиган назорат. Кўпинча ўлчаш усули ёки техникавий жиҳатдан кўздан кечириб амалга оширилади. Операциявий назорат қилиш натижалари умумий ёки махсус иш дафтарларида, геотехникавий назорат дафтарларида ва ушбу ташкилотда ишлаётган сифатни бошқариш тизими кўзда тутган бошқа хужжатларда қайд қилинади;

қабул қилиш назорати - объект қурилишининг ёки объект қурилиши босқичларининг, ёпиқ ишларининг ва бошқа назорат объектларининг тугалланиши бўйича бажариладиган назорат. Унинг натижалари бўйича назорат объектининг ишлатишга ёки кейинги ишларни бажаришга яроқлилиги ҳақида хужжатлаштирилган хулоса қабул қилинади.

У ёки бу кўрсаткични қабул қилиш назорати бир неча босқичда ва турли усулларда амалга оширилиши мумкин (масалан, алоҳида қатламдаги грунтнинг ва бутун тўкманинг зичлиги). Бунда пастки сатҳи текшириш натижалари юқоридаги сатҳни теришга далил бўлиб хизмат қилиши бўйича ёпиқ ишларининг текширув далолатномалари бутун тўкмаларни қабул қилиш назорати натижалари бутун тўкмаларни қабул қилишда тақдим этилади. Қабул қилиш назорати натижалари ёпиқ ишларнинг текширув далолатномаларида, муҳим қурилмаларни оралиқ қабул қилиш далолатномаларида, қозикни синов юки таъсирида синаш далолатномаларида ва қурилиш ишлари, бинолар ва иншоотларни қабул қилиш бўйича мавжуд меъёрларда кўзда тутилган амалдаги стандартларда қайд этилади.

2. Назорат қилинадиган кўрсаткичларнинг қамровига қараб қуйидаги (назорат ҳажм)ларга бўлинади:

яхлит назорат - бунда назорат қилинадиган маҳсулотларнинг барча миқдори (барча чоклар, барча қозиклар, барча қурилмалар, заминнинг барча сиртлари ва б.) текширилади;

танлама назорат- бунда назорат қилинадиган маҳсулотнинг кандайдир миқдори (танламаси) текширилади. Танлаш ҳажми қурилиш ишчи хужжатларда белгиланади. Агар қурилиш меъёрларида назорат қилиш нукталари тасодифан жойлашиши талаб этилса, танлаш “сочма” усулда назорат қилишга кўрсатилган маҳсулотлар учун белгиланган сифатида амалдаги стандартлар бўйича белгиланади.

3. Назорат қилишнинг даврийлигига қараб қуйидаги (назорат қилиш даврийлиги)ларга бўлинади:

узлуксиз назорат, технологии жараённинг назорат қилинадиган кўрсаткич ҳақида ахборот узлуксиз келади;

даврий назорат, назорат қилинадиган кўрсаткич ҳақида ахборот маълум вақт оралиғида келади;

бир лахзали назорат, консервация - асраш, бузилишидан саклаш, кўпинча яхлит, танлама ёки даврий назоратларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаганда тасодиқ вақтда (эпизодик) бажарилади (масалан, ҳандақни кўмиш вақтида грунтнинг зичлигини назорат қилиш).

4. Махсус назорат қилиш воситаларидан фойдаланилишига қараб қуйидаги (назорат усули)ларга бўлинади:

ўлчаш назорати, ўлчаш воситаларини ишлатиб, шу жумладан лаборатория жиҳозларидан фойдаланиб бажарилади;

қараб текшириш назорати;

техникавий кўздан кечириш;

руйхатдан утказиш назорати, хужжатларда (сертификатларда, ёпиқ ишларни текшириш далолатномаларида, умумий ва махсус иш дафтарларида ва бошқаларда) қайд этилган маълумотларни таҳлил қилиш йўли билан бажарилади. Назорат қилинадиган объектга етиб бўлмаганда (масалан, анкерни беркитишда) ёки ўлчаш ёхуд қараб текшириш назоратининг бажариш мақсадга мувофиқ бўлмаганда (масалан, карьер бўйича муҳандислик-геологик ашёлар бор бўлганда тўқма учун грунт тури) қўлланилади.

Ер ишларини бажаришдаги замин ва пойдеворлар ёпик ишларининг тахминий рўйхати.

5. яширин ишлар ва оралиқ қабул қилиш далолатномалари рўйхати бош лойиҳалаш ташкилоти билан биргаликда тасдиқланади ва Қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида талабларига мувофиқ тузилади.

Ушбу рўйхатда қурилиш пайтида назоратни амалга оширишда ҳисобга олинishi керак бўлган энг муҳим фикрлар мавжуд. Бу рўйхат тўлиқ эмас. Муайян геотехник масалалар ёки махсус ишлар билан боғлиқ нарсалар тегишли бўлимларда муҳокама қилинади.

6. Ер ишлари:

а) грунтдан қуриладиган иншоотлар, пойдеворлар остида сунъий заминларнинг тузилиши, табиий заминлар, хандақларга ёки ер устига қувурлар ётқизиш;

б) лойиҳада кўзда тутилган ёки грунтларни мустаҳкамлаш заминларни тайёрлаш бўйича муҳандислик тадбирлари (цементлаш ва б., заминларни намлаши дренажлаш, термик ёки грунтли қозикларни барпо этиш, булоқларни беркитиш, ёриқларни ямаш, грунтлардан тушамалар қуриш ва бошқалар)нинг ёпик заминларини кўздан кечириш натижалари бўйича белгиланган ишларни бажариш;

в) ер иншооти танасига кирувчи қурилма; ўтиш зоналари ва тўфон, кўтармаларининг тескари сизгич қатламлари; физикавий - механикавий тафсилотлари билан фарқ қиладиган грунтларни жой-жойига қўйиш майдонларнинг лойиҳада белгиланган чегаралари; зовурларнинг қисмлари (сизгич қатламлари ва уларнинг асослари, қудуқлар, қувур ўтказгичлар ва уларни кўмувчи тўкмалар; диафрагмалар: экранлар; ядролар; назорат - ўлчаш асбобларини ўрнатишда тушаладиган қатламлар;

г) йўллар, йўлаклар ва йўл қопламаси билан қопланадиган бошқа ҳудудлар билан кесишиш жойларидаги қазилган жойларни кўмиш;

д) тўшама остига солинадиган тўкма заминлар, грунт тушамалар;

е) ўта чўқувчи грунтларда қайта кўмиш (лойиҳа кўрсатмасида бўлса);

ж) ишни бажаришда бир ойдан ошиқ танаффусларда, ишларни консервация қилинганда ва бошлаб юборишда ишларни янгилаш учун керак бўладиган тадбирлар;

з) ювиш майдончаларини тайёрлаш ва сув кетказиш қурилмаларини ювишдан кейин тикинлар билан беркитиш,

7. Замин ва пойдеворларнинг тузилиши:

а) Замин ва пойдеворларни қуриш, бунда ҳандақ тубини (шу жумладан олдиндан намлаш) қуриш, пастлашувчи қудуқлар, кессон заминлари, бурғулаб урнатиладиган қозиклари ва бошқалар учун заминлар қуриш ҳам киради;

б) қозикларни қобиқ-қозик ва шпунт, шунингдек пастлашувчи қудуқлар ва кессонларни ботириш;

в) қозик ва қобиқ-қозикларни улаш билан боғлиқ бўлган ишлар, шунингдек темирбетон қисмлари орасидаги чоклар билан боғлиқ бўлган ишлар;

г) барча турдаги қудуқларни бурғилаш;

д) ҳандақлар тубини қаттиқ ашёлар (шағал, чақиқ тош) билан шиббалаш;

е) грунтли ва қумли қозикларни ўрнатишда қудуқларни тўлдириш,

ж) тик зовурлар ва барча турдаги зовурлар ва зовур тусиқлар қазииш;

и) нина ва барча турдаги инъекторларни тушириш;

к) инъекциявий ва зичлаш қоришмаларни тайёрлаш ва уларни ҳайдаш;

л) қурилмани кейинги бетонлашдаги шунингдек, ўрнатилган қисм ва деталларни ўрнатиш пайтида барча турдаги мустаҳкамлаш ишлари;

м) пастлашувси қудуқларни ўрнатишда тиксотроп кўйлақларнинг бўшлиқларини ёпиш.

Музламайдиган бир жинсли грунтларда вақтинчалик қазилган жойларнинг қияликлари тиклигини аниқлаш

8. Қияликнинг тиклигини аниқлаш учун катталикларни ҳарфлар билан белгилаймиз:

h - қиялик баландлиги, м;

a -фундаментлар орасидаги горизонтал масофа;

θ - қияликнинг тиклиги бурчаги, даража;

c ва φ - солиштирма боғланишнинг чегаравий қиймати; kPa ; ва ички ишқаланиш бурчаги, даража; қуйидаги ифодалар бўйича аниқланади:

$$c = \frac{c_1}{k_{st}} \quad \varphi = \arctg \frac{tg\varphi_1}{k_{st}} \quad (1)$$

бунда, c_1 ва φ_1 - мос равишда солиштирма боғланиш, kPa ; ва ички ишқаланиш бурчагининг, даража, ҳисобий қийматлари “Бино ва иншоотлар асослари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 2.3.15 - бандига мувофиқ аниқланади.

Q - нишаблик юзасида ўртача босим (ёки тенг тақсимланган юк) kN/m ;


θ^0 - нишаб бурчагининг рухсат етилган қиймати 0 ;

$tg\theta$ – коэффициент (h баландликнинг нишабнинг горизонтал юзасига a нисбати);

K_a – чегаравий кучланиш ҳолати шароитлида горизонтал ва вертикал кучларнинг нисбатини тавсифловчи коэффициент;

k_{st} - мустаҳкамлик коэффициенти, қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$k_{st} = \frac{\gamma_n}{\gamma_c} \quad (2)$$



1 - Расм. Нишабнинг максимал тиклигини аниқлаш учун ҳисоблаш схемаси.

Бунда γ_n ва γ_c - мос равишна ишнинг вазифаси ва иш шароити бўйича ишончлилик коэффициентлари, СП 22.13330 га мувофиқ қабул қилинади; баландлиги (чуқурлиги) 10 m гача бўлган ва хизмат муддати 5 йилгача бўлган ер иншоотлари учун вазифаси бўйича ишончлилик коэффициентлари қиймати $\gamma_n = 1,05$ ни олишга рухсат берилади;

γ_1 - грунт солиштира оғирлигининг ҳисобий қиймати, kN/m^3 , “Бино ва иншоотлар асослари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқ аниқланади. Солиштира оғирлик (kN/m^3) зичликни (t/m^3) эркин тушиш тезланиши ($9,8 m/s^2$) га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

10. K_a – коэффициент куйидаги ифода орқали аниқланади

$$K_a = \frac{tg\theta^* - tg\varphi_1}{1 + tg\theta^* * tg\varphi_1} \quad (3)$$

$$\theta^* = k(\varphi + \alpha_{\xi\alpha}) \quad (4)$$

ξ_a – бу ерда грунтнинг ён томони босими коэффициентлари, $k = (1,1)$.

11. $tg\theta$ коэффициентнинг рухсат этилган қиймати куйидаги формула билан аниқланади.

$$tg\theta = \frac{tg\theta^* * tg\varphi_1}{K_{st}K_a} * \frac{\left[1 + \frac{2c_1}{\gamma h} \frac{1}{tg\varphi_1}\right]}{\left(1 + \frac{2q}{\gamma_1 h}\right)} \quad (5)$$

12. Нишаб юзасининг θ оғиш бурчагининг рухсат этилган қиймати формула билан аниқланади.

$$\theta = Atan \left\{ \frac{tg\theta^* * tg\varphi_1}{K_{st}K_a} * \frac{\left[1 + \frac{2c_1}{\gamma h} \frac{1}{tg\varphi_1}\right]}{\left(1 + \frac{2q}{\gamma_1 h}\right)} \right\} \quad (6)$$

13. Ёриқликдаги пойдеворлар орасидаги рухсат этилган горизонтал масофа, m ; куйидаги формула орқали аниқланади

$$\alpha = \frac{K_{st}K_a}{tg\theta^* * tg\varphi_1} \frac{\left(1 + \frac{2q}{\gamma_1 h}\right)}{\left[1 + \frac{2c_1}{\gamma h} \frac{1}{tg\varphi_1}\right]} \quad (7)$$

Турли даражадаги пойдеворлар ўрнатишда юқори пойдевор нишабининг четидан камида $B=0.5$ m масофада ўрнатилади.

1-мисол. Лой грунт қатламида баландлиги 6 m бўлган турғун нишаб параметрларини аниқлаш талаб қилинади. Грунтнинг ҳисобий хусусиятлари: $c_1=15$ kPa, $\varphi_1=24^\circ$, $\gamma_1=20$ kN/m², нишаблик юзасидаги ёйилган куч $q=20$ $\frac{kN}{m}$. Талаб қилинадиган ишончлилик коэффициентининг керакли қиймати $K_{st} = 1.2$.

Ечим. Грунтларнинг мустаҳкамлик хусусиятларининг ҳисобланган қийматларини аниқлайлик.

$$C = \frac{c_1}{K_{st}} = \frac{15}{1.2} = 13 \text{ kPa} \text{ ва } \varphi = \frac{\varphi_1}{K_{st}} = \frac{24}{1.2} = 20^\circ$$

K_a - нишабга таъсир қилувчи горизонтал ва вертикал кучларнинг нисбатини тавсифловчи коэффициент.

$$\theta^* = k(\varphi + \alpha_{\xi\alpha}) = 1.1(20 + A \tan(0.4)) = 1.1(20 + 22) = 46^\circ$$

$$K_a = \frac{\operatorname{tg}\theta^* - \operatorname{tg}\varphi_1}{1 + \operatorname{tg}\theta^* * \operatorname{tg}\varphi_1} = \frac{1.03 - 0.36}{1 + 1.03 * 0.36} = 0.49$$

$\operatorname{tg}\theta$ коэффициентининг рухсат этилган қиймати қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\operatorname{tg}\theta = \frac{\operatorname{tg}\theta^* * \operatorname{tg}\varphi_1}{K_{st} K_a} * \frac{\left[1 + \frac{2c_1}{\gamma h} \frac{1}{\operatorname{tg}\varphi_1}\right]}{\left(1 + \frac{2q}{\gamma_1 h}\right)} = \frac{1.03 * 0.36}{1.2 * 0.49} * \frac{\left[1 + \frac{2 * 13}{20 * 6} \frac{1}{\operatorname{tg}0.36}\right]}{\left(1 + \frac{2 * 20}{20 * 6}\right)} = 0.78$$

$$\text{ва } \theta = 37.6^\circ$$

Қияликни горизонтал қисмининг узунлиги, m; α

$$\alpha = \frac{h}{\operatorname{tg}\theta} = \frac{6}{0.78} = 7.7 \text{ m}$$

Табиий жойлашган грунтларни ва грунт тўшамаларни тажрибавий зичлаш

14. Грунтларни тажрибавий зичлашни бажаришдан мақсад зичлаш машиналарининг технологик кўрсаткичларини ва иш тартибларини аниқлаш: тўкиладиган қатламларнинг қалинлиги зичлаш чуқурлиги, зичловчи иш органларининг чуқурлашиш нуқталари орасидаги масофа (чуқур зичлашда), зичловчи ишорганларидан қурилиш қурилмаларига бўлган масофа.

15. Тажриба зичлаш жараёнида зичланган грунтнинг асосий хусусиятлари тўғрисида маълумотлар бўлмаса, амалдаги стандартларга мувофиқ бузилган табиий тузилишга ега грунт намуналарида лаборатория тадқиқотлари ўтказилиши керак:

- зичланган грунтларнинг максимал зичлиги ρ_{dmax} ;

- оптимал намлик W_{opt} ;

- А ва Б коэффициентларини аниқлаштириш билан зичланган грунтларнинг намлигидаги ўзгаришларнинг рухсат этилган диапазони Δw .

- берилган зичланиш коэффициенти K_{COM} да грунт зичлиги ρ_{dCOM} қийматлари ва акссинча, ρ_{dCOM} нинг берилган ёки олинган қиймати учун K_{COM} .

16. Табиий жойлашган грунтларни тажрибавий зичлашни қурилиш майдончасидаги грунтларнинг лойиҳадаги кўрсатма бўйича геологик тузилишига қараб амалга оширилади:

бир жинсли грунтларни қатламлаб ётқизишда - бир жойда;

бир жинсли грунтларни қатламлаб ётқизишга, бироқ намлиги анча ўзгарадиган - икки жойда;

грунтларнинг турли жинсли табақаланиши- икки ёки уч жойда.

17. Тажрибавий зичлашда майдончанинг ўлчамлари шиббалаб зичлашда зичлагичнинг камида уч диаметрига тенг бўлиши ёки шиббалаш машинаси иш органининг ички зичлашда камида 6×12 м.

Тажриба ҳандақлари фойдаланиладиган шиббалашнинг ҳар қайси тур ўлчамига биттадан ҳандақ ҳисобида шиббалаш керак; пойдевор тури (кенгайтирмасдан, кенгайтирилган таглик билан, жуфтланган ва ҳоказо) .

18. Ўта чўкувчан грунтларни грунтли қозиклар билан чуқур зичлашда тажриба майдончаси камида уч қатор бир - бири билан туташувчи қозиклар билан зичланади. Бунда қозиклар режада тенг ёнли учбурчак чуқурликда ишчи ҳужжатда кўрсатилганга мувофиқ масофада жойлашган.

19. Ўта чўкувчан грунтларни олдиндан намлаб, шу билан бирга чуқур портлатишни куллаб тажрибавий зичлаш чуқурлиги 0.4 дан 0,8 м гача бўлган, эни ўта чўкувчан грунт қатлами қалинлигига тенг, лекин 20 м дан кам бўлмаган тажриба хоналарида амалга оширилади.

20. Грунтга қоқилган темир қозикча шиббалагич билан икки марта уриб грунтларни шиббалагичлар билан зичлашда зичланадиган сиртнинг пасайиши нивелирлаб аниқланади. Зичланган қатламнинг қалинлигини аниқлаш учун зичланган майдонча марказига

зичлагичнинг иккита диаметрига тенг бўлган чуқурликда (чуқурлик бўйича ҳар 0,25 m да) грунтнинг зичлиги ва намлигини аниқлаш керак.

21. Ўта чўкувчан грунтларда ҳандақларни тажрибавий шиббаланишни шиббалагичнинг ҳар икки зарбидан сўнг ҳандақ тубининг пасайишини ўлчаш билан амалга ошириш керак. Нивелирлашни шиббаланган жойнинг усти бўйича иккита диаметрал қарама-қарши нуқталарда амалга оширилади. Зичланган жойнинг ўлчамларини назорат йўли билан аниқлаш учун ҳандақ марказида ўлчами икки ҳисса энига тенг бўлган чуқурликда шурф қазилади ва ҳар 0,25 m дан кейин намуна олиб турилади. Ҳар қайси уфуқий чуқурликда намуна марказидан, ҳандақ четидан шиббаланган жой ўртача кесимнинг иккиланган ўлчамига тенг бўлган масофада четга 0,25 m га силжитиб олинади. Танланган намуналарга кўра, грунтларнинг зичлиги ва намлиги аниқланади.

22. Чуқувчи грунтларда заминларни кенгайтириб ҳандақларни шиббалашнинг тажриба усулида шиббаланадиган ашё (чақиқ тош, шағал ва б,) нинг ҳар қайси порцияси ҳажми ва умумий сони ҳамда ҳосил қилинган кенгайишнинг тархдаги ўлчами ва чуқурлиги бўйича қайд қилинади.

23. Грунт тўшамаларни барпо этиш тажрибавий зичлаш қуйидаги учта вариантда амага оширилади: катакларни 6, 8 ва 10 марта зичлаш ғалтак машинасининг ўтказиб ёки шиббалагич билан бир изда 8, 10 ва 12 марта (шиббалаш машинасини ўтказиб). Барча турдаги ишлатиладиган грунтлар учун зичлаш 1.2 Wp; 1.0 Wp; 0.8 Wp га тенг бўлган (Wp грунтнинг ёйи чегарасидаги намлиги) уларнинг камида учта намлик қийматида амалга оширилади.

23. Грунтни тажриба майдончасида шиббалангандан сўнг зичланган грунтнинг зичлиги ва намлигини зичланган қатламнинг юқори ва пастки қисмларига мос келувчи иккита горизонтал чуқурликларда аниқлаш лозим.

25. Грунтнинг қуруқ ҳолатдаги зичлигини аниқлаш амалдаги бўйича кескич ҳалқа усули билан амалга оширилиши лозим. Зичликнири назорат қилишни тезкор -усуллари (назорат бўйича қилишни зондлаш тезкор йўли билан, - усуллари ва бошқалар) билан амалга оширишга рухсат этилади. Тезкор - усулдан фойдаланилганда ўлчашлар умумий сонининг 5 % ини кескич ҳалқа усули билан бажариш керак.

26. Қурилиш майдончаларида, 18-банд бўйича бажарилган,грунтли қозиклар билан чуқур зичлашнинг тажриба натижаларини белгилаш учун чўкиш қалинлигига нисбатан камида 0,7 чуқурликда назорат қилиш шурфи ўтилиши керак. Бунда 3 m чуқурликкача ҳар 0,5 m да, ундан пастда ҳар 1 m да грунтнинг намлиги ва зичлиги ҳар қайси грунтли қозик чегарасидаги ва қозиклар бўшлиқлари орасидаги икки нуқталарида аниқланади.

27. Тажриба йўли билан намлаш ва чуқур портлатиб намлаш жараёнларида зичланадиган грунтнинг чўкишини кузатиш учун ҳандақ тубига ва унинг чегарасида, ҳандақнинг иккита ўзаро тик томонларига, ўта чўкувчан грунт қалинлигига бир ярим баровар келадиган масофада ҳар 3 m га сатҳ ҳандақ марказига, бутун чўкиш қалинлиги бўйича чуқурлик бўйича ҳар 3 m да чуқурлик тамғалар тудаси ўрнатилади.

Портловчи моддани чуқур портлатиш энергиясидан фойдаланиб, тажрибавий намлашни бажаришда, қўшимча равишда боблар билан ўлчаш керак. Бундан мақсад битта заряд таъсирида грунт тузилмаси бузилиш майдонининг радиуси ва аралаш зарядлар портлатилганда массивнинг бир текисда чўкиши аниқланади.

28. Сувга тўйинган кумли грунтларни тажрибавий титратма зичлашни ўзига ҳос

донадорлик таркибига эга грунтни “юмшатилмаган” майдонча чегарасида етти нуктада, “юмшатишган” майдончада эса олти нуктада амалга ошириш керак. Сув ёрдамида титратиш шиббалашни баҳолаш намуна олиш йўли билан грунт қуруқ ҳолатдаги зичлиги кўрсаткичи ва 25-бўлимга мувофиқ билвосита ёки тўғридан-тўғри усуллар билан сиқиш коэффициенти бўйича амалга оширилади.

Қозик ва шупунтларни қоқиш учун тўқмоқ турларини танлаш

29. Шиббалагич зарбасининг керакли минимал энергияси E_h , (kJ) қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$E_h = 0,045 N \quad (8)$$

бунда, N -қозикқа бериладиган ҳисобий юк, kN.

Ҳисобий зарба энергиясига $E_d \geq E_h$, (kJ) эга бўлган шиббалагичнинг қабул қилинган тури қуйидаги шартни қониқтириши зарур:

$$\frac{m_1 + m_2 + m_3}{E_d} \leq K, \quad (9)$$

бунда, K - шиббалагичнинг ишлатилиши мумкинлиги коэффиценти, унинг қиймати 1-жадвалда келтирилган;

m_1 - тўқмоқ массаси, t;

m_2 -қозикнинг калласи билан бирга массаси, t;

m_3 - бабка ости массаси, t.

1-жадвал

Шиббалагич тури	Қозик ашёсига қараб, К-коэффиценти, t/kJ		
	темирбетон	пўлат	ёғоч
Кувурсимон дизель-шиббалагичлар ва икки томонлама ишлайдиган шиббалагичлар	0.6	0.55	0.5
Бир томонга ишлайдиган тўқмоқлар ва штангалар дизель-шиббалагичлар	0.5	0.4	0.35
Осма шиббалагичлар	0.3	0.25	0.2
Изоҳ: Исталган турдаги қозикни тагидан ювиб қоқишда, шунингдек пастки учи очик бўлган пўлат кувурлардан ясалган қозикларни қоқишда юқорида кўрсатилган коэффицентнинг қийматлари 1,5 марта ошади.			

30. Қия қозикларни қоқишда шиббалагич зарбасининг ҳисобий энергияси E_h ни катталашган коэффицентнинг қиймати 5:1; 4:1; 3:1; 2:1 қияликда қоқиладиган қозиклар учун мос ҳолда 1,1; 1,15; 1,25; 1,4 олинади.

31. 1-бандда тавсия этилганга мувофиқ танланган шиббалагични қозик қисмининг энг кичик рухсат этилган ради S_{min} га текширилиши керак. Бу эса ушбу турдаги шиббалагич

учун унинг техникавий паспортида кўрсатилган энг кичик рухсат этилган радига тенг қилиб олинади; бу қозик қоқишда камида 0,002 m ва шпунт қоқишда камида 0,01 m олинади.

Узунлиги 25 m дан ортиқ бўлган қозикқа 2000 kN қоқишда шиббалагич танлашни зарбанинг тўлқинсимон назариясига асосланган ҳисобда амалга оширилади.

32. Қозикни лойиҳадаги белгиланган чуқурликкача қоқишда, одатда, йўналтирувчи қудукни ва ювишни қўлламай, мос қозик қоқадиган усқуналардан фойдаланиш йўли билан бажариш керак. Қозикларни лойиҳадаги белгиларгача қоқиш учун тўқмоқнинг массаси катта бўлган шиббалагичлар талаб қиладиган, шунингдек қозиклар билан ўта чўқувчан грунтларни кесиб ўтиш талаб қилинадиган ҳоллардагина йўналтирувчи қудукларни қўллаш рухсат этилади.

Қозикни лойиҳада кўрсатилган белгигача қўшимча тадбирларсиз қоқишни таъминловчи керакли шиббалагич зарба энергияси қиймати E_h (kJ) ни қуйидаги ифода бўйича аниқлаш керак:

$$E_h \geq \frac{\sum F_i H_i}{B_i} \left(n + \frac{m_2}{m_4} \right) \quad (9)$$

бунда F_i - қозикнинг грунтни i -чи қатлами чегарасидаги юк кўтариш қобилияти, kN;

H_i - грунтнинг i - қатлами қалинлиги, m;

B – тўқмоқнинг вақт бирлиги ичида зарбалар сони, 1 min даги зарбалар;

t -қозикни уриб киритишга сарф қилинган вақти (кўтариб ташлаш операцияларига кетадиган вақт ҳисобга олинмайди);

B_t - қозикларни қоқиш учун керак бўладиган шиббалагич зарбалари сони, одатда кўпи билан 500 та зарб қабул қилинади;

n - кўрсаткич буғ-ҳаволи механикавий ва штангали дизель-шиббалагичлар билан ишлаганда $n=4,5$; қувурсимон дизель-шиббалагичлар билан ишлаганда $n=5,5$ қабул қилинади;

m_2 - қозик массаси, t;

m_4 - шиббалагичнинг зарб берадиган қисми массаси, t;

33. Узунлиги 25 m гача бўлган темирбетон ва ёғоч қозикларни қоқиб киргизишда ҳамда охирига етказишда танланган шиббалагичнинг зарба энергияси E_d га ва қозикнинг ишчи хужжатида кўрсатилган юк кўтариш қобилиятига қараб назорат қилинадиган қолдиқ ради қиймати S_a қуйидаги шартни қониктириши зарур:

$$S_a \leq \frac{\eta A E_d}{F_d (F_d + \eta A)} \frac{m_1 + \varepsilon^2 (m_2 + m_3)}{m_1 + m_2 + m_3} \quad (10)$$

Агар ҳақиқий (ўлчанган) қолдиқ ради $S_a < 0,002$ m бўлса, у ҳолда қозикни қоқиш учун қолдиқ ради $S_a > 0,002$ m бўладиган катта зарбавий энергия берадиган шиббалагичдан фойдаланишни кўзда тутиш керак, қозикни қоқадиган усқуналарни алмаштиришга имкон бўлмаса, у ҳолда қозикларнинг назорат қилинадиган умумий ради $S_a + S_{el}$ (m) қуйидаги формула (ифода) орқали ҳисобланиши керак:

$$S_a + S_{el} \leq \frac{2E_d \frac{m_1}{m_1 + m_2} + F_d S_{el}}{F_d \left[\left(2 + \frac{F_d}{4} \right) \left(\frac{\eta_p}{A} + \frac{\eta_f}{A_f} \right) \frac{m_3}{m_3 + m_2} \sqrt{2g(H - h)} \right]} \quad (11)$$

(10) ва (11) ифодаларда белгилар қуйидагича қабул қилинган:

η - қозик ашёсига қараб, 2-жадвал бўйича олинadиган коэффициент;

A - қозик танасининг туташ ёки ғовак қўндаланг кесим юзасининг ташқи контури билан чегараланган юзи (қозикда учи бор ёки йўқлигидан катъий назар), m^2 ;

E_d - шиббалагичнинг ҳисобий зарбавий энергияси (kJ), 3-жадвал бўйича қабул қилинади;

m_1 – шиббалагич массаси, t;

m_2 - қозик ва каллагидан массаси, t;

m_3 – бабка ости массаси, t;

ε – темирбетон қозикларни ва қобик қозикларни шиббалагичлар билан қоқишда қабул қилинадиган зарбни тиклаш коэффициентини, қўшимча қатламли ёғоч каллак қўлланилганда, зарба таъсири олинади;

S_a - ҳақиқий қолдиқ рад, шиббалагичнинг битта зарбасида қозик ботиш қийматига тенг;

S_{el} - қозикнинг эгилувчан ради (грунт ва қозикларнинг эгилувчан силжишлари), ради ўлчагич ёрдамида аниқланади, m;

η_p ва η_f - грунтнинг динамик қаршилигидан статик қаршилигига (грунтнинг қовушқоқ қаршилигини ўз ичига олувчи) ўтиш коэффициентини, мос ҳолда қуйидагига тенг қилиб олинган: қозикнинг пастки учи остидаги грунт учун $\eta_p = 0.00025$ s m/kN ва қозик оёкнинг ён сиртидаги грунт учун $\eta_f = 0.0025$ s m/kN;

A_f - қозик оёкнинг тегиб турувчи ён сирти юзи, m^2 ;

m_4 - шиббалагичнинг зарба берувчи қисми массаси, t;

g – эркин тушиш тезланиши, $g = 9.8$ m/s² қилиб олинади;

H - шиббалагич зарба берувчи қисмининг ҳақиқий тушиш баландлиги, m;

h - дизель - шиббалагич зарба берувчи қисмининг биринчи марта сақлаш баландлиги, m; бошқа турдаги шиббалагичлар учун $h=0$ деб олинади.

Изох: Қозикни, кейинчалик ҳандаққа ишлов бериш натижасида олиб ташланadиган грунт орқали ёки сув оқими учун мўлжалланган грунт орқали қоқишда ҳисобий қайтариш қийматини қозикнинг юк кўтариш қобилиятидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш керак; бу ҳисоблаб топишда чиқариб ташланмаган ёки ювилиб кетишига дучор бўлиши мумкин бўлган грунтни, манфий ишқаланиш кучи ҳосил бўлиши мумкин бўлган жойларда эса манфий ишқаланиш кучини ҳисобга олинади.

2-жадвал

Қозиклар	Коэффициент η , kN/m ²
Қаллакли темирбетон	1500

Бабка таги бўлмаган ёғочли	1000
Бабка таги бўлган ёғочли	800

3-жадвал

Тўқмоқлар тури	Тўқмоқ зарбининг ҳисобий энергияси E_d, kJ
Осма ёки бир томонлама ишлайдиган	GH
Қувурли дизель - туқмоқ	0.9 GH
Штангали дизель - туқмоқ	0.4 GH
Қабул қилинган белгилар: G-шиббалагичнинг зарба берадиган қисми оғирлиги, kN H-дизель-шиббалагич зарба берадиган қисмининг ҳақиқий тутиш баландлиги, m.	

34. Узунлиги 25 m дан ортиқ бўлган темирбетон, шунингдек қувурсимон пўлат қозиклар учун ҳисобий радни зарбанинг тўлқинсимон назариясига асосланган ҳисоб билан аниқлаш керак.

Шпунт қоқиш учун шиббалагич танлашда ва зарба бериш қисмининг тушиши баландлиги бўйича унинг иш тартибини белгилашда қуйидаги формулага риоя қилиш керак

$$\frac{G}{A} \leq K_f K_m \quad (12)$$

бу ерда, G - шиббалагич зарба берувчи қисмининг оғирлиги, MN;

A - шпунтнинг кўндаланг кесим юзаси, m^2 ;

K_f - шпунт тури ва оқувчанлик чегараси бўйича шпунт пўлати ҳисобий қаршилигига боғлиқ равишда 4 - жадвал бўйича қабул қилинадиган ўлчовсиз коэффициент;

K_m - ўлчовсиз коэффициент, шиббалагич турига ва унинг зарба берувчи қисмининг тутиш баландлигига қараб 5 -жадвал бўйича қабул қилинади.

4-жадвал

Пўлат шпунт тури	Қуйидаги оқувчанлик чегараси бўйича шпунт пўлатнинг ҳисобий қаршилигидаги коэффициенти K_f, MPa					
	210	250	290	330	370	410
Ясси	0,70	0,83	0,96	1,10	1,23	1,36
Зетсимон	0,80	0,98	1,16	1,37	1,57	1,78
Тоғорасимон	0,90	1,15	1,40	1,70	2,0	2,30

5-жадвал

Шиббалагич тури	Зарба берувчи қисмининг тутиш баландлиги, m	Коэффициент K_m, MPa
-----------------	---	-------------------------------

Бир томонлама ишлайдиган буғ-ҳаволи ёки осма	0,4	7,5
	0,8	4,5
	1,2	3,0
Икки томонлама ишлайдиган буғ-ҳаволи	-	2,0
Дизелли трубкали	2,0	4,5
	2,5	3,0
Дизелли штангали	3,0	2,0
	2,0	5,0
Изоҳлар: Шпунт пўлатнинг қаршилигининг оралиқ қийматлари берувчи қисмининг тушиш баландлиги учун K_f ва K_m қиймати 4 ва 5-жадваллардан интерполяция йўли билан аниқланади.		

35. Лойиҳада фақат қозик учун ҳисобий юк N_1 (кN), берилган ҳолларда, қозикнинг юк кўтариш қобилияти F_d (кN), назорат қилинадиган радларни текширишда, қуйидагига тенг қилиб қабул қилиш керак:

$$F_d = \gamma_k N \quad (13)$$

бунда, γ_k - ишонччилик коэффиценти;

агар лойиҳада бошқа кўрсатмалар бўлмаса, кўприклардан ташқари барча бино ва иншоотлар учун (4) ифода бўйича ҳисобланган. $\gamma_k = 1,4$, (5) ифода бўйича ҳисобланганда $\gamma_k = 1,25$ олинади.

Қозик қисмларини қоқишда титратма қозқич турларини танлаш

36. Титратма ботиргич керакли мажбурий кучи қиймати F_0 , (кN), қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$F_0 = \frac{\gamma_g N - 2,8 G_n}{k_s} \quad (14)$$

бунда γ_g - грунт бўйича ишончилилик коэффициентини, 1,4 га тенг қилиб олинади;

N - лойиҳа бўйича қозик қисмига қўйиладиган ҳисобий юк, кN; қозик қисмларини ҳисобий чуқурликкача қоқиладиган ҳолларда эса, бу чуқурликка мос бўлган қисмининг грунтга ботиш қаршилиги лойиҳа бўйича олинади;

G_n - титратма тизимининг титратма ботириш қозик қисми ва каллақлари билан биргаликда умумий оғирлиги, кN;

k_s - титратма ботириш вақтида грунтнинг ён қаршилигининг камайиш коэффициентини, 6 - жадвал бўйича қабул қилинади.

6-жадвал

Қуйидаги грунтлар учун K_s коэффициентини								
Ўртача зичликдаги нам қум								
шағалли	йирик	ўртача			чангсимон	майда		
2,6	3,2	4,9			5,6	6,2		
Ўқувчанлик кўрсаткичи I_L бўлган лойли								
0	0,1	0,2	0,3	0,4	0,5	0,6	0,7	0,8
1,3	1,4	1,5	1,7	2,0	2,5	3,0	3,3	3,5
<p>Изоҳлар: Сувга тўйинган йирик қумлар учун K_s нинг қиймати 1,2 мартага ортади, ўртача қумлар учун - 1,3 марта, майда ва чагсимон қумлар учун-1,1 март.</p> <p>2 Балчиқли қумлар учун K_s нинг қиймати 1,2 мартага камаяди.</p> <p>3 Зич қумлар учун K_s нинг қиймати 1,2 мартага камаяди, сийрак қумлар учун 1,1 мартага кўпаяди.</p> <p>4 Лойли грунтларнинг оқувчанлик кўрсаткичининг оралик қийматлари учун K_f нинг қиймати интерполяция йўли билан аниқланади.</p> <p>5 Грунтар қават-қават бўлиб қатлашганда, K_f коэффициентнинг чуқурлик бўйича ўртача қиймати аниқланади.</p>								

Титратма қоқиш мажбурий энг кичик кучининг керакли қиймати F_0 , қоқиқли қозикни қоқишда камида 1,3 G_n дан паст қабул қилинмайди (қоқиш вақтида қозикнинг ички

бўшлиғидан грунтни олиб турилади) ва ичи ғовак қозикларни қоқишда (ичидан грунт олиб ташланмаганда) $2,5 G_n$ қабул қилинади.

Қабул қилинган керакли мажбурий куч бўйича шундай энг кам қувватли титрама ботиргич танланадики, бунда унинг мувозанатсиз (дебаланслар) тизимининг статик моменти K_m ёки кўрсаткичлари ростланадиган титратма қозқич учун оралиқ қиймат K_m , kg.m, қуйидаги шартни қониқтирсин:

$$K_T \geq M_c A_0 / 100, \quad (15)$$

бунда, M_c - титрама қозқич, қозик ва каллақларнинг умумий массаси, kg;

A_c - грунтнинг қаршилиги бўлмаганда, керакли тебранишлар амплитудаси, 7-жадвалдан олинади.

7-жадвал

Титратма ботиришнинг қийинлиги бўйича қозик қисмлари билан кесиладиган грунт тафсилоти	A_0 , см, ботириш чуқурлиги қуйидагича бўлганда, m	
	20 гача	20 дан юқори
Оқувчанлик кўрсаткичи $I_L > 0,5$ бўлган сувга тўйинган қумлар ва қумли лойлар, балчиқлар, майин юмшоқ, оқувчан юмшоқ чанг-симонлой	0,7	0,9
Оқувчанлик, курсаткичи $I_L > 0,3$ бўлган нам қумлар, қумли лойлар, дағал юмшоқ, чангсимон лойли грунтлар	1,0	1,2
Ярим қаттиқ ва қаттиқ, чангсимон-лойли грунтлар, шағалли кам намли зич қумлар	1,4	1,6

Изоҳ: Ички бўшлиғидан грунтни олиб ташланадиган ичи бўш қозиклар ва қобикли-қозикларни қоқиш учун титратма турини танлашда курсатилган A_0 нинг қиймати 1,2 мартага пасаяди. Қават-қават бўлиб қатлашган қатламли грунтларга қоқишда A_0 нинг қиймати кесиладиган қатламлар сони ичидаги энг оғир қатлам учун қабул қилинади.

Титратма ботиргични узул кесил танлашда, кўрсаткичлари тенг бўлганда, дебаланслар массасининг статик моменти K_m катта бўлгани, ҳамда катта ботириш хусусиятига эга бўлгани, титрама ботиргичнинг иш жараёнида кўрсаткичлари бошқариладиганини (ростланадиганини) танлаш керак.

Оғир қобикли - қозикларни грунтга ўрнатишга жуфтлаштирилган титратма ботиргичлардан фойдаланишни кўзда тутишга рухсат берилади. Бундай ҳолда уларнинг дебаланслари моменти жамланади.

37. Осма қозик қисми титратма ботириш тезлиги V билан титрама ботириш охирида охириги кафолатдаги 2 cm/s тезлик қуйидаги шартни қониқтириши керак

$$N \leq \left[\frac{6 \cdot 10^3 W - 2n F_s \left(2A_r - \frac{V}{n} \right)}{v} + F_s (k_s - 1) + G_n \right] \frac{f_r}{\gamma_g} \quad (16)$$

бунда, N - қозик қисмига тушадиган ҳисобий юк, kN;

W - титрама тизимининг ҳаракатланишига сарф бўладиган қувват, kW қуйидаги ифода бўйича аниқланади

$$W = \eta W_h - W_0 \quad (17)$$

бунда η – электр юритгичнинг фойдали иш коэффициентини юкка қараб, паспортдаги маълумот бўйича 0,83 дан 0,90 гача оралиқда қабул қилинади; W_h – охириги кафолатда тармоқдан истеъмол қилинадиган фаол қувват, кВт;

W_0 - салт юриш қуввати, паспорт маълумотлари бўлмаганда, титратма қокқичнинг хужжатда белгиланган қувватининг 25 % ига тенг қилиб олинади, кВт;

F_s - титрама ботиришда грунтнинг ёнланма қаршилиги, kN қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$F_s = \frac{1,5 \cdot 10^3 W}{A_r \left(n + \frac{V + 2}{2A_0} \right)} \quad (18)$$

бунда, n - титратма тизимнинг ҳақиқий тебраниш частотаси, min^{-1} ;

A_r - ҳақиқий тебраниш амплитудаси, қозик қисми ботилишининг охириги минутадаги тебранишнинг тўла қулоқчининг ярмига тенг қилиб олинади;

A_0 -титрама тизимининг қаршиликсиз ҳисобий тебраниш амплитудаси, см, қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$A_0 = \frac{100K_m}{M_e} \quad (19)$$

бунда K_m -титратма ботиргич дебелинелари массасининг охириги кофолатидаги статик моменти, kg m;

M_c - титрама тизимининг умумий массаси, kg;

K_s - титрама ботириш вақтида грунт ёнланма қаршилигининг камайиш коэффициенти 1-жадвал бўйича қабул қилинади;

G_n - қозик, каллак ва титрама ботиргичнинг умумий оғирликларига тенг бўлган титратма тизими оғирлиги; kN;

f_r - қозикнинг юк кўтариш қобилиятига инерциявий ва қовушқоқ қаршиликларининг таъсир этиш коэффициенти, 8 - жадвал бўйича қабул қилинади;

γ_g - грунт бўйича ишончлилиқ коэффициенти 1,4 га тенг қилиб қабул қилинади.

8-жадвал

Қозик қисмининг ён сирти бўйича грунтнинг тури	f_r коэффициенти
Қумлар ва қаттиқ лойли қумлар	1,0

Юмшоқ ҳолатдаги лойли қумлар, қаттиқ қумли лойлар ва лойлар	0,95
Қумли лойлар ва лойлар:	
Ярим қаттиқ	0,90
Дағал юмшоқ	0,85
Майин юмшоқ	0.80
Изоҳ: Қатламли грунтларни қозик билан кесишдаги f_r коэффиценти ўртача қиймати сифатида аниқланади.	

Қозикнинг ботириш усули билан ботиришни назорат қилишни, ботириш чуқурлиги ва ботириш кучи N бўйича амалга ошириш керак. Ботириш охирида, қозикнинг пастки учи лойиҳада кўрсатилганга яқин белгига етганда, қозикни ботиришни қуйидаги шарт бажарилганда, тўхтатишга рухсат этилади:

$$N \geq k_g \frac{F_d}{m} \quad (20)$$

бунда, N - ботириш кучи, kN ;

k_g - ишончлилик коэффиценти, $k_g = 1,2$ га тенг қилиб олинади;

F_d - қозикнинг лойиҳада кўрсатилган юк кўтариш қобилияти;

m - иш шароити коэффиценти, тажриба йўли билан аниқланган маълумотлар бўлмаганда $1 m = 0,9$ га тенг қилиб олинади.

Изоҳ. m коэффицентнинг қийматини қозикни статик синаш натижалари бўйича аниқлашга рухсат этилади.

Грунтни зичлаш учун машина ва ускуналарнинг асосий турлари

9-жадвалда грунтни зичлаш учун ишлатиладиган транспорт воситаларининг асосий турлари келтирилган.

9-жадвал

Машина ва ускуналар тури	Зичланган грунт қатламининг қалинлиги, m		Ўтишлар сони (шиббалаш зарбалари)
	қумли	лойли	
Ўзиюрар ва тиркамали пневматик ғалтаклар(каток) оғирлиги бўйича, t:			
25	0,5	0,6	10 - 12
40	0,6	0,7	10 - 12
Юкланган ағдарма мошина тури			
БелАЗ	0,6	0,7	8 - 10
КрАЗ	0,5	0,5	10 - 12
КамАЗ	0,4	0,4	-
Титратма ғалтаклар оғирлиги бўйича, t:			
2	0,7	0,3	2 - 3
5	1.2	0.4	2 - 3
Ўзиюрар титрама мошиналар (титратмазарба) оғирлиги бўйича, t:			

0,5	0,5	0,15 (0,3)	2 - 3
1	0,7	0,2 (0,4)	2 - 3
2	1	0,3 (0,6)	2 - 3
Тракторлар, булдозерлар (Т-100, Т140 турдаги)	0.3	0,2	8 - 10
Зарбий шибалаш мошиналари:			
диаметри 1,2 m, оғирлиги 2,5 t	2.2	2	10 - 12
диаметри 1,4 m, оғирлиги 3,5 t	2.6	2.4	-
диаметри 1,6 m, оғирлиги 4,5 t	3	2.7	-
диаметри 2 m, оғирлиги 6 t	3.6	3.2	-

Эслатмалар

1 жадвалда грунтларни зичлаш коэффициентининг $K_{сом} = 0,95$ га қадар зичлашда зичланган грунт қатламининг қалинлигининг ўртача қийматлари кўрсатилган уларнинг намлиги оптималга яқин w_0 ва ўтиш (зарбалар) сони - "тўхташгача".

2 Намлиги паст бўлган грунтларни 7,6 га кўра чегаравий қийматларга яқин, шунингдек, зичлаш коэффициенти $k_{сом} = 0,98$ гача зичлаганда, зичланган грунт қатламларининг қалинлиги 20-30% га камайиши керак.

3 Зичлаш коэффициентининг берилган минимал қиймати $k_{сом} = 0,92$ бўлса, зичланган қатламнинг қалинлиги 15 - 20% ёки ундан кўпроқ деб қабул қилиниши керак.

4 Бўшашган ҳолатда, қуйилиши керак бўлган грунтларнинг қалинлиги кумли грунт учун жадвалда кўрсатилган қийматлардан 10 - 15% ва лойли грунтлар учун 20 - 25% га кўпроқ олиниши керак.

**Хандақни ер ости сувларидан ҳимоя қилиш бўйича ишларни
бажаришдаги техник талаблар**

10-жадвалда сув сатҳини пасайтириш, ер усти оқими ва сувни кетказишни ташкил этиш бўйича ишларни бажаришга қўйиладиган талаблар кўрсатилган, шунингдек, назорат қилиш ҳажми ва усуллари белгиланган.

10-жадвал

Техник талаблар	Чекланган оғишлар	Назорат (усули ва хажми)
1	2	3
1 Қувурлар тизимининг герметиклигини текширишда сув босимини назорати	Ҳисобланган қийматдан камида 50% юқори	Хар бир тизимни ўлчаш
Игна фильтр ускунасининг қувурларининг қиялиги : сўриш босим тақсимоти сувни тўплайдиган	камида: насосдан 0,005 0,001 "" 0,005 айланма бак томон	Худди шу, барча қувурларнинг 1/3 қисми
3 Сув пасайтирувчи скважина фильтрлари	Ипнинг узилиши, мустахкам бўлмаган тутушган жойлар, ёриқлар ва бошқаларга йўл қўйилмайди.	Визуал, ҳар бир элемент
4 Сув кетказиш ариқларининг бўйлама қиялигининг лойиха қийматидан четланиши	±0,0005 дан ошмаслиги керак	Ўлчаш. Бурилишлар, кесишмалар орасидаги участкаларда йўллارни текислаш, лекин камида 50 м.

5 Табiiй сув оқимлари ва сув ҳавзаларига ташланадиган сувда кимёвий моддалар ва муаллақ моддаларнинг концентрацияси	Белгиланган максимал рухсат етилган концентрациялардан ошмаслиги керак [2]	Лаборатория тадқиқот, ойига камида 2 марта
6 Сув пасайтирувчи ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш	Ускуналар ва ишчи хужжат учун завод паспортига мувофиқ	Асбоб кўрсаткичлари бўйича ўлчаш, ҳар сменада
7 Сквжиналардаги статик ва динамик сув сатҳининг ҳолатини кузатиш	Ишчи хужжатга мувофиқ	Худди шундай, ҳар кунлик ўлчов натижаларига бўйича
8 Нишабларнинг ҳолатини ва хандаклар ва траншеялар тубини кузатиш	Консентрланган фильтрациялаш, грунтни олиб ташлаш ва қиялик оқими	Ҳар куни визуал кузатувлар
9 Қурилиш ишларининг таъсири билан боғлиқ бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларнинг чўкишларини назорат қилиш	Чўкишнинг миқдори белгиланган қўшимча чўкиш қийматларидан ошмаслиги керак	Бино ёки иншоотга ўрнатилган белги бўйича текислаш

Ер иншоотлари, штабеллар ва уюмларни қуриш бўйича гидромеханизациялашган ишларнинг бажариш хусусиятлари бўйича кўрсатмалар

38. Кема сузадиган дарёлар ва денгиз акваторияларида ишларни бажариш тартиби қурилиш ташкилоти томонидан мансублигига кўра дарё ёки денгиз флотининг маҳаллий ташкилотлари билан келишилиши керак; ишларни ишлаб чиқаришда иштирок этадиган кемаларнинг жиҳозлари.

39. Тайёргарлик ва ёрдамчи ишларнинг таркибида қуйидагилар бажарилиши керак:

- этакчи белгиларни ўрнатган ҳолда каналлар, хандақлар ва бошқа чуқурчалар ўлчамларидаги кесимларни бузиш;
- ювилиши керак бўлган иншоотларни, уюмларни, тиндиргичларни бузиш;
- қуйқа ўтказгичлар ва сув ўтказгичлар, ариқлар, тўғонлар, сув тўсгичлар, электр таъминоти ва алоқа линияларини йўналишларини белгилаш ва ўрнатиш;
- доимий репер билан унинг ноллари боғлайдиган сув ўлчаш рекаларини ўрнатиш;
- контури бўйлаб тўсик белгиларини ўрнатиш сув ости кабеллари, қувурлари ва бошқа иншоотларга тупроқ сўрувчи қурилмалар ва сузувчи қуйқа қувур линиясининг рухсат этилган яқинлашиши;
- ўлик лангарларни, боғлаш ва швартовга оид мосламаларини тайёрлаш (сув омборлари ишларида);
- кўндаланг тўсин ва створларни назоратини учун хариталарда юмв рекаларни ўрнатиш.

Белгиланган ишларнинг бажарилиши тўлиқ (ҳар бир объект учун) иш журналида рўйхатдан ўтган ҳолда визуал назоратдан ўтказилади.

40. Фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳудудида ва бинолар яқинида темир йўл ва автомобил йўлларида қуйқа қувурлари ва сув қувурлари, электр таъминоти ва алоқа линиялари, қувурларни ётқизиш йўллари кесимчаларининг қурилиши ушбу объектлардан фойдаланадиган ташкилотлар билан келишилган бўлиши керак.

41. Гидромеханизация усулидан фойдаланган ҳолда бинолар ва иншоотлар учун хандақларни қазиб ёки пойдеворлар, бетон тайёрлаш ёки тош тўлдириш ости лойиҳа белгиси остида грунтнинг табиий таркиби бошқа бузилишига йўл қўйилмайди.

42. Сузувчи тупроқ сургич снаряди ёрдамида грунтни қазиб чуқурлиги, қатламлаб ишлаш зарурати ва қатламлар сони, чуқурни ишлаб чиқиш технологияси ва унинг заминининг сифатига қўйиладиган махсус талаблар қурилишни ташкил этиш технологиясига ва уя(кесим)лар кенглиги ишни бажариш лойиҳасига мос келиши керак.

43. Ювилиши қийин бўлган грунтларни гидромониторлар билан қазиб уларни механик воситалар ёки портловчи усул билан олдиндан юмшатиш керак. Гидромонитор ишларининг технологияси, гидромонитор турини ва унинг параметрларини танлаш, поғоналар сони, поғонанининг максимал баландлиги, ишнинг хавфсиз олиб борилиши,

ҳаракат частотаси ва сув остида ювишни камайтириш усуллари қурилишни ташкил этиш лойиҳасида белгиланиши керак.

44. Фойдали қазилмаларда (чуқурлар, каналлар, йўл қазилари ва бошқалар) гидромонитор ишлари олиб борилаётганда, қазилманнинг пастки қисмини бульдозерлар ёки бошқа ер қазилар машиналари билан тозалаш керак. Камчиликларнинг чегаравий қиймати, уларни тозалаш ва олиб ташлаш усуллари қурилишни ташкил этиш лойиҳаси томонидан белгиланиши керак.

Грунт ишлари, штабельлар ва уюмлар

45. Сунъий ишларни бажаришда қуйидагилар зарур:

- ювилиган ҳудуд ва иншоотлар чегаралари бўйлаб фильтрация сувларини кетгазиш учун ариқлар ташкил этиш ва атрофдаги ҳудуднинг ботқоқланишига йўл қўймаслик бўйича бошқа чора-тадбирларни қўриш;

- мавжуд темир йўллар ва автомобил йўллари, шунингдек чўкма ишлари олиб бориладиган ҳудудда жойлашган бошқа иншоотларнинг пастки қатламларини ҳимоя қилиш, қирғоқ тўғонлари ёки ариқларни сув шикастлашидан ҳимоя қилиш;

- сунъий майдонини бўрон ёки тошқин оқимидан ҳимоя қилиш.

46. Чўкувчи йирик ғовакли, торфли ва лойқа грунтда ер иншоотларини ювиш, икки босқичда амалга оширилиши керак: кенгайтирилган пастки қисмининг қурилмаси ("ёстик"); замин ва "ёстиклар" нинг чўкишини барқарорлаштиришдан кейин юқори қисмдаги кейинги ювиш.

47. Ювишнинг юқори интенсивлиги билан сув юосган қияликлардан сувни олиб ташлаш сув сатҳини пасайтирувчи қурилмалар (қурилиш даври учун ётқизилган дренажлар, игна филтрлар ва бошқалар) ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

48. Суюлтирилган грунт таъсирида конструкция элементларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича маълумотлар мавжуд бўлса, бетон конструкцияларнинг бўшлиқларини ювишга рухсат берилади.

49. Бирламчи марза тўғонларини қумли ва қумли-шағалли грунтлардан, улар йўк бўлганда еса - иншоот профилидан ташқарида тўғонни олиб ташлаш билан маҳаллий грунтлардан қуришга рухсат берилади. Ботқоқ ёки сув босган жойларда, иншоотнинг сув ости қисмларини ювишда ва ыгурилишни ташкил этиш лойиҳасида назарда тутилган бошқа ҳолларда олдиндан ювилган грунтдан бирламчи марза тўғонлари ўрнатилиши мумкин.

50. Нишаблари темир-бетон плиталар билан маҳкамланиши керак бўлган кўтармаларда ва қияликдаги иншоот учун ўрнатилган грунт зичлигини таъминлаш зарур бўлган ҳолларда, чўкма грунтдан барпо этилган марза тўғони (дамбы обвалования) қурилишни ташкил этиш лойиҳасидаги кўрсатмаларга мувофиқ иншоотнинг контуридан қисман ёки тўлиқ олиб ташланиши керак.

Марза тўғони ташқи қиялиги ишларни бажариш лойиҳасида қабул қилинган иншоотнинг профилига мос келиши керак.

51. Мажбурий профилланган нишабликли тупроқ сўргич снаряд билан кўтармани ювишда ва сув сифими $2500 \text{ m}^3/\text{h}$ ва ундан кўп бўлган марзани бульдозер билан қуришда сунъий қисмининг чўққисининг минимал кенглиги камида 20 м бўлиши керак. Агар чўққисининг кенглиги кичикроқ бўлган кўтармани қуриш керак бўлса, унинг юқори қисмини қуруқ ҳолда тўкиш керак.

52. Сунъий хариталардаги сув тўкиш қувур ўтказгичларини сув юзасига қалқиб чиқишини олдини олиш учун ортикча юкланиши керак ва босимли ер иншоотларини ювишда, қувур деворлари бўйлаб фильтрацияга қарши диафрагма билан таъминланиши керак. Диафрагмалар иншоотларнинг конструкциясига ва грунтнинг фильтрация

хусусиятларига қараб, ҳар 15 - 25 м да, лекин камида иккитадан сув тўкиш қувурига ўрнатилиши керак (барча сунъий иншоотлар ва штабелларга ўрнатилган марзадаги диафрагмалар (обваловани) ташқари). Диафрагманинг ўлчамлари ва алоҳида диафрагмалар орасидаги масофа ишларни бажариш лойиҳаси томонидан ўрнатилади.

Қувур ўтказгичларни юклаш учун грунт ювилганга ўхшаш бўлиши керак.

Гидротехника иншоотларини ювишда, агар қурилишни ташкил этиш лойиҳаси томонидан бошқа конструкциялар кўзда тутилмаган бўлса, созланадиган тушириш фронтига эга бўлган сув ташлаш қудуқларидан фойдаланиш керак.

53. Сув ташлаш қудуқларининг босимли иншоотни қуришдан сўнг, ва қувурлар ишчи ҳужжат ва ишларни бажариш лойиҳасига мувофиқ тампонланиши (тиқинланиши) керак. Қувурлар цемент (қум-семент) қоришма билан тўлдирилиши керак.

54. Ювишда мавсумий ёки бошқа узоқ (3 ойдан ортиқ) танаффусдан олдин, қурилиши тугалланмаган сунъий иншоотларнинг сиртлари турғун сувнинг тўпланишига йўл қўймайдиган ҳолатга келтирилиши керак.

Қиш шароитида ишларни бажариш

55. Қишда гидромеханизациялашган ер ишлари махсус ишларни бажариш лойиҳаси бўйича амалга оширилиши керак.

56. Қиш шароитида асосан сув остидаги иншоотларнинг ювишни қўллаш афзалдир. Грунт конусларининг сув сатҳидан рухсат этилган баландлиги қурилишни ташкил этиш лойиҳаси томонидан белгиланади. Муз остида чўкма бўлганда, тиндиргич ҳовузининг чуқурлиги грунтни ётқизиш учун етарли бўлиши керак.

57. Доимий тиндиргич ҳовузи бўлмаган ҳолда грунтни ювиш рухсат этилади, агар қуйқа вақтинча технологик ҳовуз ҳудудида музламаса.

Сунъий иншоотларнинг грунтларида музнинг қатламлари ва линзаларига йўл қўйилмайди.

58. Ювиш жараёнида тиндиргич ҳовузининг муз майдонини қудуқ деворларига ва сунъий харитаси юзасига қадар музлашига йўл қўйилмайди. Шаклланган музни олиб ташлаш керак. Сув ташловчи қувурнинг диаметрининг 1/4 қисмидан каттароқ муз бўлаклари қудуқларга тушмаслиги керак. Чиқарувчи ариқлар доимо муздан тозаланиши керак. Марза тўғонларни фақат ериган грунтдан қуриш керак.

59. Танаффусдан сўнг ер усти ювишни тиклашда, агар илгари ювилган қисм ёки қурилатган иншоотнинг табиий пойдевори 0,4 м дан ортиқ чуқурликда музлатган бўлса, музлаган қобикни эритилган грунтгача очиш керак.

60. Ювишни қайта тиклаш учун музлатилган қатламни очиш, агар ыурилишни ташкил этишда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, диаметри камида 0,5 м бўлган воронкаларни эритилган грунтга 6х6 м дан 10х10 м гача бўлган панжара устига ўрнатиш орқали амалга оширилиши керак .

61. Қиш шароитида ювилган босимли ва бошқа муҳим тузилмалар (I принцип бўйича қурилган абадий музликдаги кўтармалар бундан мустасно) фойдаланишга топширишдан олдин текширилиши керак:

- кўтармаларнинг танаси ва асосини тўлиқ еритиш;
- оралик қатламлар ва музнинг линзалари йўқлиги;
- грунтнинг лойиҳадаги физик-механик хусусиятларини тиклаш.

**Заиф сувга тўйинган грунтларни қурилишдан олдин зичлашни ўзига хос
хусусиятлари бўйича кўрсатмалар**

Қиш мавсумида вертикал дренажларни ўрнатиш бўйича ишларни бажариш

62. Табiiй материаллардан тайёрланган вертикал дренажлар ёрдамида грунтларни зичлаш минус 15 °С дан паст бўлмаган бўлган марказнинг ташқи ҳароратида амалга оширилиши тавсия этилади.

63. Қиш мавсумида ишларни бажаришда зичлаш ишлари олиб борилаётган ҳудуддан сувни ишончли чиқариш юборишни ва механизмларни электр энергияси ва буғ билан узлуксиз таъминлаш керак.

64. Вертикал дренажларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган дренаж материали музлашдан ҳимояланган бўлиши керак.

65. Агар музлаган грунт қатламининг қалинлиги 0,2 m дан ошса, инвентар мустаҳкамловчи қувур бирикмаси (обсадной трубы) лидер скважиналарга ёки олдиндан эритилган грунтда амалга оширилиши керак. Лидер скважиналарни бурғулаш ёки тешилиш тавсия этилади. Грунтни эритиш электр ёки буғ иситиш ёрдамида амалга оширилиши мумкин .

66. Лидер скважинанинг ёки эриган грунтнинг майдонининг кўндаланг кесими камида мустаҳкамловчи қувур бирикмаси (обсадной трубы) ташқи диаметричалик бўлиши керак. Лидер скважиналар ёки эритиш музлатилган грунтнинг бутун чуқурлигида амалга оширилиши керак.

67. Грунтнинг музлашига йўл қўймаслик учун мустаҳкамловчи қувур бирикмаси уни иситиш учун мослама билан жиҳозланган бўлиши керак. Қувурга етказиб бериладиган дренаж материалида музлатилган бўлақлар ва муз бўлақлари бўлмаслиги керак.

68. Дренажларни амалга оширгандан сўнг, ер юзасида иссиқлик изоляцион қатламни ётқизиш тавсия этилади.

69. Қишда зичланган кўтармадаги тўсиқсиз грунтнинг чўкиши учун майдонларни 25x25 m ўлчамдаги участкаларга бўлиш тавсия этилади, траншеялар участкалар чегаралари бўйлаб музлатилган грунт қатламининг бутун чуқурлигигача кесилиши керак.

Кўтармалар ва қайта тўқилмалар қуриш учун техник талаблар

Кўтармалар ва қайта тўқилмаларни қуриш бўйича ишларни бажаришда назорат қилинадиган кўрсаткичлар таркиби, чегара оғишлари, назорат қилишнинг ҳажмлари ва усуллари 11-жадвалга мувофиқ бўлиши керак. Грунт хусусиятларининг кўрсаткичларини аниқлаш нуқталари майдон ва чуқурлик бўйича тенг тақсимланиши керак.

11-жадвал

Техник талаб	Чегаравий четланиш	Назорат (усули ва ҳажми)
1 Кўтармалар ва қайта тўқималарни қуриш учун мўлжалланган грунтнинг гранулометриқ таркиби (агар ишчи хужжатда махсус кўрсатмалар мавжуд бўлса)	Ишчи хужжатга мос келиши керак. Лойиха томонидан белгиланган чегарадан ташқарига чиқишга 20 % дан кўп бўлмаган аниқлашларда рухсат берилади.	Ишчи хужжат кўрсатмаларига мувофиқ ўлчаш ва рўйхатдан ўтказиш
2 Қирғоқ усқуналари ва қайта тўлдириш учун мўлжалланган грунт таркиби: а) ёғоч, толали материаллар, чириган ёки осон сиқилувчи қурилиш қолдиқлари	Рухсат берилмаган	Қундалиқ, кўз билан кўриш орқали (чамалаш)
б) шўрланган грунтлардан фойдаланганда эрийдиган тузлар	Микдори ишчи хужжатда кўрсатилганидан ошмаслиги керак	Ишчи хужжат кўрсатмаларига мувофиқ ўлчаш, лекин битта аниқлашдан кам бўлмаган.
в) зичланмасдан қурилган кўтармалар учун	50	

д) бинолар ичидаги бўшлиқ ва тўкмалар учун	Рухсат берилмаган	
е) грунт ёстиқчалари учун	15 %	10 минг m ³ грунт учун
3.Кўтармалардаги музлатилган бўлақлар-нинг (гидротехникадан ташқари) ва тўлдирилган грунтларнинг умумий хажмидаги қайта тўкмаларнинг таркиби:	дан ошмаслиги керак, %:	чамалаш, даврий (ишларни бажариш лойихасида ўрнатилади)
а) биноларнинг ташқи бўшлиқлари ва ётқизилган комму-никациялари бўлган траншеяларнинг юқори зоналари учун.	20	
б) Босиш билан зичланган кўтармалар учун	20	
в) Шиббалаш йўли билан зичланган кўтармалар учун	30	
4. Кўтармалар ва қайта тўкмалардаги қаттиқ қўшимчалар, шу жумладан музлатилган бўлақлар ўлчами	Зичланган қатлам қалинлигининг 2/3 қисмидан ошмаслиги керак, лекин грунт ёстиқлари учун 15 см дан ва кўтармалар ва қайта тўкмаларлар учун 30 см дан ошмаслиги керак.	Бир хил
5 Кўтармаларда, қайта тўкмаларда ва уларнинг заминларида қор ва музнинг бўлиши	Рухсат берилмаган	“
6 Манфий ҳаво ҳароратида тўкилган ва зичланган грунтнинг ҳарорати	Грунтнинг музлатилмаган ёки пластиклик ҳолатини унинг зичланиши	Ўлчаш, даврий (Ишларни бажариш лойихасида ўрнатилади)

	охиригача сақланишии таъминлаши керак.	
7 Текширилаётган худуд бўйича қайта тўкмадаги қуруқ грунтнинг ўртача зичлиги.	Лойиҳадан кам эмас. Қуруқ грунт зичлиги қийматлари алоҳида аниқланганда лойиҳадан 0,06 g/cm ³ дан паст бўлишига рухсат этилади, аммо аниқлашларнинг 20 % дан ошмаслиги керак.	Бир хил, ҳажм текширувчи ташкилот томонидан белгиланади.
8 Йўл, гидротехник кўтармалар, пойдевор остидаги грунтли ёстиқлар учун қабул қилинган майдондаги қуруқ грунтнинг ўртача зичлиги.	Лойиҳадан кам эмас. Қуруқ грунт зичлигининг лойиҳа қийматларидан паст бўлган қийматлари ёзги тўлдириш учун 10 % ва қишки тўлдириш учун 20 % дан кўп бўлмаган миқдорда рухсат этилади.	Худди шундай, ишчи хужжат кўрсатмаларига биноан ва кўрсатмалар бўлмаган тақдирда - ҳар сменада, лекин 300 m ³ кўтармага камида битта аниқлаш.
9Текширилаётган майдон бўйича режалаштириш ва бошқа зичланган кўтармаларнинг қуруқ грунтларининг ўртача зичлиги, бу қиймат ишчи хужжат томонидан белгиланмаган.	Зичланиш коэффициентининг назорат қийматларига мос келадиган қуруқ грунт зичлигидан паст эмас.	Бир хил, ҳажм текширувчи ташкилот томонидан белгиланади.
10 Қабул қилинган майдон учун поллар остидаги кўтарма грунтли заминнинг қуруқ грунтининг ўртача зичлиги.	Лойиҳадан паст эмас. Қуруқ грунт зичлигининг лойиҳа қийматларидан паст бўлган қийматлари 20 % дан кўп бўлмаган аниқланишларда рухсат этилади.	Бир хил, ишчи хужжат кўрсатмаларига мувофиқ, лекин тўлдириш қалинлиги 1 m дан ошмайдиган 200 m ² заминда ёки катта қалинлик 300 m ² тўкмада камида битта аниқлаш

11 Намлиги юқори бўлган грунтлардан кўтармаларни куришда сувга тўйинганлик коэффициенти.	0,85 дан ошмаслиги керак. Алоҳида ўлчовларда 0,85 дан катта қийматларга рухсат берилади, аммо аниқланганларнинг 20% дан кўп эмас.	Бир хил, РД кўрсатмаларига биноан ва бундай кўрсатмалар бўлмаган тақдирда - ҳар сменада, лекин 300 m ³ кўтарма учун камида битта белги.
12 Кўтарма танасидаги грунтнинг намлиги	Белгиланган ишчи хужжатлари доирасида бўлиши керак. Намлик қийматларининг ишчи хужжат томонидан белгиланган чегаралардан четга чиқишига аниқлашларнинг 10 % дан кўп бўлмаганида рухсат берилади.	Бир хил, ишчи хужжат кўрсатмаларига кўра, лекин 20-50 минг m ³ кўтарма учун камида битта аниқлаш.
13 Ядролар, экранлар, понурларни ва кўтармаларнинг бошқа филтрацияга қарши элементларини филтрацияга коэффициенти.	Ишчи хужжага мос келиши керак. Аниқланганларнинг 10 % дан кўп бўлмаган лойиҳа қийматларидан ошиб кетадиган оғишларга йўл қўйилади.	Ишчи хужжати кўрсатмаларига мувофиқ ўлчаш.
14 Грунтларнинг бошқа хусусиятлари, уларни бошқариш ишчи хужжат томонидан таъминланади.	Лойиҳага мос келиши керак.	Ишчи хужжат кўрсатмаларига мувофиқ.
15 Кўтармалар геометрик ўлчамларининг оғишлари:		
а) темир йўл кўтармалари ўқининг ҳолати.	± 10 см	Ўлчаш, ўлчаш белгилари қўйилган жойларда, лекин тўғри майдонларда камида ҳар 100 m ва эгри майдонларда 50 m.
б) автомобил йўллари	± 10 см	Бир хил

в) кўтармаларнинг юқориси ва пасти бўйича кенглиги	$\pm 10 \text{ cm}$	Бир хил
г) кўтармаларнинг юзасининг белгиси	$\pm 10 \text{ смм}$	Тўғри майдонларда 100 m дан кейин, егри майдонларда 50 m ва кўтармаларни режалаштириш учун ўлчаш. Грунт ёстиклари учун назорат ҳажми 5-жадвалнинг 3.3-бандига мувофик.
д) кўтармаларнинг нишабликларининг тиклиги.	Катталаштиришга рухсат берилмайди	100 m дан кейин ўлчаш.

Агар лойихада грунтнинг зичлаш коэффициентининг белгиланган қийматлари бўлмаса, 12-жадвалда келтирилган қийматларга амал қилиш керак.

12-жадвал

Грунт тури	Зичлаш коэффициентининг назорат қиймати k_{som} зичланган грунт юзасига юкланишда, МРа, тўлдиришнинг умумий қалинлигида, m.											
	0				0,05 - 0,2				0,2 дан катта			
	2 катта эмас	2.01-4	4.01-6	6 дан катта	2 катта эмас	2.01-4	4.01-6	6 дан катта	2 катта эмас	2.01-4	4.01-6	6 дан катта
Лойли	0,92	0,93	0,94	0,95	0,94	0,95	0,96	0,97	0,95	0,96	0,97	0,98
Қумли	0,91	0,92	0,93	0,94	0,93	0,94	0,95	0,96	0,94	0,95	0,96	0,97
Зичлаш коэффициенти-бу қуруқ грунтнинг еришилган зичлигининг амалдаги стандартлар бўйича стандарт зичлаш мосламасида олинган қуруқ грунтнинг максимал зичлигига нисбати.												

Грунтни зичлаш бўйича техник талаблар

Табиий грунтларни зичлаш ва грунт ёстикларини ўрнатиш бўйича ишларни бажаришда назорат қилинадиган кўрсаткичлар таркиби, чегаравий четланиш, назорат қилиш ҳажми ва усуллари 13-жадвалда келтирилганларга мос келиши керак.

13-жадвал

Техник талаб	Чегаравий четланиш	Назорат (усули ва ҳажми)
1 Зичланган грунтнинг намлиги	Ишчи хужжат томонидан белгиланган чегаралар доирасида бўлиши керак	Ишчи хужжат кўрсатмаларига мувофиқ ўлчаш
2 Юзани зичлаш: а) зичланган грунтнинг қабул қилинган майдондаги ўртача зичлиги	Бир хил, ишчи хужжат дан паст эмас. Аниқлашларнинг 10 % дан кўп бўлмаган ҳолларда қуруқ грунтнинг зичлигини $0,05 \text{ t/m}^3$ ёки сиқилиш коэффициентини 0,02 га камайтиришга рухсат берилади.	Худди шу нарса, ишчи хужжат кўрсатмаларига биноан ва ва кўрсатмалар мавжуд бўлмаганда, сиқилган қатламнинг қалинлиги 1 m дан кўп бўлмаганда ва каттароқ қалинлиги учун ҳар 0,5 m чуқурликда ҳар 0,25 m чуқурликда бутун сиқилган қатлам ичидаги ўлчовлар билан сиқилган майдоннинг 300 m^2 учун битта нукта; ҳар бир нуктада намуналар сони камида иккитадан иборат
б) оғир шиббалагичлар билан зичлаш пайтида грунт юзасининг пасайиши (носозлик) катталиги	Тажриба зичлашда белгиланган қийматдан ошмаслиги керак	Ўлчаш, 300 m^2 зичланаётган майдон да битта аниқланиш

<p>3 Грунт ёстикларини ўрнатишда олинган майдон бўйича куруқ грунтнинг ўртача зичлиги</p>	<p>Белгиланган ишчи хужжат дан паст бўлмаслиги керак. Аниқлашларнинг 10 % дан кўп бўлмаган миқдорда зичлик $N_{и} 0,05 t / m^3$ ёки зичланиш коэффициентини 0,02 га камайтиришга рухсат берилади.</p>	<p>Бир хил, ёстик майдонининг ҳар $300 m^3$ учун битта нукта, ҳар бир қатламда камида учта ўлчов</p>
<p>4. Шиббаланган хандақларда пойдевор қуриш:</p> <p>а) пойдеворнинг марказига ва ўқларига нисбатан хандақнинг ҳолати</p>	<p>Лойихадан четланишлар марказ $\pm 3 cm$, ўқнинг тескари йўналиши $\pm 5^\circ$ ошмаслиги керак</p>	<p>Ўлчаш, ҳар бир чуқурда</p>
<p>б) шиббаланган хандақнинг чуқурлиги</p>	<p>Лойихадан четга чиқиш $\pm 5 cm$ дан ошмаслиги керак</p>	<p>Бир хил</p>
<p>в) шиббалагични ташлаш баландлиги, зарбаларнинг умумий сони, тўлдириладиган қаттиқ материалнинг ҳажми ва қисмлари сони, ҳар бир қисмни шиббалаш учун зарбалар сони.</p>	<p>Тажриба шиббалаш натижасида аниқланган қийматларга мос келиши керак.</p>	<p>"</p>
